

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
«ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЁТ» ФАКУЛТЕТИ
«Иқтисодиёт» КАФЕДРАСИ**

«Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти»

фанидан

МАЪРУЗАЛАР МАТНЛАРИ

БУХОРО - 2014

Такризчилар:

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти «Менежмент» кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди Улашев Х.А.

Муаллиф: проф. О.Х.Хамроев

Маъруза соатларининг тақсимооти

№	Мавзу номлари.	Соат
1.	Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти фани предмети, вазифалари ва ўрганиш услублари.	2
2	Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи соҳа ва унинг таркибий тузилиши.	2
3	Агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳаси ва унинг таркиби.	2
4	Қишлоқ хўжалиги агросаноат мажмуасининг асосий бўғини ва ўзига хос хусусиятлари.	4
5	Агросаноат мажмуасининг инфратузилмаси ва таркибий тузилмаси.	2
6	Агросаноат мажмуасида ер-сув муносабатлари ва улардан самарали фойдаланиш.	2
7	Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш.	2
8	Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш харажатлари, маҳсулот таннари ва уни пасайтириш йўллари.	4
9	Агросаноат мажмуаси тармоқлари маҳсулотларининг нархлари (баҳоси).	2
10	Қишлоқ хўжалигида капитал кўйилма (инвестиция)лар ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги.	4
11	Илмий-техник тараққиёт ва қишлоқ хўжалигини интенсивлаштитириш.	2
12	Қишлоқ хўжалигининг моддий техника ресурслари ва улардан фойдаланиш.	2
13	“Қишлоқ хўжалиги маркетинги” тушунчаси, унинг моҳияти ва ривожланиш хусусиятлари.	2
14	Қишлоқ хўжалигининг ялпи ва товар маҳсулотлари, уларнинг тақсимланиши ва кўпайтириш йўллари.	2

15	Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш.	2
16	Агросаноат мажмуасида молия-кредит тизимининг амал қилиш механизми.	2
17	Европа ҳамжамиятининг ягона аграр сиёсати.	2
Жа ми		38

КИРИШ

Қишлоқ хўжалигининг саноат, транспорт, қурилиш, алоқа, тайёрлов, таъминот ва савдо тармоқлари билан уйғунлашуви натижасида Агросаноат мажмуаси шаклланди. Унинг асосий мақсади қишлоқ хўжалик маҳсулотлари йетиштириш, уларни тайёрлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга йил давомида узлуксиз етказиб беришдан иборат.

Шу сабабдан, мамлакат агросаноат мажмуасини ривожлантиришга Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан доимий ётибор берилиб келинмоқда. Бунинг натижасида, мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунларни еслатиб ўтиш кифоя. Жумладан, 1998 йилда «Ўзбекистон Республикасининг:

- 1) Ер кодекси тўғрисида»ги қонун,
- 2) «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонун,
- 3) «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун,
- 4) «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун.

Олиб борилган сиёсат натижасида аграр соҳада нодавлат секторнинг салмоғи ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Бозор талаблари ва давлат эҳтиёжидан келиб чиқиб ишлаб чиқаришнинг таркиби ўзгартирилди. Пахта яккаҳокимлигига барҳам берилди, ғаллачилик тармоғи кескин кенгайтирилди. Чорвачилик тармоғи деярли хусусийлаштирилди. Мамлакатда йетиштирилган ҳосилни қайта ишлаш даражаси ва кимга қанча сотиш масалалари мамлакат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ижобий ҳал қилинмоқда. Бу ўзгаришлар бошқа иқтисодий фанлар сингари «Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти» фани олдида ҳам янги вазифаларни қўймоқда.

Айниқса, агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқларни имкон даражасида бир-бирига мутаносиб ривожлантириш, уларни иқтисодий манфаатларини уйғунлаштириш масалалари янада кучаймоқда.

Бозор муносабатларини ривожланиши биз учун нисбатан янги ҳисобланган маркетинг, менежмент, молия ва солиқ, инфляция, монополияга қарши кураш ва рақобатни ривожлантириш каби кўплаб иқтисодий масалаларни чуқур ўрганишни талаб қилинмоқда.

1 - Мавзу: Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти фанинг предмети, вазифалари ва ўрганиш усуллари

Режа :

- 1. “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанининг предмети, бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва ўрни**
- 2. Агросаноат мажмуаси иқтисодийти фанининг предметини ўрганиш усуллари**
- 3. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти фанининг вазифалари**


АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.: 1994 й. 251-267 бетлар: Дехқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: 1995 йил, 58-75 бетлар. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш. Аграр муносабатларнинг янги турини шакллантириш.
3. Ҳакимов Р., Отақулов М., Юсупов Е., Юсупов М. Агросаноат мажмуаси - иқтисодиёти. Т.: 2004 йил. И ва ИИ боблар, 7-22 бетлар.
4. Ишмухаммедов А.Е. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Т.: 2004 йил. ВИИ боб, 65-74 бетлар. Агросаноат ривожлантиришнинг асосий муаммолари. Чет ел давлатлари тажрибаси ва унинг Республикада жорий қилиниш йўллари.
5. Абдуғаниев Абдулатиф, Абдуғаниев Абдуқаҳҳор Абдулатипович. Қишлоқхўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Т.: 2004 йил. ИИ боб, 15-37 бетлар.

- 1. “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанининг предмети, бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва ўрни**

Агросаноат мажмуаси - қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берувчи мақсадларга бўйсундирилган тармоқлар ва хизматлар йиғиндисидан иборат.

Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти фанининг предмети



Ўзбекистоннинг агросаноат мажмуасига қишлоқ хўжалиги, агросаноат тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш соҳалари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар ва хизматлар киради. Маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қараб Агросаноат мажмуаси иккита катта бўлинмадан иборат:

1) озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи агросаноат мажмуаси. Масалан, дон, гўшт, сут ва пахтачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи агросаноат мажмуалари;

2) озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан банд бўлмаган, яъни нозиқ-овқат агросаноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш мажмуаси. Масалан, машиналар, механизмлар, тракторлар, сув насослари ва шунга ўхшашлар.

Республикамиз агросаноат мажмуаси тўртта соҳадан ташкил топган, булар қуйидагилар:

1-соҳа: Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳа. Бу соҳага қуйидаги тармоқлар киради: агросаноат мажмуаси корхоналари учун машиналар, тракторлар, комбайнлар, станоклар ва еҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарадиган машинасозлик, минерал ўғитлар ва химикатлар ишлаб чиқарувчи кимё саноати тармоқлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи, сақловчи ва ташувчи соҳаларига керакли бўлган воситаларни ишлаб чиқарувчи тармоқлар киради.

2-соҳага: қишлоқ хўжалигининг ўзи, лекин қишлоқ хўжалиги агросаноат мажмуасининг асосини ташкил этади ва мажмуанинг бошқа соҳасига кирувчи тармоқлар асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисобига фаолият юритадилар ва хизмат кўрсатадилар.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги иккита катта соҳадан иборат:

- 1) деҳқончилик (Ўсимликчилик);
- 2) чорвачилик.

Булар тўғрисида батафсил кейинроқ тўхталиб ўтамиз.

АСМнинг 3-соҳаси, бу соҳа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи, тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар йиғиндисидан иборат, масалан мева шарбатлари ишлаб чиқарувчи заводлар, гўшт, сут ва пахта заводлари, ёғ-мой заводлари, жунни, терини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш натижасида йетиштирилган маҳсулотларини сотиш билан шуғулланувчи корхоналар 3-соҳанинг таркибидир.

4-соҳа –бу АСМнинг инфратузилмаси бўлиб, бунинг ўзи иккига бўлинади, унинг **биринчи қисми** ишлаб чиқариш инфратузилмаси, **иккинчиси** еса ижтимоий (социал) инфратузилма.

Биринчи тизимнинг таркибига:

- 1) техника таъминоти ва таъмирлаш каби сервис хизматлари;
- 2) ирригация ва мелиорация хизматлари;
- 3) кимёвий хизматлар;
- 4) зооветеринария хизматлари;
- 5) биологик хизмат кўрсатувчи корхоналар киради.
- 6) 2005 йилдан бошлаб АСМга янги хизмат турини кўрсатувчи – сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ) ташкил етилди. Бу ирригация ва мелиорациянинг янги хизмат тури ҳисобланади.


Инфратузилманинг иккинчи қисми ижтимоий (социал) инфратузилмага қуйидагилар киради:

- 1) аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизими, транспорт турлари бўйичайўловчиларни ташиш тизими;
- 2) уй-жой хўжалиги, мактабгача таълим-тарбия тизими, мактаб таълими тизими, соғлиқни сақлаш тизими;
- 3) спорт-соғломлаштириш тизими, маданий-маиший хизматлар, коммунал хизматлар тизими (аҳоли дам оладиган боғ ва масканлар) ва бошқалар;
- 4) қишлоқларда кўчаларни ёритиш бўйича хизматлар, ўт ўчирувчилар хизмати ва шунга ўхшашлар.

АСМнинг инфратузилмаси тўғрисида кейинчалик 5-мавзуда тўла ва батафсил ўрганиб чиқилади.

1-схемада Ўзбекистонда АСМнинг таркибий тизими схемаси берилган.

Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасининг таркиби



Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти фани – бу қишлоқ хўжалигининг саноат, савдо, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва аҳолига етказиб бериш, аграр соҳа учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи соҳалар билан узвий боғланган фан сифатида шаклланган фандир.

Агросаноат мажмуаси таркибида инфратузилма муҳим аҳамиятга егадир, чунки АСМ иқтисодиёти фани инфратузилмани иккига бўлиб ўрганади, унинг биринчи қисми – ишлаб чиқариш инфратузилмадан иборат бўлса, иккинчи қисми ижтимоий инфратузилмадир. Бу тузилмаларнинг таркибини ушбу фан бир тартибга солиб туради.

Агросаноат иқтисодиёти фани доимий ривожланишда бўлиб, юз бераётган ўзгаришларни, улардан ишлаб чиқариш омиллари бўлган меҳнат ресурсларини, ер фондини, асосий ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланишни, тадбиркорлик имкониятларини Ўзбекистон иқтисодиётига олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг агросаноат мажмуаси соҳаларида амалга оширишда ютуқ ва камчиликларни ўрганиб, уларнинг йечимлари тўғрисидаги билимларни ўзида мужассамлаштиради. Бу фан Ўзининг предметини қуйидагича ўрганади, енг аввало агросаноат интеграциясини – яъни саноат билан қишлоқ хўжалигини бир-бири билан сингиб кетиши ва юксалиб боришини, чамбарчас боғлиқ эканлигини, технологик жиҳатдан бир-бирини тўлдирувчи тармоқ эканлигини ўрганади. Масалан, «Ўзмевасабзавоцаноатхолдинг» компаниясига қарашли ширкат- заводлар,

сутни қайта ишловчи айрим корхоналар, иссиқхоналар ва парандачилик фабрикалари шулар жумласидандир.

АСМда муҳим ўринни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва тайёр товарларни истеъмолчиларга етказиб бериш билан шуғулланувчи тармоқлар эгаллайди.

АСМ иқтисодиёти фани қишлоқ хўжалиги маркетингини алоҳида мавзу сифатида Ўрганади, чунки ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда маълум бир истеъмолчиларнинг талабларини аниқлаш ва бу талабларни қондиришга қаратилган маркетингга кўпроқ еътибор берилмоқда.

Маълумки, маркетинг – инглизча сўз бўлиб, маркет – бозор – тадбиркор муҳитини, бозорни, истеъмолчининг аниқ талабини ва истеъмолчилар учун ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни кўзда тутишни Ўрганишга асосланган, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш, сотиш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бозор концепциясидир.

Маркетингни назарда тутиб иш юритишда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш бўйича менежер ташкилий тизидаги бошлиқлардан бири бўлиб, менежернинг вазифаси бозорнинг товарлар ва хизматлар билан тўлган қийин бир шароитларда корхонанинг узлуксиз ва самарали ишлашини таъминлашдан иборат.

АСМ иқтисодиёти фани Ўзбекистоннинг молия ва кредит сиёсатини агросаноат мажмуаси тармоқлари иқтисодиётидаги Ўрнини инобатга олиб, уларни алоҳида мавзу сифатида ўрганади.

Бу фан, хорижий давлатлар аграр сиёсатини Ўрганишга катта еътибор бериб, Европа ҳамжамияти давлатларининг ягона аграр сиёсати тўғрисида ҳам қисқача маълумотлар беради.

«Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти» фани ҳар бир тармоқ иқтисодиётини алоҳида-алоҳида емас, балки улардан ҳар бирига тегишли маълумотлар асосида пировард (сўнгги) маҳсулотни ишлаб чиқаришни кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулотлар сифатини яхшилашни таъминлаш йўллари каби масалаларни Ўрганади.

«Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти» фани «Иқтисодий назария», «Иқтисодий статистика», «Иқтисодий география», «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», «Қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи», «Саноат иқтисодиёти», «Маркетинг», «Менежмент», «Молия ва солиқ» каби қатор фанлар билан узвий боғлиқдир.

Шу сабабли Ўз предметини кўплаб фанлар ёрдамида Ўрганади, бошқа иқтисодий фанларнинг ривожига ҳисса қўшади.

Масалан, «Қишлоқ хўжалиги статистикаси» фани билан боғлиқлиги шундаки, бу фан орқали ердан фойдаланиш ва яроқли ерлар статистикасини, деҳқончилик статистикасини, чорвачилик статистикасини, қишлоқ хўжалигининг асосий фондларини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархи статистикаси каби мавзулар билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Агросаноат мажмуаси ўзининг предметини яна қуйидаги тартибда ўрганади: агросаноат интеграцияси, агросаноат мажмуасининг моҳиятини ва унинг таркибини очиб беради.

Агросаноат интеграцияси еса саноат ва қишлоқ хўжалигининг бир-бирига сингиб кетиши ва бир бутун тизимга айланишидир.

Ҳозирда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан саноатнинг бир бутун кўринишини олаётганини кўплаб мисоллар билан ифодалаш мумкин. Жумладан, «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компаниясига қарашли ширкат-завоҳлар, сутни қайта ишловчи айрим корхоналар, иссиқхоналар ва парандачилик фабрикаларини мисол қилиб олса бўлади. Бу соҳаларда бир юридик мақомга ега бўлган корхонада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади ва шу корхонанинг ўзида у дастлабки қайта ишлаш жараёнидан ўтади, баъзан еса тўла қайта ишланади. Бу корхоналарда ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалик даражасидан саноатлашиб кетган.

Доимий ривожланишда бўлган бу фан агросаноат мажмуаси тармоқлари иқтисодиётида юз бераётган ўзгаришларни, улардаги ишлаб чиқариш омиллари: меҳнат ресурсларини, ер фондини, асосий ишлаб чиқариш воситаларини ва тадбиркорлик имкониятларидан самарали фойдаланиш ўлларини ўрганади.

АСМда муҳим ўринни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш билан шуғулланувчи тармоқлар егаллайди, бу АСМнинг 3-соҳасидир. Умуман, бу тўғрисида юқорида биз тўхталиб ўтдик. «Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти» фани ҳар бир тармоқнинг иқтисодиётини алоҳида ўрганмасдан, балки уларнинг ҳар бирига тегишли бўлган маълумотлар асосида пировард (охирги) маҳсулотни ишлаб чиқаришни кўпайтиради, бу маҳсулотларнинг таннархини арзонлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашни амалга ошириш кабиларни ўрганади.

«Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти» фани «Маркетинг», «Менежмент», «Иқтисодий статистика», «Иқтисодий география», «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тўғрисидаги ҳуқуқлар», «Молия ва солиқ», «Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил етиш» каби фанлар билан боғлиқ.

«Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти» фанининг бошқа фанлар билан алоқаси



2. Агросаноат мажмуаси иқтисодийти фанининг предметини ўрганиш усуллари

Барча иқтисодий фанлар ўз предметларини ўрганишда қандай усуллардан фойдаланса АСМ иқтисодиёти фани ҳам шу усуллардан фойдаланади. Лекин бу фанлар ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, айрим усуллардан кўпроқ ва айрим усуллардан камроқ фойдаланади.

«АСМ иқтисодиёти» фани ўз предметини ўрганишда қуйидаги усуллардан кўпроқ фойдаланади, жумладан:

- 1) иқтисодий таҳлил;
- 2) иқтисодий таққослаш;
- 3) статистик гуруҳлаш;
- 4) монографик усул;
- 5) баланс усули;
- 6) истикболи режалаштириш;
- 7) илғор тажрибадан фойдаланиш;
- 8) маълумотларни жадвал ва графикларда тасвирлаш;
- 9) бизнес режа тузиш;
- 10) синтез усули;
- 11) индуксия ва дедуксия;
- 12) иқтисодий математика усул кабилар.

Индуктив усул деганда – емпирик билимдан абстракцияга ўтиб, назорат хулосалар чиқариш, сўнгра улардан иқтисодий сиёсатга ўтиш тушунилади.

Дедуктив усул қўлланганда еса иқтисодий фактлар таҳлиliga ўтилади. Бунда илгари сурилган хулоса қайтадан факторлар асосида текшириб кўрилади. Бу ҳар икала усул бир-бирини тўлдиради.

«АСМ иқтисодиёти» фани маълум даражада тарихий фандир, лекин шу билан бирга ривожланиб бораётган фанлар қаторига киради. Шу сабабдан ҳам дунё иқтисодиётида ва Ўзбекистон иқтисодий сиёсатида юз бераётган ҳодисалар «АСМ иқтисодиёти» фанининг ривожланишига бевосита таъсир етади. Демак, бу фан ўз предметини ўрганишда тарихий – диалектик усулдан ҳам кенг фойдаланади. Бу усулда мажмуага кирган бир тармоқда юз берган ўзгариш унинг бошқа тармоқлар фаолиятида ўз аксини топиши доимий ҳисобга олиниб турилади.

Масалан, деҳқончиликни ривожлантиришдаги ўзгаришлар чорвачилик соҳасини ўзгаришига ўз аксини топади. Чорвачиликни муваффақиятли ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири, юқори сифатли йем-хашакнинг йетарли даражада бўлиши ва бундан тўғри фойдаланишдир. Деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш еса экин майдонларининг ҳажмига ва қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигига боғлиқ.

Чорва молларини ем-хашак билан таъмин етиш режаларини тузишда, чорвачилик маҳсулотлари йетиштириш бизнес режаларини тузишда, молларнинг йем-хашак билан таъмин етиш кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқишда ем-хашак ресурсларнинг манбалари муҳим аҳамиятга егадир.

Таҳлил (анализ) сўзи грекчадан олинган «аналесис» бўлиб, бўлакчаларга бўлиш ёки бўлакчаларга ажратиш каби маъноларни англатади.

Бир иқтисодчи олим хўжаликни иқтисодий таҳлил қилишга баҳо бериб, шундай деб ёзган: «Ишбилармон иқтисодчи қуруқ тезислар ёзиш ўрнига фактларни, рақамларни ва маълумотларни ўрганиш устида ишлайди, амалий тажрибани таҳлил қилади ва хато мана бу ерда, уни мана бундай қилиб тузатиш керак» деб ёзган.

Иқтисодий таҳлил хўжаликни, мулк шаклидан қатъий назар, ички резервларини аниқлашга, шартномавий режаларни ошириб бажаришга, янги тадбирларни белгилашга имкон очиб беради.

Иқтисодий таққослаш усули – таҳлил қилишнинг кўп қўлланиладиган усулидир. Бу усулда бир неча иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланади.

Масалан:

1) ҳисобот кўрсаткичлари шартномавий режада белгиланган маълумотлар билан таққосланади.

2) мазкур йилдаги, яъни жорий йил натижалари базис йил, яъни аввалги йиллардаги ёки маълум бир даврдаги кўрсаткичлар билан солиштирилади. Ҳисобот давридаги иш кўрсаткичлари ўтган (базис) йиллардаги кўрсаткичлар билан таққослаб кўрилганда, ширкат ёки фермер, деҳқон хўжалиги иқтисодиётида бир неча йил мобайнида рўй берган ўзгаришларни белгилаб олиш имконини беради.

3) ширкат, фермер, пудратларнинг ютуқлари вилоят, туман бўйича еришилган кўрсаткичлар ҳамда илғор хўжалик ва илмий тадқиқот институтларининг иш натижалари билан солиштирилади.

Шундай қилиб, таққослаб кўриш усулида хўжалик ишлаб чиқаришда Ўзаро боғлиқ бўлган кўп кўрсаткичларни бир-бирига солиштириш мумкин.

Масалан, ердан фойдаланишни таққослаб кўрганда ҳар бир гектар қишлоқ хўжалиги ҳисобига қанча даромад олишни, ҳар 100 гектар қишлоқ хўжалик ери ҳисобига чорва маҳсулотлари йетиштиришни, меҳнат унумдорлигини, маҳсулот таннархини, техникадан фойдаланишни, ишчи-ходимларнинг моддий ва маданий турмуш тарзини яхшиланишини ва бошқа кўрсаткичларни таққослаш мумкин.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий имкониятларини юксалтиришда АСМнинг аҳамияти бекиёсдир. Унинг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йетиштириш, уларни тайёрлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш тизимининг мақсадга мувофиқ ишларини таъминлашдан иборат. Бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера оладиган механизмни яратиш, маҳсулот сифатини ошириш, ишлаб чиқаришнинг маъқул шакллари вужудга келтириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш каби масалаларни очиб беришдир.

АСМни ривожлантириш еса аҳолининг турмуш даржасини оширишнинг энг муҳим омилларидан биридир. Шу сабабли ҳам мамлакат агросаноат мажмуасининг ривожланишига Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумат томонидан доимий равишда ётибор бериб келинмоқда. Бунинг натижасида мустақиллик йилларида бозор иқтисодиётини юритиш учун зарур қонуний база яратилиб, улар мутассил такомиллаштирилиб борилмоқда. Олиб борилган ва олиб борилаётган сиёсат натижасида қишлоқ хўжалиги соҳасида нодавлат секторининг салмоғи ҳал қилувчи аҳамиятга ега бўлди. Аграр соҳада ишлаб чиқариш асосан ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари шаклида ташкил етилди. Бозор талаблари ва давлат эҳтиёжидан келиб чиқиб ишлаб чиқаришнинг таркиби ўзгартирилди. Пахта якка ҳокимлигига барҳам берилиб, ғаллачилик тармоғи кескин кенгайтирилди. Ғаллачилик билан шуғулланувчи ихтисослашган махсус тизим юзага келди. Чорвачилик тармоғи еса деярли хусусийлаштирилди.

Мамлакт АСМсининг асосий мақсади аҳолини сифатли озиқ-овқат ва халқ истеъмоли товарлари билан талаб даражасида таъминлашдан иборат. Бундай муаммо йирик сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга ега бўлиб, унинг талаб даражасида ҳал етилиши аҳоли турмуш даражасини юксалтиради. Шунинг учун ҳам бу масалага Республика ҳукумати томонидан алоҳида еътибор берилмоқда, яъни АСМга кирувчи барча тармоқларни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга босқичма-босқич жорий етилмоқда.


«Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти» фанинг вазифаси еса талабаларни (ва шу фанни Ўрганувчиларни ҳам) АСМ тармоқларда иқтисодиётнинг долзарб масалалари бўлмиш: агросаноат интеграцияси, АСМси тармоқ таркиби, улар ривожланишининг ҳозирги ҳолати, тармоқдаги ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш йўллари излаб топиш, маркетинг, менежмент, молия ва кредит, солиқ сиёсатининг АСМси тармоқларини ривожлантиришдаги Ўрни тўғрисидаги билимлар билан таништиришдир.

«АСМ иқтисодиёти» фанини Ўрганиш туфайли талабалар (ва шу фанни ўрганувчилар) АСМ тўғрисида, унинг иқтисодий масалалари ҳақида минимал билимларга ега бўладилар. «АСМ иқтисодиёти» фани талабаларнинг иқтисодий билимларини янада мукаммал бўлишини таъминлаб, уларни ишлаб чиқаришни ташкил етиш жараёнида тўғри қарорлар қабул қилишни Ўргатади.

Ўзбекистон ҳукуматининг иқтисодий сиёсатини ўрганиш ва унинг тегишли қисмини мутахассисларга етказиш, «АСМ иқтисодиёти» фанинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.


«АСМ иқтисодиёти» фани талабаларга бир-бири билан технологик жиҳатдан боғлиқ бўлган кўплаб мутаносиб ривожланишини зарурлиги тўғрисидаги билимларни Ўргатади, аҳолининг турмуш даражаси, биринчи навбатда АСМ тармоқларининг ривожланганлик даражасига боғлиқ эканлигини исботлаб беради.

Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти фанининг услублари



3. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти фанининг вазифалари

Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти фанининг асосий вазифалари



Иқтисодий ислохотлар Республикамизда биринчи навбатда аграр секторда бошланди. Бунинг ўзига хос рамзий маъноси бор, чунки аҳолининг 60% дан кўпроғи қишлоқ жойларида яшаб меҳнат қилмоқда, яъни ички маҳсулотнинг 33%, валюта тушумининг 55% и, озиқ-овқат маҳсулотларининг 90% и аграр сектор ҳиссасига тўғри келади (2004 йил бўйича).

«Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти» фанинг вазифалари мутахассисларни бозор иқтисодиёти шароитида агросаноат мажмуаси тармоқларининг иқтисодий муаммолари, уларнинг ҳозирги ҳолати, ва ечимлари тўғрисидаги комплекс билимлар билан бойитиш, мутахассисларга агросаноат тармоқларида мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими тўғрисида тўғри қарор ва хулосалар қабул қилишлари учун зарур маълумотлар бериш, АСМни ривожлантиришда давлат сиёсатини ўзида мужассамлаштириш ва улар билан бўлажак ва амалдаги мутахассисларни куллантиришдир.

«Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти» фанининг вазифаси ўқувчиларни АСМси тармоқларида иқтисодиётнинг енг муҳим, долзарб масалалари ҳисобланган агросаноат интеграцияси, АСМнинг тармоқ таркиби, уларнинг ривожланиш ҳолати, тармоқлардаги ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш ўлларин билиш учун тегишли билимларни ўрганиш.

«Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти» фани еса «Иқтисодий назария», «Микроиқтисодиёт», «Макроиқтисодиёт», «Иқтисодий статистика», «Иқтисодий география», «Маркетинг», «Менежмент», «Молия ва кредит» кабилар билан боғланган ҳолда АСМ тармоқларини ривожлантиришдаги ўрнини белгилаб беради.

«АСМ иқтисодиёти» фани талабаларнинг иқтисодий билимларини янада мукамал билишини таъминлаб, уларни ишлаб чиқаришни ташкил етишда тўғри хулоса ва қарорлар қабул қилишга ўргатади.

Ўзбекситон ҳукуматининг иқтисодий сиёсатини ўрганиш ҳам ушбу фаннинг вазифаси ҳисобланади ва бир-бири билан аналогик жиҳатдан боғлиқ бўлган тармоқларининг мутаносиб ривожланиши зарур еканлиги тўғрисидаги билимларни ўргатиб, аҳоли турмуш даражаси АСМ иқтисодиёти тармоқлари қандай ривожланганлик даражаси ва уларнинг мутаносиб ривожланишига боғлиқ еканлигини исботлаб, уларнинг иқтисодиёти қандай ҳолатда, яъни юқори суръатлар билан ёки паст қувватлар билан ривожланишини исботлайди.

Республикамизда мустақиллик йилларида Агросаноат мажмуасини ривожлантириш учун яхши ютуқларга еришилган бўлса-да, лекин айрим камчиликларга ҳамйўл қўйилди ва иқтисодий ислохотлар жараёнида янги муаммолар ҳам келиб чиқди. Хўш, бу муаммолар нималардан иборат ?

Ўзбекистоннинг аграр соҳасини ривожлантириш тажрибаси шуни кўрсатадики, кўпчилик бўғинларда соҳа кадрлари янгича ишлашга, яъни бозор муносабатларига тўла мослаша олмаяптилар. Бундай ҳол туманлар ва хўжаликлар ўртасида кўпроқ кўзга ташланмоқда. Тўғри, ҳар йили аграр соҳада кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш амалга оширилмоқда, лекин кўпчилик раҳбар кадрлар

иш юритишни бозор муносабатлари асосида эмас, балки эскича – маъмурий буйруқбозлик асосида олиб борилмоқда

ТАКРОРЛАШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. «Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти» фани нимани ўрганади?
2. Фаннинг предмети ва ўрганиш усуллари айтиб беринг.
3. «Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти» фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.

2 - Мавзу: Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи соҳа ва унинг таркибий тузилиши.

Режа:

1. Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳанинг таркиби
2. Агросаноат мажмуаси учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳанинг аҳамияти ва иқтисодиётдаги ўрни
3. Агросаноат мажмуаси учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳанинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш йўналишлари

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: 1995 йил, 58-75 бетлар. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш. Аграр муносабатларнинг янги турини шакллантириш. 228-246 бетлар. Чуқур таркибий ўзгаришларга еришиш – барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий шarti.

2. Ҳакимов Р. ва бошқалар. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Т.: 2004 йил. 23-24 бетлар.


3. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги 2003 йил, 12-сон, 4-6 бетлар. Кичик техника воситалари.

1. Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳанинг таркиби


АСМ тармоқлари учун ишлаб чиқаручи соҳа агросаноат мажмуасидан 4 та соҳаланиш биринчи ҳисобланади. Бу соҳага АСМ таркибидаги корхоналар ва тармоқлар учун керакли ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарилади. Уларнинг таркибий тузилиши қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати, нефт маҳсулотлари саноати, микробиология ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги, станоксозлиги ва қурилиш материаллари саноати ва бошқалардан таркиб топган.

1-соҳадаги тармоқларнинг асосий мақсади АСМ таркибидаги, айниқса қишлоқ хўжалигига ирригация-мелиорация, зооветеринария, электрлаштириш хизматларини кўрсатувчи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларни қайта ишловчи, пахта тозалаш саноати, дон маҳсулотлари, мева-сабзавот, узум, гўшт-сут саноати корхоналари учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситаларини етказиб бериш билан таъминлашдан иборат.

Демак, 1-соҳанинг ривожланиши ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, автоматлаштириш, электрлаштириш натижасида жонли меҳнат сарфини камайтириб, Ўтмиш меҳнатдан самарали фойдаланиб, меҳнат характерини Ўзгаришишига таъсир етади, оддий меҳнат индустрлашган меҳнатга айланиб, меҳнат унумдорлиги ошади.



2. Агросаноат мажмуаси учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳанинг аҳамияти ва иқтисодиётдаги ўрни



Агарда Ўзбекистонда АСМнинг 1-соҳаси яхши ривожланмаса, керак бўлган ишлаб чиқариш воситаларини ва шунга ўхшаш бошқа техникаларни чет давлатлардан сотиб олишга тўғри келади, бу еса катта миқдордаги молиявий ресурсларни талаб қилади.

АСМ иқтисодиётининг 2-мавзусига доир қўшимча маълумот учун қишлоқ хўжалиги машинасозлиги бўйича «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журналининг 2003 йил 12 сонидagi 4-6 бетларида «Кичик техника воситалари» деган мақола берилган. Бу кичик техника воситалари фермер хўжаликлари вaм уқобил машина-тарктор парклари (МТП) учун мўлжалланган. Қуйида Тошкент трактор заводи вa «БМКР-Агромаш» конструкторлик бюроси тажриба сеҳларида учун ясалган вa йиғилган дала ишловларида ижобий баҳоланган, ҳозирда ишлаб чиқарилаётган кичик трактор вa техника воситаларининг қисқача тавсифлари келтирилган.

1) ПН-2-30 икки корпусли осма плуг. Далачиликдаги умумий ишларни бажаради.

қамров кенглиги 60-70 см;

Массаси (оғирлиги) 230 кг;

Ҳайдаш чуқурлиги 20-25 см;

Ишчи тезлиги 1,06-1,03 млс.

2) НО-30 осма гизел-култиватор. Тупроқни ёппасига юмшатади ва кесакларни бирийўла майдалаб кетади;

қамров кенглиги - 160 см;

юмшатиш чуқурлиги 12-15 см;

массаси 475 кг.

3) МОС – 0,18 минерал Ўғит сепувчи.

Ташқи Ўлчамлари:

Узунлиги - 1110 мм;

Кенглиги - 910 мм;

Баландлиги - 895 мм;

Бункер сиғими - 180 кг;

Қамров кенглиги - 3-12 метр.

4) КОС – 21 Ўт Ўргич:

Якка брусли сегмент – бармоқли қирқиш пластмасса ега, тракторга ўрнатиб ишлатилади.

Қамров кенглиги 2,1м;

Иш тезлиги 2,4-5,14 кмҒсоат;

Иш унумдорлиги 2,3 гектарҒсоат.

Массаси 207 кг.

5)Т-6 ярим осма хаскаш:

Қамров кенглиги 6 метр;

Иш тезлиги 7-9 кмҒсот;

Массаси 500 кг.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Қишлоқ хўжалик машинасозлигида 19 турдаги машиналар ишлаб чиқилади, жумладан:

1. Тупроққа асосий ва махсус ишлов берувчи машиналар.
2. Тупроқнинг юзги қатламига ишлов берувчи машина ва қурилмалар.
3. Ўғит сепувчи машиналар.
4. Екиш ва ниҳол ўтказувчи машиналар.
5. Ўсимликларга ишлов берувчи машиналар.
6. Ўсимликларни химиявий ҳимоялаш учун қўлланиладиган машиналар.
7. Чорва озуқалари тайёрланадиган машина механизмлар.
8. Ғалла ўрадиган комбайнлар.
9. Пахта терадиган комбайнлар.
10. Боғ ва теракзорларда ишлатиладиган машина механизмлар.
11. Мелиоратив ишларни бажарадиган машина механизмлар.
12. Ғаллани тозалайдиган ва навларга (сортларга) ажратадиган машиналар.
13. Ғаллани (донни) қуритадиган агрегат ва комплекслар.
14. Маккаж ўхорини ўрадиган машиналар.
15. Картошкани йиғиштириб оладиган машина механизмлар.
16. Қанд лавлагини ўриб йиғиштириб оладиган машиналар.
17. Зиғир ва зиғир пояларни йиғиштириб оладиган машиналар.
18. Сабзавотларни екиб, йиғиштирадиган машиналар.
19. Сувсиз ва қурғоқ ерларга сув чиқарадиган машиналар.

3. Агросаноат мажмуаси учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳанинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш йўналишлари

Марказий Осиёдаги энг йирик корхоналардан бири «Тошкент трактор заводи» давлат аксиядорлик бирлашмасидир. Бу ерда хориж сармоясини жалб этиш икки йўналишда олиб борилмоқда. Биринчиси, бу «КЕЙС-НЮ ХОЛДИНГ» фирмасининг универсал-ҳайдов тракторларига бутловчи (комплектловчи) қисмлар ишлаб чиқариш бўлса, унинг иккинчи йўналиши Хитой кредити асосида мини тракторлар тайёрлашдир. Бундай кичик техникаларни фермер, деҳқон ва ширкат хўжаликларига етказиб беришдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги қарорига асосан, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан жиҳозлаш ва АСМнинг 1-соҳаси машинасозликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида «Ўзқишлоқхўжаликмаш-лизинг» компанияси ташкил етилди. Ушбу компания Ўз фаолиятини бошлаган йилда, 2000 йилда лизинг асосида 700 млн. сўм

миқдордаги 471 дона техника етказиб берди. Лекин, Ўша пайтда техникага бўлган талабнинг юқорилиги лизинг ҳажмини ошириш зарурлигини тақозо йетарди. Бунинг учун паст фоизли йирик миқдордаги кредит маблағларини жалб этиш, машинасозлик заводлари билан компания фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш, ширкат, фермер ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига имтиёзлар бериш зарур эди. Шундан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги қарори билан ушбу муаммоларни ҳал этишга қаратилди, бу еса ишни тўлайўлга қўйиш ва лизинг хизматини кенг миқёсида амалиётга киритиш учун бир қанча масалаларни босқичма-босқич ҳал этишга қаратилди. «Ўзқишлоқ-хўжаликмашлизинг» компанияси Республикамиз лизинг бозорида фаолият кўрсатаётган енг йирик ташкилот ҳисобланади. Ўтган 2003 йилда компаниянинг жойлардаги 13 та филиали орқали 2339 та трактор, 100 та «КЕЙС-2002» русумли пахта тозалаш машинаси ва 494 та турли хилдаги техника воситалари ширкат ва фермер хўжаликларига етказиб берилди.

Ушбу компания айни пайтда ўз мижозларига берилган техника қийматининг 15% ини олдиндан тўлашни таклиф қилиб, хўжаликларга катта имконият яратди. Лекин хўжаликлардаги техниканинг тўлиқ қиймати тўлангунча, техника компаниянинг мулки ҳисобланади. Шунинг учун ҳам хўжаликлар лизингга олинган техникадан самарали фойдаланишлари ва унинг тўғри ишлатилишини назорат қилиш фақат хўжаликларнинг емас, балки шу билан бирга лизинг компаниясининг ҳам бевосита фаолиятига киради.

«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниясининг лизинг хизмати фермерлар учун катта имконият яратди, чунки илгари фермер бирон-бир воситаси учун ширкат хўжаликларига ёки машина трактор паркига (МТП) мурожаат қилар еди, бу еса фермерга ортиқча ташвиш келтириб ва қўшимча харажат қилишга олиб келарди. Бугунги кунда еса лизинг туфайли Ўзи машина – паркини тузатаётган фермерлар ҳам кўп. Техниканинг лизинг асосида берилиши рақобатнинг кучайишига, хизмат сифатини яхшилашга ва етиштирилган маҳсулот таннархини камайишига ҳам олиб келди.

Ўзбекистон саноатининг асосий қисми АСМси билан боғлиқ, чунки АСМнинг яхши ишлаши 1-соҳанинг ривожланиш даражасини белгилайди. Агарда Республикамизда АСМнинг 1-соҳаси яхши ривожланмаган бўлса, зарур ишлаб чиқариш воситаларини, техникаларни чет мамлакатлардан сотиб олишга зарурат туғилади. Бу еса ҳар йили катта миқдордаги пул маблағларни сарфлашни талаб қилади ва енг салбий томони, Ўзбекистон АСМнинг яхши ривожланиши чет

давлатлардан келтириладиган керакли ишлаб чиқариш воситаларини олиб келишга боғлиқ бўлиб қолади.

Лекин ҳозирги пайтда Республикамизда АСМнинг 1-соҳасининг айрим тармоқлари нисбатан яхши ривожланган, масалан, кимё саноати, бунда минерал Ўғитлар, айниқса азотли, фосфорли ва калийли минерал Ўғитлар аграр соҳа талабини тўла қондирмоқда, кимёвий препаратлар ва дорилар ишлаб чиқариш соҳаси ҳам ривожланган. Бундан ташқари, ишлаб чиқарилаётган минерал Ўғитлар четга экспорт ҳам қилинмоқда.

Ўзбекистон минерал Ўғитлар ишлаб чиқаришда катта ресурсларга эга. Таркибида кўплаб хушбўй углеводород бўлган табиий газ ресурслари, уни қазиб олиб учун ишлаб чиқариш имконияти катта. Шунинг ҳисобга олиб, улар негизида ички ва ташқи бозорда кўплаб талаб қилинадиган полиетилен, полипропилен, полистирол ва бошқа маҳсулот ишлаб чиқарадиган йирик-йирик комплекслар барпо этиш зарурлиги ислохотларни чуқурлаштириш борасида вазифа қилиб қўйилган еди ва бу 2001-2002 йиллардан кейин амалга оша бошлади.

Масалан, Шўртангазкимё комплекси маҳсулотлари шулар жумласидандир. Айниқса, капролактама, капрон иплари, штапел толасини ишлаб чиқариш корхоналарнинг барпо этилиши иқтисодий мустақилликнинг юксак мақсадидир.

Лекин шу билан бирга, минерал Ўғитлар таркибини яхшилаш борасидаги ишлар кенгайтирилса, уларнинг таъсир қилувчи моддасининг миқдорини ошириш, азот, фосфор ва калийнинг таъсир қилиш миқдорини бир фоизга ошириш, минглаб тонна Ўғитларни ишлаб чиқаришни ва тежамколикка катта имконият очиб беради.

Республикамиз АСМсининг 1-соҳасига кирувчи тракторсозлик, пахта териш машиналари, ишлаб чиқариш тармоқлари яхши ривожланган. Қишлоқ хўжалик машинасозлиги Ўзбекистон саноатининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда 300 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги машиналари ва уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари мавжуд. Жумладан, ТТЗ, Ташселмаш, Узбекселмаш ва бошқалар. Айниқса, пахта териш машиналари ва агрегатлари ишлаб чиқариш тизими яхши ривожланган. Масалан, пахта териш машиналари билан боғлиқ барча механизмлар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилади. Ишчи машиналар – яъни плуглар, екиш агрегатлари, дизеллар, бороколар ва кўп турдаги иш қуролларини ишлаб чиқариш ҳамйўлга қўйилган. Лекин, дон ўриш комбайнлари махсус автомобиллар каби зарур бўлган воситаларни ишлаб чиқариш тармоқлари ҳозирча ташкил этилмаган, улар бошқа давлатлардан импорт қилинмоқда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш соҳаси учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш ҳам ҳозирча яхши ривожланмаган, булар четдан олиб келинмоқда.

Республикамизда фақат йенгил тўқимачилик тармоғи учун зарур бўлган айрим техникалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, АСМси 1-соҳасининг ривожланиш даражаси унчалик юқори даражада емас, демак буни ривожлантириш Ўзбекистон ҳукумати иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади.

ХУЛОСА

Ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг барчаси, яъни уларнинг йиғиндиси АСМнинг 1-соҳаси ҳисобланади ва бу соҳага кирган саноат тармоқлари АСМ учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаради. Бундай тармоқлар жумласига қуйидагилар киради:

1. Қишлоқ хўжалиги учун машинасозлик тармоқлари, тракторлар ва комбайнлар, ишчи машиналар ва махсус транспорт техникалар ишлаб чиқарувчи тармоқлар.
2. Озиқ-овқат ва йенгил саноат учун ишлаб чиқарувчи воситалар ишлаб чиқарадиган корхоналар.
3. Қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхоналар.
4. Чорвачилик учун концентрат ва ем-хашак ишлаб чиқарувчи тармоқлар киради.

ТАКРОРЛАШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. АСМнинг 1-соҳасининг таркибий тузилиши ва унинг аҳамияти?
2. АСМ 1-соҳасининг Ўзбекистонда ривожланганлик даражаси?

3- Мавзу: Агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрини қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етқазиб берувчи соҳаси ва унинг таркиби.

Режа:

- 1. Агросаноат мажмуасининг кишлок хужалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳаси таркиби.**
- 2. Агросаноат мажмуаси кишлок хужалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасининг аҳамияти ва иқтисодиётдаги урни.**
- 3. Агросаноат мажмуаси кишлок хужалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожлантириш йўналишлари**

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997 йил. 88-211-бетлар, 203-бетидан биринчи абзасдан бошланади, 204-бетнинг биринчи абзасигача. (Стратегик жиҳатдан деган сўз).
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.: 1994 йил. 251-267 бетлар: Дехқончилик тараққиёти фаровонлик манбаи.
3. Ҳакимов Р. ва бошқалар. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Т.: 2004 йил. ИВ боб. 28-32 бетлар.
4. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси журнали. 2001-2006 йил.

1. Агросаноат мажмуасининг кишлок хужалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳаси таркиби.

Бу соҳа АСМнинг 3-соҳаси бўлиб, мураккаб таркибга ега, унга кишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлайдиган, дастлабки ёки тўлиқ қайта ишловчи ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳалар киради, жумладан: пахта тозалаш заводлари, консерва заводлари, пиллани қайта ишловчи фабрикалар, сут ва гўшти қайта ишлаш корхоналар, мева шарбатлари, вино-коньяк каби маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи заводлар, музхона (холодилник) ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берувчи корхоналардан иборат. Бозор талабини инобатга олган ҳолда тайёр маҳсулотларни улгуржи ва чакана ҳолда етказиб берувчи савдо тармоқлари ҳам киради. Буни қуйидаги чизмадан кўриш мумкин.



Ҳозирги даврда мамлакат АСМ мажмуасига 2210 га яқин корхона киради, буларга фермер хўжаликлари қўшилса 129210 тани ташкил этади (чунки ҳозирги кунда Ўзбекистонда 120 мингта фермер фаолият кўрсатмоқда). 2005 йил 13 апрелида эса 125 мингта фермер бўлиб, буларга 3355 минг гектар ер берилган. Бухоро вилоятида эса 2005 йилнинг 25 июлида 9577 та фермер мавжуд, булар вилоят 65% пахтасини етказиб бердилар.

Бу соҳанинг ўзига хос мураккаблиги шундаки, ҳар бир маҳсулотнинг ёки бири-бирини тўлдирувчи маҳсулотлар бўйича АСМнинг Ўз корхоналари мавжуд, лекин айрим маҳсулотларни республикада чуқур ишлаш даражаси юқори емас. Масалан, қишлоқ хўжалигининг асосий экин турларидан бири бўлган пахта хом-ашёсининг 100% дастлабки қайта ишланган пахтанинг 15-17% и республикада иккиламчи ва чуқур қайта ишланади, натижада пахтадан жуда кам миқдорда ярим тайёр ва тайёр охири (тўлиқ ишланган) товарлар ишлаб чиқарилади.

Агар АСМ таркибидаги соҳалар ўртасидаги муносабатларни қараб чиқадиган бўлсак, уларни ишлаб чиқариш жараёнида ўзаро узвий боғланган қуйидаги босқичларни мавжудлигини кўрамиз.

1. АСМ таркибидаги тармоқлар учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш.
2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш.
3. Мажмуа такрор ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш техникавий ва технология хизматларини амалга ошириш.
4. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан озиқ-овқат товарларини, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш.
5. Озиқ-овқат ва истеъмол товарларини истеъмолчиларга етказиб бериш.

Бу муносабатларни уларни мазмунини ва шаклини инобатга олган ҳолда қуйидагича гуруҳлантириш мумкин.

- а) Ҳуқуқий;
- б)Ташкилий;
- с)Техникавий;
- д)Технологик;
- е)Иқтисодий;
- ф)Ижтимоий.


Бозор иқтисодиёти шароитида барча турдаги эркин муносабатларнинг ҳуқуқий асоси яратилиши зарур, шунинг учун Республикамизда бу масалага алоҳида еътибор қаратилмоқда. Бунда Мамлакат Олий Мажлиси томонидан қонунлар ва Президент фармонлари босқичма-босқич қабул етилаётгани далилдир. Уларга АСМ таркибидаги барча хўжаликлар риоя етишлари шарт, раҳбар ва мутахассислар барча қонунларнинг мазмунини уларни амалга ошириш йўллари яхши билишлари керак. Лекин ҳаётда доимо шундай емас, масалан, бир корхона иккинчидан зарур бўлган маҳсулотни шартнома асосида сотиб олиб унинг ҳаққини Ўз вақтида тўламайди. Бу еса қонун талаби тўлиқ бажарилмаётганлигидан далолат беради.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ўзларининг ишлаб чиқаришларининг ривожланишини ва самарадорлигини ошириш мақсадида сифатли, арзон, экологияга салбий таъсир кўрсатмайдиган зарур қишлоқ хўжалик машиналарини, кимёвий воситаларни, ёқилғи-мойлаш материалларини бевосита саноат тармоқлари корхоналаридан сотиб олиш учун шартнома тузадилар, шунингдек техникаларни таъмирлатиш, ерларини ҳайдатиш, ҳосилни йиғиб-териш олиш мақсадида ихтисослашган МТТлар билан зараркунандаларга қарши кураш учун еса кимёвий хизматларни амалга оширадиган ташкилотлар билан, экинларнинг сувга бўлган талабини қондириш учун Сув хўжалиги ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ)лар билан шартномаларни расмийлаштирадилар, шартномаларнинг

шартларини бажарилишини томонлар таъминлашлари керак, шунда буюртмачининг ҳам бажарувчининг ҳам фаолияти самарали бўлиб, яхши натижаларга еришилади. Лекин амалиётда буюртмани бажарувчилар шартномада кўрсатилган муддатда техникаларни, минерал Ўғитларини, кимёвий воситаларни, ёқилғи ва озукаларни истеъмолчиларга етказиб бермаяптилар, қишлоқ хўжаликни сув билан тўла таъминламаяптилар, натижада бундай камчиликлар маҳсулот миқдорига, унинг сифатига салбий таъсир этади. Масалан, талаб етилган сув экинга Ўз вақтида берилмаса, унинг Ўсиши сусайиб ҳосил тўплаши камаяди, талаб етилган техника вақтида бориб ҳосилни териб олмаса, ҳосил салмоғи камайиб, сифати пасаяди. Шунинг учун, шартномада кўрсатилган шартлар Ўз муддатида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш томонлар учун зарур ва томонлар маданиятли бўлишлари керак. Бу эса бозор иқтисодиётининг энг муҳим талабидир.

2. Агросаноат мажмуаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасининг аҳамияти ва иқтисодиётдаги ўрни.

Республикаимиз иқтисодиёти учун 3-соҳанинг аҳамияти анча юқори, Айниқса бу соҳада меҳнат ресурсларининг 22% и 3-соҳада банд, яъни ички маҳсулотнинг 24% дан кўпроғи шу соҳаларда етиштирилади. Ёнг муҳими аграр соҳада йетиштириладиган маҳсулотларнинг нобуд бўлмаслиги шу соҳаларнинг ривожланишига боғлиқ. АСМ маҳсулотлари экспорт салоҳиятини ошириш ҳам шу соҳаларнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади.



Мамлакат аҳолисининг моддий турмуш даражасининг оширишда ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва тайёр маҳсулотларни сотувчи соҳаларнинг ва хизматларнинг аҳамияти катта. Бу соҳаларни

ривожлантириш мамлакатда ишсизликни камайитириш ва ишсизликка барҳам бериш имкониятларини кенгайтириб, йетиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нобуд бўлишини олдини олади. Масалан, айрим маҳсулотларга кўра ҳозирги вақтда етиштирилаётган баъзи бир қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 20-30% игача нобуд бўлмоқда, бунинг асосий сабабларидан бири АСМ 3-соҳасининг яхши ривожланмагани бўлса, иккинчидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишда уларнинг нархлари асоссиз равишда юқорилигидадир.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжаликлар фаолиятининг ривожланиши ва самарали бўлиши иқтисодий муносабатларнинг амалга оширилишига ҳам бевосита боғлиқ. Масалан, мажмуа таркибидаги тармоқлар ўртасида товар айирбошлаш жараёнида пул-товар муносабатларини амалга оширилса эквивалентликка, яъни мутаносибликни сақлашга алоҳида еътибор беради ва гап баҳо ҳақида бормоқда, бунда талаб ва таклиф қонунларнинг тилаклари ҳам инкор етилмаслиги зарур. Лекин АСМда бундай мутаносиблик афсуски тўлиқ таъминланаётганлиги йўқ. Айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳолари билан қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган саноат корхоналари маҳсулотларининг баҳоларини белгилаш масаласи доимо саноат тармоқлари фойдасига ҳал етилмоқда. Масалан, 1991-2002 йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларнинг уларнинг турлари бўйича 70-90 марта ошган бўлса, саноат маҳсулотларнинг баҳоси 700-900 марта ўсган, улар ўртасидаги ўсиш фарқи 1 га 10 ни ташкил етган, яъни қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳоси бир марта ошган бўлса, шу тармоқда фойдаланилаётган саноат маҳсулоти ҳисобланган ишлаб чиқариш воситаларининг баҳолари 10 мартагача ошган. Масалан, 1991 йилда 1 дона «ТТЗ-80» маркали тракторни сотиб олиш учун 3,7 тонна пахта хом-ашёсини сотишдан олинган пул йетган бўлса, 2002 йилда шу тракторни сотиб олиш учун еса 89,7 тонна пахта хом-ашёсини сотиш керак бўлган. Бу борадаги мутаносиблик 1991 йилда 1:89,7 бўлган, яъни фарқи 24,2 мартани ташкил етган.


Худи шунга ўхшаш хизмат кўрсатувчи корхоналар бажараётган хизматларининг нархлари ҳам асосланмаган ҳолда юқори даражада бажарилмоқда. Масалан, 2002 йилда туманларда барпо етилган МТТлар бир гектар шоли майдонидаги ҳосилни ўриб янчиб берганлиги учун Қорақалпоғистон Республикасида 38 минг сўмни ташкил етган, Тошкент вилояти хўжаликларида еса 78 минг сўм бўлган.

Бунинг объектив ва субъектив сабаблари ҳам бор, масалан, саноат корхоналари давлат тасарруфидан қарилиб, акционерлик корхоналарига айлантирилиши натижасида тўлиқ иқтисодий эркинликка егадирлар, шу сабабли улар талаб ва таклифни ҳамда ўзларининг бозордаги ўрнини инобатга олиб, ўз

маҳсулотларига эркин баҳоларни белгиламоқдалар. Қишлоқ хўжалик корхоналари еса давлат мулки ҳисобланган ерларда маҳсулот етиштирмоқдалар, шунингдек, етиштирилаётган асосий маҳсулотлар пахтага, ғаллага, шолига давлат буюртмаси мавжудлиги сабабли бу маҳсулотларнинг харид корхоналари давлат томонидан белгиланмоқда. Бу масалани келажакда қишлоқ хўжалигига тегишли давлат дастурлари ишлаб чиқилиши билан алмаштиришга босқичма-босқич Ўтиш натижасида ҳал етиш имкониятларини шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Агросаноат мажмуаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожлантириш йўналишлари

Республикада мева сабзавотларни қайта ишловчи саноат корхоналари яхши ривожланган. Масалан, «Ўзмевасабзавотузум-саноатхолдинг» компаниясининг ташкил этилиши ва унинг таркибига ихтисослашган 89 та ширкат ва фирма, заводларнинг киритилиши АСМ 3-соҳасининг ривожланишига Ўз ижобий таъсирини кўрсатди. Ҳозирги кунда республикада йилига 5 млн. тоннадан ортиқ мева, сабзавотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бухородаги «Шохруд» фирмаси ҳам «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси таркибига киради. Ўзбекистонда мева шарбатлари, консервалар, вино, коньяк, ликёр каби маҳсулотлар кўплаб ишлаб чиқарилмоқда.



Ҳозирги кунда «Шохруд» ҳиссадорлик жамияти аҳолига 3 турдаги ичимлик сотмоқда, булар: «Шохруд ароғи», «Шохруд» виноси ва «Бухоро» брендиси. Узум виноси турларидан «Крепкий», «Сухой», «ДесертнЎй» кабилар. Айтиб Ўтилганидек, «Шохруд» ароғи ва коньяк ҳамда «Балзам» ишлаб чиқарилади. Умуман, Ўзбекистонда ҳар йили 16 млн.дан вино материаллари ишлаб чиқарилиб чет елларга ҳам экспорт қилинади. Ўзбекистон винолари халқаро кўргазмаларда 92 та медал олган. Озиқ-овқат саноати мамлакатда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 315 га яқинлигини ташкил этади (30,6%).

Республикада жуда катта ёғ-мой ишлаб чиқариш қувватлари ташкил етилган. Ҳозирда мамлакатда аҳолига йетарли миқдода сифатли ёғ-мой ишлаб чиқара бера оладиган имконият мавжуд. Бу борадаги асосий масала еса ёғ-мой хом-ашё етиштиришни кўпайтиришдан иборат. Албатта, кейинги йилларда кунжут, зиғир, масхар, соя каби мой берувчи экин турлари йетиштириладиган майдонлар кенгайтирилмоқда, лекин улардан олинаётган хом-ашё миқдори ҳозирга етарли емас.

Ўзбекистонда, айниқса гўшти, сутни қайта ишлаш саноатининг қуввати жуда катта. Лекин кейинги йилларда чорвачиликнинг тўлиқ хусусийлаштирилиши йирик чорва фермаларининг тугатилишига олиб келди, бу еса, ўз навбатида гўшт ва сутни қайта ишлаш саноатини хом-ашё билан йил давомида бир текисда таъминлаш имкониятини йўққа чиқарди. Натижада гўшти ва сутни қайта ишлайдиган йирик заводлар йил давомида деярли бекор қола бошлади (буларга мисол қилиб «Бухорогўшт» ва «Бухоросут» ҳиссадорлик жамиятларини ҳам айтиш мумкин). Бундай ҳол ўзининг салбий оқибатларини кўрсатмоқда, масалан, шу соҳада ишлай деганларнинг асосий қисми Ўз ишларини Ўзгартиришлари ёки вақтинча ишсиз қолишларига сабаб бўлмоқда. Давлат бюджетига тўланадиган солиқ ва бошқа тўловларнинг ҳам шу соҳа бўйича камайишига олиб келмоқда. Ҳозирда Ўзбекистонда гўшт заводлари қувватидан фойдаланиш даражаси 4-5% дан ошмайди. Демак, бу соҳада қилиниши лозим бўлган ишлар жуда кўп.

Республикада техника экинлари хом-ашёсини дастлабки қайта ишлаш тизими етарли даражада ривожланган, лекин пахта, пилла ва каноп толасини иккиламчи ва чуқур қайта ишлаш даражаси ҳозирги кунда юқори емас, демак, бу борадаги асосий йўналиш пахта, пилла толасини ривожлантиришга қаратишдан иборат. Бунга еришилса, тайёр истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришни тубдан ривожлантириш имконияти кенгаяди. Бу еса, Ўз навбатида, кўпгина меҳнат ресурсларини ишга жойлаштирилишини, республика ички маҳсулот ҳажмини кескин кўпайишини ва экспорт салоҳиятини оширишини таъминлайди. Ўзбекистон агросаноат мажмуасининг 3- соҳасида озиқ-овқат саноатининг Ўрни катта, агар

2002 йилда мамлакат саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришида озиқ-овқат саноатининг салмоғи 14,% ни ташкил етган бўлса, 2003 йилда қарийб 15% га яқин (14,8%) ва 2004 йилда 16% ни ташкил етди.

Ўзбекистон енгил саноати ҳам агросаноат мажмуасининг ҳам енг салмоқли тармоқларидан бири ҳисобланади, кейинги уч йил 2002, 2003 ва 2004 йилларда 20% дан ортиқ маҳсулот йенгил саноат ҳиссасига тўғри келмоқда.

Республикада саноат маҳсулотларининг енг муҳим турлари ишлаб чиқарилмоқда, масалан, пахта толаси, ип газлама буюмлари, пояфзал ва бошқалар.

Ўзбекистон халқ хўжалигида озиқ-овқат саноатининг роли ҳам катта аҳамиятга ега бўлиб, у асосан қишлоқ хўжалик хом-ашёсини қайта ишлашга асосланади. Айниқса, ёғ-мой саноати асосан пахта чигитини қайта ишлашга асосланган. Консерва саноати бир неча йирик заводлардан иборат, лекин улар Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон вилоятларида кўпроқ ривожланган. Ўзбекистон азалдан Ўзининг виночилиги билан машҳур. Лекин ичкиликбозликка қарши компания бошлангандан кейин бу тармоққа жуда катта зарар етказилди, айниқса узумзорлар бузилиб ташланди ва кейинчалик 1988 йилдан кейин вино ишлаб чиқариш аста-сэкин кўпайиб борди.

Тошкент ёғ-мой комбинатида Швециянинг «Алфа-Лавал» фирмаси етказиб бераётган линияларни ўрнатиш ёрдамида маргарин ишлаб чиқаришйўлга қўйилди. АҚШ, Германия, Италия, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа давлатларнинг фирмалари билан ҳамкорлик ўрнатилиб ривожланиб бормоқда. 1993 йилдан 1996 йилларда Хоразм вилоятида бир кеча-кундузда 91 минг тонна қанда лавлагини қайта ишлаш қувватига ега биринчи қанд-шакар заводини қуриш белгиланиб, кейинчалик ишга туширилди.

Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасида яхши кайфият бағишлайдиган турли хил ичимликларни уй шароитида тайёрлаш учун хушбўй ўтлардан ҳамда баъзи мевалар ихчам ва қулай тарзда қадоқлаб жойланадиган ишлаб чиқаришйўлга қўйилган.

Республиканинг деярли барча ҳудудларида тегирмончилик саноати, гўшт-сут маҳсулотлари, кондитерлик, алкогольсиз ичимликлар, нон маҳсулотлари ва бошқа хил талаб катта маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Республикада кейинги йилларда озиқ-овқат саноати маҳсулотларидаги енг муҳим турлари ҳисобланган гўшт, колбаса, мол ёғи, ўсимлик мойи, сут-қаттиқ маҳсулоти, консервалар, макарон маҳсулотлари кўплаб ишлаб чиқарилмоқда.

ХУЛОСА

Агросаноат мажмуасининг самарадорлиги ва ўз вазифасини тўлиқ бажариши кўп жиҳатдан унинг 3-соҳаси ривожланганлик даражасига боғлиқ. АСМнинг учинчи соҳасига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи дастлабки ва чуқур қайта ишловчи, тайёр, охириги маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиш билан шуғулланувчи тармоқ ва хизматлар киради. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига АСМси учинчи соҳанинг ўрни ва аҳамияти бекиёс. Уларнинг йил давомида бир меъёрга ишлаши қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқарилган маҳсулотлар нобуд бўлишининг олдини олади ва уларнинг сифатини янада яхшилайти. Меҳнатга лаёқатли кишиларнинг катта бир қисмини иш жойлари билан таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси нисбатан яхши ривожлангана қайта ишлаш саноатига ега. Айниқса, озиқ-овқат ва йенгил саноат кучли ривож топган. Шу билан бирга агросаноат мажмуасининг учинчи соҳасига кўпгина йечимни кутаётган масалалар мавжуд. Уларнинг энг асосийси соҳага кирувчи тармоқлар вужудга келтирилган, мавжуд қувватлардан тўлиқ фойдаланишдир. Маълумки, айрим тармоқларда мавжуд қувватлардан фойдаланиш даражаси 5-20% ини ташкил етмоқда. АСМнинг 3-соҳасини ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишларидан ҳисобланади. Бу борада жуда катта ишлар амалга ошириляпти. Асосий маҳсулотларидан бири пахтани чуқур ишлашни ташкил етиш, айниқса, катта иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга ега.

НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Агросаноат мажмуаси биринчи соҳасининг таркиби, иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти.
2. Агросаноатнинг биринчи соҳасига кирган тармоқларнинг Ўзбекистонда ривожланганлик даражаси.
3. Агросаноат мажмуаси биринчи соҳасига кирган тармоқларни ривожлантиришни асосий йўналишлари.

4-Мавзу: Қишлоқ хўжалиги агросаноат мажмуасининг асосий бугини ва унга хос хусусиятлари.

Режа:

1. Қишлоқ хўжалиги агросаноат мажмуасининг асосий бугини. Унинг узига хос хусусиятлари
2. Жаҳон молиявий иқтисодий инкроиизи шароитида қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётда тутган урни ва аҳамияти
3. Ширкат хўжаликлари ва уларнинг ташкилий –иқтисодий асослари

4. Фермер хужаликлари ва уларнинг ташкилий-иқтисодий асослари АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон 21-аср бўлағида: ҳавфсизликка таҳдид ва тараққиёт кафолатлари. Т.: 1997 й. 188-211 бетлар. Бозор муносабатларининг қарор топиши ва мулкдорлар синфининг шаклланиши.
2. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2004 йил, 9-10-сонлари бирга чоп етилган, 4-5 бетлар.
3. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2003 йил, 8-9 сонлар бирга чоп етилган, 25-38 бетлар.
4. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2004 йил, 1-2 сонлар бирга чоп етилган. 7-бет. Ўзбекистон асосий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари.
5. Ҳақимов Р. ва бошқалар. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти, Ўқув қўлланма, 2004 йил. Т.: 43-45 бетлар.

1. Қишлоқ хўжалиғи агросаноат мажмуасининг асосий бугини. Унинг узиға хос хусусиятлари

Олдинги дарсларда айтиб ўтилганидек, қишлоқ хўжалиғи АСМнинг 2-соҳаси ҳисобланади. АСМ еса таркибий тузилиши жиҳатидан 4 та соҳадан иборат.

1-соҳа. АСМ тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш.

2-соҳа. Қишлоқ хўжалигининг ўзи.

3-соҳа. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва тайёр бўлган маҳсулотларни истеъмолчиларға етказиб бериш.

4-соҳа. Инфратузилма, бу тузилманинг ўзи иккита соҳадан иборат:

1- ишлаб чиқариш инфратузилма;

2- ижтимоий (социал) инфратузилма.

АСМнинг 2-соҳаси бўлган қишлоқ хўжалиғи иккита йирик тармоқни ўз ичига олади, булар:

1- Ўсимликчилик;

2- чорвачилик.

2003 йилда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 4035,8 млрд. сўмни ташкил етган, шундан 2086,7 млрд. сўмға Ўсимликчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, бу 51,7% ташкил етади.

Чорвачилик бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот 1949,7 млрд. сўмни ёки 48,3% ни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигининг ўзи еса Ўзбекистон иқтисодиётида саноат соҳасидан кейин 2-ўринда туради. 2003 йилда Ўзбекистонда саноат соҳасида 6062,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Шундай қилиб, АСМнинг асосини қишлоқ хўжалиги ташкил этади, қолган АСМнинг 3 та соҳалар қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари

1. Қишлоқ хўжалиги табиий омилларнинг таъсири катта.
2. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситалари сифатида тирик организмлар қатнашади.
3. Қишлоқ хўжалигида ер асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади
4. Қишлоқ хўжалигида сарфланаётган моддий харажатлар даври билан фаолият натижасида олинаётган даромадларнинг олиниш даври ўртасида фарқ катта.
5. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жуда катта майдонларда олиб борилади.
6. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бир қисмини ўзи уруғлик, ем – хашак, озиқ – овқат сифатида имтеъомол қилади.
7. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кўп турларини узоқ сақлаш мумкин эмас.
8. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари ноэластик ҳисобланади.
9. Ишлаб чиқаришнинг фонд билан таъминланиш даражасининг юқорилиги. Маблағларнинг айланиши тезлиги жуда секин юз беради. Бу қишлоқ хўжалигини инвесторлар учун жозибadorлигини пасайтиради.
10. Қишлоқ хўжалигида жуда кўплаб бир турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг мавжудлиги.

Қишлоқ хўжалиги қуйидаги сабабларга кўра агросаноат мажмуасининг асосий бўғини ҳисобланади

1. Қишлоқ хўжалиги агросаноат мажмуасига кирувчи саноат тармоқлари чиқараётган ишлаб чиқариш воситаларини асосий истеъмолчиси. Саноатнинг бу тармоқлари олдиган қандай маҳсулотлар чиқариши лозимлиги тўғрисида талабларни қўяди;
2. Худудлар бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳажми қайта ишлаш тармоқлари корхоналарининг жойлашишига ва ривожланишига асос бўлади;
3. Саноатда ишлаб чиқарилган ишлаб чиқариш воситаларининг самарадорлиги қишлоқ хўжалигида юзага чиқади;
4. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг даражаси охир оқибатда агросаноат мажмуасида меҳнатнинг унумдорлиги даражасини белгилайди;
5. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ва ишлар таннархи агросаноат мажмуаси маҳсулотлари таннархининг даражасини белгилайди;
6. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнларининг саноатлашиши уни қайта ишлаш тармоқлари билан интеграциялашувининг асоси ҳисобланади.

АСМнинг 2-соҳасини ташкил етувчи қишлоқ хўжалиги, Ўзининг 2 та йирик тармоғи Ўсимликчилик ва чорвачиликда инсон ҳаёти учун озиқ-овқат ва саноат учун хом-ашё маҳсулотлари етказиб беради.

Ўсимликчилик ва чорвачиликнинг ўзи еса бир қанча тармоқлардан иборат. Масалан, Ўсимликчилик тармоғи – булар: пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, узумчилик ва шоличилик.

Чорвачилик еса: қорамолчилик, қўйчилик, паррандачилик, асаларичилик, ипакчилик (пиллачилик), қўйчилик, тулчилик, йилқичилик (отчилик), қуёнчилик ва балиқчилик каби тармоқлардан иборат.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтиришга турлийўллар билан еришиш мумкин, лекин унинг иккийўли мавжуд: екстенсив ва интенсив.

Экстенсивўл – бу катта харажатларни тақозо этади, чунки экин майдонлари кенгайтирилади, чорва моллари сони кўпайтирилади.

Интенсивўл – бу мавжуд экин майдонларидан самарали фойдаланишдир, яъни қўшимча капитал маблағлари сарфланиб ҳосилдорликни ошириш, чорвачиликда еса чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш.

Агросаноат мажмуасининг асосини ташкил етадиган қишлоқ хўжалиги Ўзига хос хусусиятларга ега. Бу хусусиятлар бошқа тармоқлардан қишлоқ хўжалигини фарқлаб туради ва ишлаб чиқаришни ташкил етишда Ўз талабларини қўяди, жумладан:


1. Қишлоқ хўжалигида табиий омилларнинг таъсири катта. Улар ишлаб чиқаришнинг мавсумийлигидан келиб чиқаради. Бу еса, ишлаб чиқаришни ташкил етишда мавжуд ресурслардан йил давомида самарали фойдаланишни ҳисобга олишни талаб этади. Қиш ойларида аҳолининг вақтинчалик бекор қолиши айрим ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради. Бу масалалар олимлар, мутахассис ва ишбилармонлар олдида қатор вазифаларни қўяди.
2. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситалари сифатида тирик организмлар қатнашади. Бу, Ўз навбатида, мутахассислардан фақатгина иқтисодий қонуниятларнигина емас, балки биологик қонунларни ҳам билишни ва ишлаб чиқаришни ташкил етишда уларни ҳисобга олишни талаб қилади. Қишлоқ хўжалигида сарфланаётган меҳнатнинг самараси кўп жиҳатдан Ўсимлик ва чорва молларининг биологик имкониятларига боғлиқ.
3. Ер асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланиб, ундан фойдаланишнинг Ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Уларни инкор етиш ёки йетарлича ҳисобга олмаслик катта салбий оқибатларга олиб келади.
4. Қишлоқ хўжалигида сарфланаётган моддий харажатлар даври билан фаолият натижасида олинаётган даромадларнинг олиниш даври Ўртасида фарқ катта. Бошқача қилиб айтганда, йил давомида фақат харажат қилинади. Чунки ерни екишга тайёрлаш, уруғлик, Ўғитлар, ёкилғи - мойлаш материаллари харид қилиш ва сарфлаш, меҳнатга ҳақ тўлаб бориш каби харажатлар ҳар ойда қилинади. Экин турлари ҳосили еса маълум даврларда пишади. Йетиштирилган ҳосил сотилади ва ундан кейин пул даромадлари келиб тушади. Албатта, амалиётда шартномалар асосида қишлоқ хўжалик корхоналарига аванслар бериш, кредитлардан фойдаланиш ёки айрим хизматларни ташкил етиш натижасида маълум миқдордаги пул тушумлари бўлиши мумкин. Лекин, умуман олганда, йил давомида харажат сарфланиши, даромадларнинг еса айрим даврлардагина тушиши Ўзига хос объектив талабларни келтириб чиқаради. Аграр сиёсат бу хусусиятни ҳисобга олган ҳолда юритилиши зарур.
5. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жуда катта майдонларда олиб борилади. Бу, Ўз навбатида, ишлаб чиқаришни, аҳоли пунктларини жойлаштиришда маълум талабларни келтириб чиқаради, қишлоқ хўжалигининг моддий - техника базасини шакллантиришда ҳисобга олишни талаб қилади.
6. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарган маҳсулотларининг бир қисмини Ўзи уруғлик, йем-хашак, озиқ-овқат сифатида истеъмол қилади.
7. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кўп турларини узоқ сақлаш мумкин емас. Бу муаммо қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг деярли бир даврда пишиб етилиши оқибатида янада чуқурлашади. Бу, Ўз навбатида, етиштирилган маҳсулотни тайёрловчи, қайта ишловчи ташкилотларнинг бир меъёردа тинмасдан ишлашини, бу еса айрим даврларда жуда катта қувватларнинг бўлишини талаб қилади. Йилнинг қолган даврларида еса бу қувватларнинг


нисбатан бўш қолишикузатилади. Бу ҳолат қайта ишлаш тармоқларининг катта омборхоналари бўлишини талаб этади.

АСМ 2-соҳасининг таркибий тузилиши.



2. Жаҳон молиявий иқтисодий инкроиизи шароитида қишлоқ хужалигининг иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти





2001 йилда деҳқон хўжалигида 65,4% маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Фермер хўжаликларида 7,3% маҳсулотлари ишлаб чиқарилган ва қишлоқ хўжалик корхоналарида 27,3% маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

2003 йилда еса: деҳқон хўжалигида 65,5%, фермер хўжалигида 9,9% ва қишлоқ хўжалиги корхоналари 24,6% маҳсулот ишлаб чиқарган.

Деҳқончиликдаги (Ўсимликчиликдаги) тармоқлар:

1. Пахтачилик;
2. Ғаллачилик;
3. Сабзавотчилик;
4. Картошка йетиштириш;
5. Узумчилик;
6. Канопчилик.

Ўсимликчилик тармоғини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Дон-ғаллачилик (буғдойчилик, шоличилик).

Дончилик, ғаллачиликка – маккажўхори, оқ жўхори, арпа, тарик, мош.

2. Техника экинлари – булар пахтачилик, канопчилик, тамакичилик, лавлагиччилик.

3. Сабзавотчилик – булар: карамчилик, помидорчилик.

4. Полизчилик - қовунчилик, тарвузчилик.

5. Боғдорчилик – узумчилик, ўрикчилик, олмачилик ва бошқа тармоқлар.

Бу тармоқда қандчилик, ер ёнғоқ, помидор, бодринг, сабзи, анор, ёнғоқ, жийда ҳосили олинади, лекин адабиётда кўрсатилмайди.

Ўзбекистонда чорвачилик тармоғининг таркибий тузилиши:

1. Қорамолчилик;

2. Қўйчилик;

3. Ечкичилик;

4. Туячилик;

5. Чўчқачилик;

6. Паррандачилик;

7. Қуёнчилик;

8. Йилқичилик (отчилик);

9. Асаларичилик;

10. Балиқчилик;

11. Пиллачилик.

Йилнинг қолган ойларида еса бу қувватларнинг нисбатан бўш қолиш ҳолатлари кузатилади. Бу қайта ишлаш тармоқларининг катта-катта омборхоналарининг бўлишини, уларни йетарли жиҳозлар билан таъминлашини талаб этади, масалан, совутгич ва музлатгичлар бўлиши, вентилятор бўлишини ва ҳоказо. Бундай шароитлар маҳсулот таннархининг ошириб боришига олиб келади. Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини яхши ўрганиш ва уни инобатга олиб ишлаб чиқаришни ташкил етишни самаралийўлларини излаб топишни талаб қилади.


Албатта, бошқа соҳалардаги каби аграр соҳада ҳам фан-техника тараққиёти йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда, бу маълум даражада қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларининг таъсири нисбатан камайиб боришига олиб келади, лекин бутунлай йўқ бўлиб кетолмайди, чунки юқорида айтиб ўтилганидек, табиий иқлим шароитлари ўз таъсирини ўтказади.

3. Ширкат хўжаликлари ва уларнинг ташкилий –иқтисодий асослари

Республикада қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш мақсадида, аграр соҳа иқтисодиётини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлардан бири, бу 1998 йил 30 апрелда «Ўзбекистон Республикасининг ширкат хўжалиги тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун 7 боб ва 33 моддадан иборат бўлиб, унда ширкат хўжаликларининг фаолияти тўла очиб берилган.

Демак, ушбу қонун қабул қилинмасдан олдин республикада қишлоқ хўжалигининг 1997 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги

вазирлиги бошқариб келди. Аграр соҳада ислохотларни чуқурлаштиришнинг яна бир муҳим жиҳати шу бўлдики, қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш натижалари кўп жиҳатдан сув ресурсларидан фойдаланиш сабабли ва сув ресурслари бошқа вазирлик ихтиёрида еканлиги аграр соҳани ривожлантириш маълум муаммоларни келтирар еди, бундай муаммоларни йечиш мақсадида 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташкил етилди. Натижада, 2001 йилнинг 1 январиди Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибида 2018 та қишлоқ хўжалиги корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошида 125 та қоракўлчилик хўжаликларини бирлаштирган «Ўзбекқоракўл» компанияси, 51 та паррандачилик фабрикаси бор «Ўзпаррадасаноат» уюшмаси, 18 та хўжалиги бор «Ўзсабзавотуруғ» бирлашмаси, 46 та хўжаликдан иборат «Асал» асаларичилик уюшмаси, 84 та хўжалиги мавжуд, ирригация Ўрта Осиё илмий-текшириш институти фаолият кўрсатмоқда.



Ҳозирги кунда йирик қишлоқ хўжалиги корхоналари, яъни ширкатлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 32 фоизини етказиб бермоқдалар.

Республикамизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йетиштириш, уларни қайта ишлаш билан «Ўзмевасабзавотузумсаноат холдинг» компанияси шуғулланади, бу компания таркибида мева, узум, сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган 90 тага яқин қишлоқ хўжалиги корхонаси ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кўплаб саноат корхоналари фаолият юритади. Шу жумладан, вино заводлари 55 та, мева заводлари 7 та, идишлар ишлаб чиқариш заводлари 3 та.

Умуман, «Ўзмевасабзавотузумсаноат холдинг» компанияси таркибидаги жами корхоналар сони 320 тага яқин (316).

Масалан, «Ўзмевасабзавотузумсаноат холдинг» компаниясининг Бухоро вилоятида «Шохруд» фирмаси бўлиб, унинг таркибида 1 та винзаводи, 1 та спирт заводи ва 3 та қишлоқ хўжалик корхонаси бор.

Андижон вилоятида еса «Андижон» фирмаси бўлиб, унинг таркибида 1 та консерва заводи, 1 та қўшма корхона ва 7 та қишлоқ хўжалиги корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Шулар билан бир қаторда «Ўзмевасабзавотузумсаноат холдинг» компанияси таркибида 100 тага яқин (99) савдо корхоналари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Республикамизнинг «Ўзгўшцуцаноат» акциядорлик компаниясига чорва молларини боқишга ихтисослашган 110 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосан нодавлат сектор етказиб бермоқда, ҳозирги кунда нодавлат секторида етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини 99,1% ни ташкил этади. Ҳозирги кунда давлат секторида фақат уруғчилик билан шуғулланадиган 47 та корхона мавжуд, уларнинг ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси 0,9 фоизни ташкил этади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Ўзбекистонда ширкат хўжалик фаолиятини «Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан ва ширкат Низоми асосида юритилмоқди. Ширкат хўжаликларида меҳнатни ташкил етиш оила пудрати шаклида амалга оширилади. Уларнинг асосида ширкат билан оила ўртасида тузиладиган оила пудрати шартномаси ётади. Ширкатлар устав жамғармаларига ега бўладилар. Уларнинг устав жамғармаси пай жамғармаси ва бўлинмас жамғармадан иборат бўлади. Ширкатга аъзолик ихтиёрийдир. 16 ёшга кирган фуқаро ихтиёрий равишда аъзо бўладилар. Ширкат хўжалигининг юқори бошқарув органи умумий мажлис ҳисобланади, бу мажлис хўжалик бошқарувчисини (раиси деб юритамиз) ва тафтиш комиссиясини сайлайди, ширкатни жорий бошқариш бўйича Ўз ваколотини уларга беради.

Шундай қилиб, 1998 йилдан бошлаб ески колхоз ва давлат хўжаликлари ширкат хўжаликлари шаклида ташкил етила бошлади. БУ хўжаликлар ҳам йирик қишлоқ хўжалиги корхоналари бўлиб, уларнинг экин майдони 1240 гектарни ташкил етмоқда, лекин кейинги йилларда булар фермер хўжаликларига айлантирилмоқда.

Ўзбекистонда етиштирилаётган пахтанинг 60% ни, тамакининг 66% ни, қанд лавлагининг 88% ни, бошоқли доннинг 50% га яқинини (49%), меванинг 26% ни ва узумнинг 43 фоизини етказиб бермоқдалар.

Ширкатлар акциядорлик жамиятларининг Ўзига хос бир кўриниши сифатида вужудга келтирилди. Уларда хўжаликнинг мол - мулклари унга аъзо бўлганларга мулкый пай улуши кўринишида тақсимланиб берилган. Бу улушнинг егаси хўжалик фаолияти натижасида вужудга келган даромаддан (фойдадан) бир қисмини олади.

Лекин сўнгги йилларда ширкат хўжаликлари фермер хўжаликларига нисбатан паст рентабелли ва зарар билан ишлайдиган бўлишини инобатга олиб 2004-2007

йилларда уларни фермер хўжаликларига айлантириш концепсияси ишлаб чиқилди

4. Фермер хўжаликлари ва уларнинг ташкилий-иқтисодий асослари

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрели № 602 қонунига асосан Фермер хўжаликлари ташкил етилди. Ушбу Қонун 7 боб, 36 та моддадан иборат бўлиб, унда кўрсатиб ўтилишича фермер хўжаликларини ташкил етиш, уларнинг фаолиятини қайта ташкил етилиши ва тугатилишининг ҳуқуқий асосларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди, бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларни белгилайди.


Ширкатлар ўрнига фермер хўжаликларини ташкил этиш натижасида қуйидагиларга эришилди:

1. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришга кераксиз ёки яроқсиз бўлган мол-мулклар сотилди ва уларни сотишдан тушган маблағлар биринчи галда айланма маблағлар заҳираларини тўлдиришга йўналтирилди;
2. Фермерлар тендер асосида танлаб олинди; (малакали, моддий-техника ресурсларига эга, ишчи кучлари етарли, ишлаб чиқариш имкониятлари катталари танлаб олинди)
3. Қишлоқ деҳқонининг мулкка, ерга ва ўзи етиштирган маҳсулотларга эгалик қилиш қўламлиги кенгайди;
4. Ўз маҳсулотларини бозорда (шартномадан ортиқчасини) эркин сотиш имкониятлари кўпайди;
5. Меъёрдан ортиқча ишчи кучларининг қисқариб, қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларига ўтиб ишлашларига ва шу билан бирга қўшимча маҳсулот хизматларни бозорга таклиф этиш учун кенг имконият юзага келишига асос солинди;
6. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, товар-моддий ресурслари етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини ишлаб чиқарувчиларга янада яқинроқ жойларда жойлаштириш орқали фермер ва деҳқонларнинг бевосита ишлаб чиқаришдан ажралмасдан самарали меҳнат қилиши учун қулай имконият яратилди.

Ушбу қонуннинг 1-боби 1-моддасининг мазмуни шундан иборат: Фермер хўжалиги Ўзига узоқ муддатли ижарага бериладиган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига ега мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Ушбу қонуннинг 3-моддаси: «Фермер хўжалигининг аъзолари» тўғрисида бўлиб, унда кўрсатиб ўтилишича; Фермер хўжаликлари аъзолари жумласига фермер хўжалигини биргаликда юритаётган бу хўжаликдаги иш Ўзининг асосий меҳнат фаолият жойи бўлган фермер хўжалигининг бошлиғи, унинг хотини (ери), болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, тарбияга олинган болалари, бошқа қариндошлари, ҳамда меҳнатга қобилиятли ёшга етган бошқа шахслар киради.

Фермер хўжалигига меҳнат шартномаси асосида ишлаётганлар фермер хўжалиги аъзоси ҳисобланади.



Фермер хўжалиги бошлиғи ким бўлиши керак деган саволга ушбу қонуннинг 4-моддасида кўрсатиб Ўтилган: юридик ва жисмоний шахслар

билан Ўзаро муносабатларда фермер хўжалиги номидан шу хўжалик бошлиғи иш кўради.

Фермер хўжалигининг бошлиғи шу хўжаликнинг 18 ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ва иш тажрибасига ега бўлган муомалага лаёқатли аъзоларидан биридир.

**Республикада фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепциясида
белгиланган асосий йўналишлар:**

- фермер хўжаликларининг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлайдиган ва фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага берилган ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган ҳуқуқий шарт-шароитлар ва кафолатларни яратиш;

- фермер хўжаликларининг бошқа корхона ва ташкилотлар билан шартномавий муносабатларини тенглик асосида риоя этилишини назорат қилиш;

- фермерларнинг тадбиркорлик эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳар томонлама муҳофаза этиш, қонунда кўрсатилган ҳуқуқлари бузилишига ва ички фаолиятига аралашувнинг ҳар қандай кўринишига йўл қўймаслик;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни молиялаштиришнинг бозор тамойилларига жавоб берадиган услуб ва шакллари шакллантириш;

- молиявий маблағлардан фойдаланишда фермер хўжаликларининг мустақиллигини, барча харажатларни ўз даромадлари ҳисобига қоплашни таъминлайдиган ишончли тизимни шакллантириш;

- тижорат банклари ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг фермерликни ривожлантиришга йўналтираётган кредит ресурсларини кўпайтиришни ҳар томонлама рағбатлантириш;

- кредит таваккалчилигини суғурталовчи институционал тузилмаларни кенг ривожлантириш;

- бозор шароитида бизнесни бошқариш кўникмаларига эга бўлган фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини яратиш;

- қишлоқда фермер хўжаликларининг эҳтиёжларига қараб, барча зарур хизматларни кўрсата оладиган замонавий ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаларини жадал ривожлантириш;

- фермерларнинг барқарор даромад олишлари учун керакли шарт-шароитларни таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари нархлари ўртасидаги мутаносиблик, яъни “баҳолар паритети”ни сақлаб бориш;

- илмий технология ва техникалар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш;

- фермер маҳсулотларини сотишнинг энг мақбул йўллари ишлаб чиқиш.

Фермер хўжалигининг бошлиғи вақтинча меҳнат қobiliятини йўқотган тақдирда ёки узоқ вақт бўлмаганида у Ўз вазифаларини бажариш ваколатини шу хўжалик аъзоларининг бирига ёки ушбу модданинг икинчи қисми талабларига жавоб берадиган ҳар қандай шахсга (шартнома асосида) беришга ҳақлидир.


Фермер хўжалиги қандай шартлар асосида ташкил етилади: бу тўғрида унинг 5-моддасида шундай деб ёзилган. «Фермер хўжалиги танлов асосида, аксарият ҳолларда меҳнат ресурслари ортиқчалиги сезилмаётган ерларда ва ҳудудларда ташкил етилади».

Чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги камида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил етилади. Фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг енг кам Ўлчами бир шартли бош молга ҳисобланганда, Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда камида 0,3 гектар, Қорақалпоғистон Республикасида ва бошқа вилоятлардаги суғориладиган ерларда камида 0,45 гектар, суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда еса камида икки гектарни ташкил етади.

Дехқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг енг кам Ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 10 гектар, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун камида бир гектарни ташкил етади.

Албатта, бу қонун 1998 йилда қабул қилинган еди. Кейинчалик бунга айрим Ўзгартиришлар киритилди ва ҳозирги кунда 50 гектардан кам бўлмаслиги керак.

Ер участкалари берилганда фермер хўжалиги Ўз зиммасига қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун Ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) йернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади. Бу мажбурият ер учуасткасини ижрага олиш шартномасида мустаҳкамлаб қўйилади.



Фермер хўжалигини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси фермер тўғрисидаги Қонуннинг 6-моддасида кўрсатилган, унда ёзилишича: «Фермер хўжалиги ихтиёрий равишда хўжалик бошлиғининг қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви ва туман ҳокимига ёзма мурожаати асосида ташкил етилади. Аризада сўралаётган ер участкасининг жойлашган, манзили, майдони, фермер хўжалигининг таркиби кўрсатилади ҳамда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг бизнес режаси тақдим етилади».

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги масалани умумий мажлис муҳокамасига киритади, умумий мажлис бу хусусда тегишли қарор қабул қилади. Туман ҳокими қишлоқ хўжалиги кооперативи умумий мажлисининг қарори асосида, ер участкалари бериш масалаларини кўриш бўйича туман комиссиясининг хулосасини инобатга олган ҳолда фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Туман ҳокимлигининг фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарори туманнинг молиявий, банк, солиқ ва бошқа тузилмалар учун мажбурий ҳужжатдир.

ХУЛОСА

Агросаноат мажмуасининг асосини қишлоқ хўжалиги тармоғи ташкил этади. Бу мажмуанинг бошқа барча тармоқлари қишлоқ хўжалиги билан боғланган ҳолда ривожланади.

Агросаноат мажмуаси тармоқларининг бир қисми қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаради ва етказиб беради, иккинчи қисми унинг маҳсулотларни тайёрлайди ва қайта ишлайди, учинчиси еса, тайёр маҳсулотларни сотади ёки истеъмолчиларга йетказиб беради. Қишлоқ хўжалигининг ривожланганлик даражаси умуман мамлакат агросаноат мажмуасининг ривожланганлик даражасини белгилайди. Агросаноат мажмуаси охириги маҳсулоти миқдори, сифати, таннарни ва нархи даражаси асосан қишлоқ хўжалигининг натижалари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги агросаноат мажмуасининг энг йирик тармоғи бўлиб, яхши ривожланиб бомоқда, лекин кейинги йилларда аграр соҳада ислохотлар туфайли уни янада ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд.

Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил етиш асосан фермер хўжаликлари шаклида вужудга келтирилди. Айниқса, мустақиллик йилларида мамлакат қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш тармоғи таркиби ўзгартирилди ва мустақиллигига еришилди.

НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. «Тармоқ» тушунчаси деганда нима тушунилади?
2. Қишлоқ хўжалигининг аҳамияти, таркиби ва унинг Ўзбекистон иқтисодиётдаги ўрни?
3. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил етишга таъсир қилувчи ўзига хос хусусиятлар нималардан иборат?
4. Ширкат хўжаликлари ва уларнинг ташкилий-иқтисодий асослари.
5. Фермер хўжаликлари ва уларнинг ташкилий-иқтисодий асослари.

5-Мавзу: Агросаноат мажмуасининг инфратузилмаси ва таркибий тузилиши.

Режа:

1. Агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмасининг моҳияти, таркиби
2. Агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмасининг аҳамияти, иқтисодиётдаги ўрни ва ҳозирги ҳолати
3. Агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш йўналишлари

АДАБИЁТЛАР


1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: 1995 йил. 228-246 бетлар.
2. Каримов И.А. 2002 йилда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни


чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган. Вазирлар Маҳкамаси Мажлисидаги маърузаси. Ишонч газетаси. 2003 йил 18 феврал.

3. Халимов Р. ва бошқалар. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Т.: 2004 йил. 33-41 бетлар.

**1. Агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмасининг моҳияти,
таркиби**

АСМ 4-соҳасининг таркибий тузилиши





АСМнинг 4-соҳаси инфратузилма бўлиб, икки қисмдан таркиб топган:

- 1) Ишлаб чиқариш инфратузилма;
- 2) Ижтимоий инфратузилма.

Ишлаб чиқаришнинг инфратузилмасини янги схемадан кўриш мумкин.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси АСМнинг энг зарур қисми бўлиб, ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг бир меъёрида фаолият кўрсатишига боғлиқ ва инфратузилмага қуйидагилар киради: транспорт тизими, йўллар, алоқа тизимининг ишлаб чиқариш билан бевосита боғланган қисми, банк ва молиянинг тегишли қисми, қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш, электр энергиясининг узатиш линиялари, ирригация ва мелиорация иншоотлари, ветеринария хизматлари, ёқилғи мойлаш материаллари, Ўғитлар (минерал ва органик), кимё ва қишлоқ хўжалигини зарур кимёвий воситалар билан кабітаъминлаш кабилар.


Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг Ўзига хослиги шундаки, бир хизмат турининг Ўзи бир пайтда ҳам ишлаб чиқариш инфратузилма, ҳам ижтимоий инфратузилма бўлиши мумкин. Масалан, йўллар, ишлаб чиқариш хизмат қилиш пайтида ишлаб чиқариш инфратузилмаси ҳисобланади. Лекин шу билан бирга аҳолининг эҳтиёжлари учун барчага беминнат хизмат кўрсатадиган ижтимоий хизмат туридир. Шу сабаб йўллар ижтимоий инфратузилмага ҳам киради. Шу сингари алоқа ва транспорт тизимлари ҳам ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма бўла олади.

Ишлаб чиқариш инфратузилма муҳим аҳамиятга эга, чунки ишлаб чиқариш инфратузилмаси бўлмаса агросаноат мажмуаси нормал фаолият юрита олмайди, иккинчидан, бу инфратузилма АСМсида ишлаб чиқаришини узлуксиз таъминлайди. Агарда ҳар бир корхона барча ишларни ва хизматларни Ўзи бажарса, бу унга қимматга тушади ва кўп ҳолларда буларни амалга ошира олмайди. Масалан, аграр соҳада ишлаб чиқаришни ташкил етиш учун уруғлик, минерал Ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари, электр энергияси, турли хил кимё ва дори-дармонлар билан турли кадрлар йетиштириш ва таъминлаш, хўжаликдаги техникаларни таъмирлашишларини бир корхона бажара олмайди. Бунинг учун қанча мутахассис, транспорт ва шунга Ўхшаш ресурслар керак. Бунинг учун еса хўжаликда молиявий ва мутахассис ресурслар керак. Айрим хизмат турларини олиб қарайлик, булар фақат бир хўжаликни емас, балки бир неча хўжаликларга амалга оширилиши керак. Масалан, электр энергияси билан таъминлаш масаласи, буни бир хўжалик Ўзида ташкил ета олмайди.

Иқтисодиёт ривожланган сари ишлаб чиқариш инфратузилмасига талаб ҳам ортиб боради. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда ишлаётганларнинг 60-70% и хизмат кўрсатиш соҳасида ишлайди, Ўзбекистонда еса 14% дан камни ташкил

етади. Натижада қишлоқ хўжалик корхоналари Ўзларига хос бўлмаган кўп хизматларни Ўзлари бажарадилар, масалан, минерал Ўғитларни хўжаликка олиб келиш, ёқилғи-мойлаш материалларини келтириш ва шунга Ўхшаш Ўзига бевосита таалуқли бўлмаган хизматлар, шу сабабли ишлаб чиқариш самарадорлиги кутилган даражада олиб борилмайди.

2. Агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмасининг аҳамияти, иқтисодиётдаги ўрни ва ҳозирги ҳолати




АСМ ижтимоий инфратузилмаси таркибий тузилишини қуйидаги схемадан кўриш мумкин.

Схемадан кўринмоқдаки, АСМ ижтимоий инфратузилмаси кенг ва мураккаб таркибга ега. Бу тузилманинг аҳолини иш билан таъминлашдаги имкониятлари ҳам нисбатан катта аҳамиятга ега ва бу соҳа аҳолининг турмуш даражасини кескин оширишга яхши имконият яратади, инсоннинг турмушини енгиллаштиради.

Бу соҳанинг асосий мақсади аҳолини жисмоний ва маънавий қобилиятларини, ишлаш кучларини қайта тиклаш, уларнинг янада ривожланишини таъминлашга хизмат кўрсатиш.

Ўзбекистонда, унинг регионларида АСМ ижтимоий инфратузилмаси ва унинг ривожланиши турлича. Масалан, йирик шаҳарда, транспорт жойлашган яқин жойларда АСМси ижтимоий инфратузилмаси нисбатан яхши ривожланган. Бозор

иқтисодиёти талабидан келиб чиқиб, янги-янги ижтимоий инфратузилма хизмат турлари ҳам вужудга келмоқда, айрим турлар еса йўқолиб бормоқда, бу еса тўғри қонуният ҳисобланади. Ески кетгач, албатта янги хизмат тури пайдо бўлади. Бундай ҳолатларни Ўзбекистоннинг барча регионларида, шаҳардаги бозорларда, йўл транспорти ижтимоий хизматида, соғлиқни сақлаш соҳасида кузатиш мумкин.



3. Агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш йўналишлари

Ижтимоий инфратузилма бозор иқтисодиёти талаблари асосида объектив ривожда ривожланиб боради. Қишлоқ аҳолисига иш билан таъминлашнинг зарурати қишлоқ жойларида янги-янги хизмат турларини келтириб чиқади. Аҳолини иш билан таъминлаш даражасини ошириш учун ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш зарур. Бу борада бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, аҳоли пунктларининг асосий қисми газ билан, ичимлик суви билан таъминланмоқда, қишлоқ амбулаториялари ташкил етилди ва етилмоқда, демак булар янги иш ўринларини пайдо етмоқда. Мустақиллик йилларидан бошлаб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлайдиган хусусий тадбиркорлар гуруҳи шаклланди, масалан, куруқ меваларни тайёрлаш, жун ва териларни қайта ишлаб тайёр товарлар йетиштириш шулар жумаласидандир.

Лекин, аҳолининг маҳсулотларни ва хизматларни харид қилиш қувватини ошириш ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни таъминловчи асосий

омиллардан бири ҳисобланади. Бунинг учун эса ишлаб чиқаришни ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, янги-янги ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш катта иқтисодий аҳамиятга эга эканлигини билиш зарур.

Демак, АСМси ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, умуман Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш ижтимоий инфратузилманинг ривожланишига олиб келади. Ўз навбатида инфратузилманинг ривожи эса шу жиҳатдан давлат томонидан қўллаб-қувватланишига боғлиқ, чунки ижтимоий инфратузилманинг шундай йўналишлари борки, уларни бирорта ишбилармон Ўз фаолияти турига айлантира олмайди. Масалан, қишлоқ жойларида асосий жойларни, яъни кўчаларни ёритиш, кечаси ёритилган чироқлар ўрнатиш ёки Ўт ўчирувчилар ташкилотларининг харажатларини кўтариш, ишбилармон фаолияти билан амалга ошириб бўлмайди. Демак, ушбу харажатлар давлат томонидан қопланиши заруратини келтириб чиқаради.

Ҳозирги кун талабидан келиб чиқиб, агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмаси қуйидаги йўналишларда ривожлантириш зарур:

1-дан, АСМга кирувчи тармоқларда хизмат кўрсатадиган соҳаларни ва хизматларнинг турларини кўпайтириш.

2-дан, хизмат бозорида рақобат муҳитини ривожлантириш.

3-дан, хизмат кўрсатиш соҳасида биргаликда иттифоқлар ташкил етиш, масалан, техникадан биргаликда фойдаланиш иттифоқи.

4-дан, пахтачиликдаги айрим зарур хизматлар ғаллачиликда тўғри келмайди, шунинг учун бу соҳаларнинг Ўзига мос ишлаб чиқариш инфратузилмасини ташкил етиш.

5-дан, қоракўлчилик хўжаликлари инфратузилмаси пахтачиликдаги ишлаб чиқариш инфратузилмасидан тубдан фарқ қилади, буларни замонталабига мослаштириш зарур.

ХУЛОСА

Агросаноат мажмуасининг муҳим бир соҳаси ишлаб чиқариш инфратузилмаси ҳисобланади. Инфратузилма – ишлаб чиқаришнинг нормал ишлаши учун зарур бўлган барча хизматларни кўрсатувчи ва бевосита ишлаб чиқариш жараёни давомида узвий иштирок етувчи тармоқ ва хизматлар йиғиндисидир. Инфратузилманинг асосий қисми ишлаб чиқариш инфратузилмасидир. Ишлаб чиқариш инфратузилмасига транспорт, йўллар,

музхона, ва омборхоналар, алоқа тизими, ирригация ва мелиорация тизими ва бошқалар киради.

Агросаноат мажмуасининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси мажмуа барча тармоқларининг нормал ишлаши учун зарур шароитни туғдиради, уларга хизмат кўрсатди. Уларнинг ривожланганлик даражаси жуда кўплаб муаммоларни ечади.

НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. «Агросаноат мажмуасининг инфратузилмаси» тушунчаси, унинг таркиби, моҳияти ва иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти.
2. Агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркиби ва бу тузилма ривожланишининг ҳозирги ҳолати.
3. Агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмасини янада ривожлантириш йўналишлари.
4. Агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмасини ташкил етишнинг Ўзига хос хусусиятлари.

6-Мавзу: Агросаноат мажмуасида ер-сув муносабатлари ва улардан самарали фойдаланиш.

Режа:

1. Кишлоқ хужалиги ер фондининг таркиби, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари
2. Кишлоқ хужалигида ер-сув фондларидан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигини ифодаловчи курсаткичлар
3. Ердан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигини ошириш йуллари

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995 йил. 58-75 бетлар.
2. Каримов И.А. Биздан обод ва озод ватан қосин. Т.: «Ўзбекистон», 1994 йил. 251-267 бетлар: «Дехқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи».
3. Ҳақимов Рашид ва бошқалар. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Т.: 2004 йил, Ўқув қўлланма. ВИИИ боб, 55-60 бетлар.
4. Абдуғаниев Абдулатиф, Абдуғаниев Абдуқаҳҳор. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. 2004 йил, В боб, 79-98 бетлар.

1. Қишлоқ хўжалиги ер фондининг таркиби, аҳамияти ва узига хос хусусиятлари

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида Қишлоқ хўжалигини ислох қилишга устунлик берилди. Чунки республика саноатининг кўпгина тармоқларини, жумладан, пахта тозлаша, тўқимачилик, йенгил саноатни озиқ-овқат, кимё саноатини қишлоқ хўжалик машинасозлигининг ва бошқаларни ривожлантириш истиқболлари бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалиги ер фондининг асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида ўзига хос хусусиятлари

1. Ер табиатда чегараланган.
2. Ер – табиат маҳсули.
3. Ер абадий ишлаб чиқариш воситасидир.
4. Турли жойларда мавжуд ер майдонлари турли сифатга, яъни унумдорликка эга.
5. Ерни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкин эмас.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон аҳолисининг ва ғойиздан ортиғи қишлоқ жойларида яшайди. Шунинг учун ҳам барча ташвиш ва муаммоларни ечиш қишлоқ хўжалигини ислох қилишдан бошланади. Айниқса, қишлоқ хўжалигида банд бўлган одамларни барчасига ер, сув ва техника воситаларини йетказиб бериш ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ер еса ҳар бир халқнинг асосий бойлигидир. Агар ер саноат ишлаб чиқаришнинг иморатлари турадиган оддий бир база бўлса, қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади, яъни ерга ишлов бериш

йўли билан ишлаб чиқаришга таъсир етиб, ундан ҳосил йетиштириб оладилар. Ер бир пайтда ҳам меҳнат предмети сифатида ҳам меҳнат қуроли сифатида қишлоқ хўжалигида юзага чиқади.

Республика ер фондининг таркиби

(Ўз. Р. Ер кодексининг 8-моддасида ер фонди тоифалари белгилаб қўйилган.)

1. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига тайин этилган ерлар – қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки ана шу мақсадга мўлжалланган ерлар. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар суғориладиган ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерлар, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали дов-дархтлар ва токзорлар эгаллаган ерларга бўлинади;
2. Аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари - шаҳарлар ва посёлкалар шунингдек қишлоқ аҳоли пунктлари чегараси доирасидаги ерлар;
3. Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар – кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш учун юридик шахсларга берилган ерлар;
4. Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, реализация мақсадларига мўлжалланган ерлар – алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эгаллаган, табиий даволаш омилларига эга бўлган ерлар, шунингдек оммавий дам олиш ва туризм учун фойдаланадиган ерлар;
5. Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар – тарихий-маданий ёдгорликлар жойлашган ерлар;
6. Ўрмон фонди ерлари – ўрмон билан қопланган, шунингдек ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжи учун берилган ерлар;
7. Сув фонди ерлари – сув объектлари, сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар ва сув объектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги ерлар;
8. Заҳира ерлар.

Меҳнат предмети сифатида юзага чиққанда ер меҳнат йўналтирилган объект бўлади. Меҳнат қуроли сифатида юзага чиққанда, ерга зарур биологик шароитларни туғдириш натижасида ўсимлик ривожланилади.

Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланишда тупроқнинг ени юқориги қатламидан фойдаланилади, яъни маълум даражада физик-химиявий хоссаларга эга бўлган қатламларидан фойдаланилади. Тупроқнинг унумдорлиги қанчалик яхши бўлса, ҳосилдорлик шунча юқори бўлади. Тупроқнинг унумдор бўлиши еса ундаги озуқа моддаларининг миқдорига шароитига қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарувчи

кучларнинг ривожланиш даражасига фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга татбиқ этишга бевосита таъсир кўрсатувчи кишилар меҳнатига боғлиқ.

Тупроқ унумдорлиги куйидаги турлардан иборат.

1. Табиий ва озуқавий яъни иқтисодий

2. Потенцила – яъни фойдаланиш мумкин бўлган.

1) Тупроқнинг табиий унумдорлиги унинг пайдо бўлишида узоқ давом этадиган жараёнлар натижасида вужудга келади. У тупроқнинг физик, химик ва биологик хоссаларида иқлим шароитлари билан белгиланади. Табиий унумдорлик объектив хусусиятдир. У аксарият яъни потенциал унумдорлик ҳолатида бўлиб, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришда ердан фойдаланган вақтдагина самарали натижа беради.

Ернинг ўзига хос хусусиятлари куйидагиларда ифодаланади:

а) Ерни ишлаб чиқариш воситаси сифатида ишлаб чиқариш воситаси билан алмаштириб бўлмайди.

б) ердан тўғри фойдаланиш, у ҳеч қачон ескирмайди, аксинча, ерга қанча яхши ишлов берилса, ер яхшиланиб боради, ҳажми кўпайиб боради.

в) ер инсониятни барча авлодалари учун абадий ишлаб чиқариш воситасидир.

г) ер-табиат маҳсули

д) ерни бир жойдан иккинчи жойга кўчириб бўлмайди.

е) ер табиатда чегараланган. Уни инсоният хоҳлаганда кўпайтириш имконига ега эмас. Демак, ягона тўғри йўл – мавжуд ер ресурсларидан самарали фойдаланишдир.

Лекин, саноатнинг ўсиши, коммуникациянинг ўсиши аҳолининг кўпайишини табиий ҳолда бирикишига тўғри келадиган ер майдонининг қисқаришига олиб келади. Айрим ҳолларда еса инсоният ердан тўғри фойдаланмаслиги оқибатида ернинг кетишига ҳам олиб келади.

Тараққиётнинг тупроқ ерозияси шўр босиш каби салбий оқибатларни камайтириш учун ҳар бир давлатнинг ва ердан фойдаланувчиларининг муҳим вазифасидир.

Таъкидлаб ўтилганларнинг барчаси мавжуд ерлардан қайси турларини жойлаштириш турларидан фойдаланиш ва ишлаб чиқаришнинг ҳажмини қандай

бўлсин мақсадга мувофиқлиги инкор йетиб бўлмайдиган талабларни келтириб чиқарар.

Ернинг жамиятдаги аҳамияти ниҳоятда беқиёсидир, унда аҳоли яшаш учун бинолар, уй-жойлар қурилади. Халқ хўжалиги учун иншоотлар, корхона, муассаса, ўқув бинолари, илмий-ишлаб чиқариш ташкилотлари лар қурилади.

2. Қишлоқ хўжалигида ер-сув фондларидан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигини ифодаловчи курсаткичлар

Ўзбекистонда барча ерлар давлат ер фондини ташкил этади, ер давлат мулки умумхалқ бойлиги ҳисобланади.

Ер фонди дейилганда Ўзбекистоннинг вилоят, туман, деҳқон фермер жамоа хўжалиги, давлат хўжалигини ер майдони, яъни қуруқликдаги ер майдонлари билан сув остидаги ер майдонлари тушунилади.

Ер классификасияси қуйидагича белгиланиш, Ўзбекистондаги барча ерлар давлат ери бўлиб, унинг таркибига қуйидаги ер категориялари киради.

1. Қишлоқ хўжалик ерлари
2. Махсус мақсадлар учун белгиланган ерлар
3. Шаҳар ерлари
4. Давлат ўралган ер фондлари
5. Давлат заҳира ер фондлари
6. Давлат сув фондида банд бўлган ерлар.

Буларни алоҳида тавсифлаб олиш керак.

1. Қишлоқ хўжалиги ерлари, булар асосан жамоа, давлат, фермер, ширкат (кооператив) деҳқон хўжалиги, ёрдамчи хўжаликлар, ўқув тажриба хўжаликларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш мақсадида фойдаладиган ерлардан иборат.
2. Махсус мақсадлар учун белгиланган ерлар булар, саноат, транспорт, курортлар, заповедниклар, яъни қўриқхоналар, завод ва фабрикалар, давлат муассасалари жойлашган ерлар, тоғ конлари ва бошқа мақсадларга давлат объектлари учун банд бўлган ерлардан ташкил топган ерлар.
3. Шаҳар ерлари, булар шаҳар типдаги посёлкалар қуриш мақсадида банд бўлган ер массивларидан ташкил топган бўлиб, янги уй-жой, шаҳарлар қурилишининг йўналиши билан бундай ерлар территорияси йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.
4. Давлат ўрмон ер фондлари. Бундай ерларга Ўзбекистондаги Ўрмонлар ва Ўрмончиликни ривожлантириш мақсадида ажратилган ерлар киради.
5. Давлат заҳира (запас) ерлари. Бундай ерлар жамоа ва давлат хўжаликлари, деҳқон, фермер, кооператив (ширкат) қишлоқ хўжалиги ва

шунга Ўхшашларга узоқ муддатли фойдаланиш учун ажратиб бериладиган ва янгидан давлат хўжаликларини ташкил этиш ва кўчиб келганларни жойлаштириш учун ажратиладиган, шунингдек тоғ конлари жойларидан иборат.

6. Давлат сув фондида банд бўлган ерлар, буларга сув ҳавзалари, каналлар, дарёлар, денгизлар, гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари учун банд бўлган ва уларнинг атрофидаги ерлар киради.

Қишлоқ хўжалигининг ривожланиш жараёнида бир хил ерлар бошқа бирхил ерларга айлантирилиши мумкин, бунга ерларнинг трансформацияси дейилади, яъни, куруқ ерларни ҳайдаб экин ерларига айлантириш ёки чакалакзорларни ковлаб экин ерларга айлантириш ва шунга ўхшаш ерлар трансформацияси дейилади.

Қишлоқ хўжалик эҳтиёжларига ишлатиладиган ерлар қишлоқ хўжалик ерлари дейилади, буларга екиладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик дарахтзорлар, ишга солинадиган қўриқлар ва ўтлоқлар киради. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерларга ўрмонлар ва чакалакзорлар билан банд бўлиб турган ерлар, кўллар, арииклар, зову рёки сойлар ҳамда халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида фойдаланиладиган ерлар киради.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигида ер фонди асосий ишлаб чиқариш воситаси экан, ундан самарали фойдаланиш зарур.

Ер ва сув қишлоқ хўжалигининг энг асосий ишлаб чиқариш воситалари экан, улардан қандай фойдаланилганини билиш зарур. Бунинг учун қуйидаги кўрсаткичлардан ифодалаш мумкин:

а) Умумий ер фондидан фойдаланиш коэффициенти (фоизи). Унинг даражасини аниқлаш учун қишлоқ хўжалигида ҳақиқатда фойдаланилган ер майдонини фойдаланиш мумкин бўлган ер майдонига тақсимлаш лозим. Буни қуйидаги тенглик ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$\text{ЙеФК} = \frac{F_{Ye}}{F_{M_{Ye}}}; \text{ ёки } \frac{F_{Ye}}{F_{M_{Ye}}}; \times 100:$$

Бунда: ЙеФК - умумий ер фондидан фойдаланиш коэффициенти, (фоизи);

ФЕ - қишлоқ хўжалигида фойдаланилган ер майдони, га;

ФМЕ - фойдаланилиши мумкин бўлган ер майдони, га.

Бу кўрсаткич коэффициентда ёки фоизда аниқланиши мумкин. Уни аниқлаш натижасида ердан фойдаланишнинг тўлиқлик даражаси аниқланади. Уни ҳақиқий даражаси, яъни коэффициенти 1 дан ёки 100 фоиздан ортиқ бўлиши мумкин емас. Бу кўрсаткични аниқлаш натижасида тармоқда (хўжаликда) қанча ердан фойдаланилган ва қанчасидан фойдаланилмаганлиги билинади. Шундан сўнг

бундай ҳолнинг сабаблари аниқланиб, уларни бартараф етиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

б) **Сувдан фойдаланиш коэффициенти.** У ҳақиқатда суғорилган майдонни шу сув билан суғорилиши мумкин бўлган майдонга тақсимлаш натижасида аниқланади. Бунинг учун қуйидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

$$СФК = \frac{SM}{SMM} ; \text{ёки} \frac{SM}{SMM} \times 100;$$

Бунда: СФК-сувдан фойдаланиш коэффициенти ёки фоизи;

СМ-ҳақиқатда суғорилган майдон, га;

СММ-суғорилиши мумкин бўлган майдони, га.

**Ўзбекистоннинг ер фонди ва ундан фойдаланувчилар бўйича
тақсимланиши, 2005 йил**

№		минг, гектар	%
	Ўзбекистоннинг жами ер майдони		
	Жами ер	44747.7	100
	Шундан: ердан фойдаланувчилар ерлари	44410.3	99.1
1	Шундан қишлоқ хўжалик оркхоналари ва ташкилотлари фойдаланаётган ерлар	24968.6	56.2
2	Ўрмон хўжалиги корхоналари ерлари	8409.2	18.9
3	Саноат, транспорт, муҳофаа, алоқа ва бошқа ташкилотлар ерлари	1928.1	4.3
4	Аҳоли яшаш майдонлари	234.0	0.5
5	Заҳирадаги ерлар	7469.6	16.8
6	Гидротехника ва бошқа сув хўжалик ташкилотлари ерлари	819.2	1.8

7	Табиат муҳофазаси соғломлаштириш ва маданий аҳамиятга ега ерлар	72.5	0.16
8	Бошқа ерлар	57.7	1.3

Ер фондларидан фойдаланишни ифодаловчи кўрсаткичлар икки гуруҳдан иборат

1. гуруҳ – ердан фойдаланишнинг даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар
2. гуруҳ – ердан фойдаланиш иқтисодий самарадорлиги

1. Гуруҳга қуйидагилар киради:

а) ерларнинг таркиби. Жами ер майдонида қишлоқ хўжалиги ерларининг салмоғи. Бу кўрсаткич мавжуд ерларнинг қайта қисми қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига яроқли эканлигини билдиради.

б) қишлоқ хўжалиги ерларининг таркиби. Бу кўрсаткич қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг таркибини кўрсатади. Қишлоқ хўжалиги яроқли ерларининг таркибига ҳайдаладиган ерлар, айниқса суғориладиган ерларнинг салмоғи муҳимдир. Чунки суғориладиган ерларнинг ҳосилдорлиги лалмикор ерларга нисбатан юқори бўлади.

в) ердан неча марта фойдаланилганлиги. Масалан, айрим хўжаликларда майдонлардан бир йилда икки марта фойдаланадилар, ҳатто уч марта фойдаланганлар ҳам бўлади.

2 гуруҳ – ердан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги.

Бундаги кўрсаткич ҳар бир гектар ердан олинадиган ялпи маҳсулот билан ва ҳар бир гектар йрдан олинадиган фойда билан аниқланади.

Экинларнинг ҳосилдорлиги ҳам ердан қанчалик самарали фойдаланганлигини билдиради.

Ўз-ўзидан маълумки ердан ажратмаган ҳолда сув ресурслардан фойдаланиш айниқса тежамкорлик билан фойдаланиш қишлоқ хўжалигида йетиштирилаётган маҳсулотларнинг харажатларини камайтиришга ва рентабеллик юқори бўлишига

олиб келувчи омилдир. Шу сабабли бир метр куб сув ҳисобга олинган маҳсулот миқдори сувдан фойдаланишнинг самарадорлигини билдиради. бу кўрсаткич натура ва қиймат ҳолида ҳисобланади.

3. Ердан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигини ошириш йўллари

Ердан ва сувдан самарали фойдаланиш нафақат Ҳозирги куннинг ҳатто келажакда ҳам талаб қилинадиган долзарб ва зарурат масаладир.

Ер ва сувдан фойдаланиш даражасини ва самарадорлигини ошириш йўллари қуйидаги йўналишларда амалга оширилади.

а) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ер ва сув ресурсларининг татибидан ва имкониятидан келиб чиққан ҳолда жойлаштириш зарур.

Албатта, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан яхши фойдаланилган ҳолда бозор талаб қиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва аҳолининг эҳтиёжини инобатга олиш керак. Лекин шундай бўлганда, ер ва сув ресурсларининг ҳолатини ҳисобга олмасдан ишлаб чиқаришни ташкил этиш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, кучли шўр босган ерларга кузги дон экинларини жойлаштирсак самарадорликни пасайтиради. Ҳозирда Ўзбекистондаги жами суғориладиган ерларнинг 47.8% шўрланмаган, 30.8% кам шўрланган, 17.2 % ўртача шўрланган ва 4.2% кучли шўрланган ерлардир.

Республикамиздаги қишлоқ хўжалик ерларининг мелиоратив ҳолати бўйича уларнинг 38% яхши, 53.4% қониқарли ва 8.2% қониқарсиз яъни мелиоратив ҳолати ёмон ерлардир. Ерларнинг **бир сифат ҳолатидан иккинчи ҳолатга ўтиши умумий ҳолда ер трансформацияси дейилади.**

**Ер фондидан фойдаланишнинг даражаси ва
иқтисодий самарадорлигини ошириш
йўналишлари**

1. Ер қонунчилигини такомиллаштириш.
2. Мулкий муносабатларни такомиллаштириш;
3. Қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришда ернинг талаби ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш;
4. Салбий ер трансформациясига йўл қўймаслик;
5. Ер ва сувдан фойдаланувчиларнинг самарадорликни оширганликлари учун манфаатдорлигини таъминлаш;
6. Танланган ишлаб чиқариш турининг технологияларини бузмаёдан бажариш, мелiorация ва ирригация тадбирларини ўз вақтида самарали ўтказиш;
7. Илғор технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш;
8. Фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш;
9. Кимёлаштириш;
10. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни сув ва шамол эрозиясидан асраш;
11. Ер ва сувдан фойдаланганлик учун тўловлар тизимини такомиллаштириб бориш;
12. Қишлоқ хўжалиги экинларини сугоришнинг илғор усулларини (томчилатиб, ёмғирлатиб, қатор оралаб ва х.х.) ишлаб чиқаришга жорий этиш;
13. Ердан самарали фойдаланишнинг доимий мониторингини ташкил этиш;
14. Қишлоқ хўжалиги ерларини бошқа мақсадлар учун чиқиб кетишига имкон даражасида йўл қўймаслик;
15. Уруғчиликни ривожлантириш;
16. Ердан фойдаланишнинг маротабаллигини ошириш;
17. Иссиқхоналарни кўпайтириш.

Ер трансформацияси ижобий ва салбий бўлади.

Ижобий трансформация – яхши ерларнинг ёмон ерлар сафига ўтишга имкони боришга йўл қўймаслик лозим. Ер ислохотларини тўғри ўтказиш ҳам ер ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширади. Ер дуч келган кишига емас, балки ерда ишлаш тажрибаси, билими бор кишиларга, хўжаликларга берилиши керак. Шу билан бирга, ердан олинган маҳсулотга эгалик қилиш шароитларини тўғри ҳал этиш талаб қилинади.

Енг зарур омиллардан бири ер ва сувдан фойдаланувчиларнинг самарадорликни оширганликлари учун манфаатдорлигини таъминлашдир.

Ер ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан илғор технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш билан боғлиқ. Масалан, сувдан фойдаланиш самарадорлиги томчилатиб ёки ёмғир усулида суғоришда оддий бостириб суғоришдан анча афзалдир.

Ўзбекистон Республикасида сув ресурслари жуда чекланган бўлиб, ҳозирда фойдаланилаётган сувнинг 12-13 фоизи мамлакат ҳудудида вужудга келади. Қолган қисми Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари ҳудудидан келади. Ўзбекистонда 50 дарё бўлиб, шулардан фақат 10 тасигина 150 км узунликда. Мамлакатда жуда катта канал ва ариқлар тизими яратилган. Уларнинг узунлиги 156 минг км.ни ташкил этади. Ана шу ирригасия тизимидан самарали фойдаланиш мамлакатда ер ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини оширадиган омиллардан биридир.

Фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳам ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширади. Масалан, пахта ва буғдойнинг тезпишар ва сувга чидамли навларини жорий этиш шулар жумласидандир. Екологик муҳитни ҳисобга олган ҳолда кимёлаштиришни ривожлантириш ҳам ер ва сув ресурсларининг самарадорлигини оширишга ижобий таъсир этади. Қишлоқ хўжалигида яроқли ерларни сув ва шамол эрозиясидан асраш ҳам жуда муҳим тадбирлардан биридир.

Масалан, экин майдонларининг 2,1 млн. гектари шамол, 0,7 млн гектари сув эрозиясига, шунингдек, мавжуд 22,1 млн. гектар яйловнинг 6 млн. гектари шамол ва 3 млн. гектари сув эрозиясига учраган. Бу ҳолат агросаноат мажмуаси иқтисодиётига сезиларли салбий таъсир этади.

ХУЛОСА

Ер ва сувга нисбатан давлат мулкчилиги сақланган ҳолда улардан йил давомида тўлиқ ва самарали фойдаланиш ҳуқуқи жисмоний ҳамда юридик шахсларга узоқ муддатга ҳамда умрбод берилмоқда.

Улардан тўлиқ ва самарали фойдаланганлик даражасини маълум бир кўрсаткичлар тизими ёрдамида таҳлил этиш лозим.

Кейинги йилларида ерлардан, сувлардан фойдаланишнинг самарадорлиги талаб даражасида емас. Сабаби — ерларнинг ирригация-мелиорация ҳолати ёмонлашаётганлиги, илмий ва амалий жиҳатдан асосланган алмашлаб екиш тўлиқ жорий этилмаётганлиги, суғориш иншоотларининг ишга яроқлилик ҳолати

пасайиши, ер ва сувлардан самарали фойдаланганлик учун рағбатлантиришнинг суғлиғидир.

Келажакда ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш даражасини ҳамда иқтисодий самарадорлигини ошириш учун тупроқ унумдорлигини, сувнинг сифатини яхшилашга қаратилган барча тадбирлар Ўз вақтида, сифатли бажарилишини таъминлаш зарур.

Мамлакат миқёсида ер-сув мониторинги ва кадастрлари талаб даражасида амалга оширилишини таъминлаш керак.

НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Ер ва сув ресурсларининг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти, ер ва сув ресурслари қишлоқ хўжалигининг асосий воситаси эканлиги.
2. Ер ва сувларнинг таркиби, уларни хусусиятлари нималардан иборат?
3. **Ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш даражасини ҳамда самарадорлигини оширишнинг қандай йўллари бор?**

7-Мавзу: Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш.

Режа:


1. «Қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурслари» тушунчаси, унинг таркиби
2. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш курсаткичлари
3. Меҳнат унумдорлиги ва уни ҳисоблаш усуллари
4. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларида фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш йўналишлари

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. «Ўзбекистон», 1994 йил. 251-268 бетлар. Деҳқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995 йил, 58-75 бетлар. Қишлоқ хўжалигини ислох қилиш. Аграр муносабатларини янги турини шакллантириш.
3. Ҳакимов Рашид ва бошқалар. Аграр саноат мажмуаси иқтисодиёти. Т.: 2004 йил, Ўқув қўлланма, 61-67 бетлар.
4. Абдуғаниев Абдулатиф, Абдуғаниев Абдуқаҳҳор. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Т.: 2004 йил, дарслик. ВИИИ боб, 144-165 бетлар.

5. Ўзбекистон Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1998 йил №5-6, май-июн, 87-101 бетлар. Ўзбекистон Республикасининг фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун.

1. «Қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурслари» тушунчаси, унинг таркиби



Қишлоқ хўжалигидаги корхоналарда меҳнат ресурслари асосий ва ёрдамчи гуруҳларга бўлинади. Асосий меҳнат ресурсларига 16 ёшдан 54 ёшгача бўлган аёллар ва 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган еркаклар киради. Ёрдамчи меҳнат ресурсларига 14-16 ёшдаги Ўсмирлар нафақадаги аёллар ва еркаклар киради. Ёрдамчи меҳнат ресурсларидан қишлоқ хўжалиги йилининг айрим даврларида фойдаланилади. Масалан, қишлоқ хўжалигида ҳосилларни йиғиб-териб олиш пайтларида ёки об-ҳаво жуда ноқулай келган пайтларда. Маълумки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёни мавсумий характерга эга. Натижада ишлаб чиқариш хусусиятидан келиб чиқиб, йилнинг айрим даврларида меҳнат ресурслари бўш бўлиб қолиши мумкин, Айниқса, пахтачиликда чигит екилганидан кейин, уруғ униб чиққунча 15-20 кун ўтади, бу даврда ишчи ходимлар бекор қолади.

Қишлоқ хўжалигида ер асосий илаб чиқариш воситаси бўлганлиги учун ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришини танлашга таъсир этади, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш йирик майдонларда ташкил этилиши ҳам, меҳнатни ташкил этиш маълум талаблар асосида олиб борилади.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси қуйидаги кўрсаткичлар билан аниқланади.

1. Ҳар бир ишчи ходимнинг бир йилда ишлаган кунлари. Одатда қишлоқ хўжалигида еркаклар бир йилда 280 кун, аёллар 240 кун ишлашга нормал ҳисобланади, лекин асосий меҳнат ресурсларига буйўлланилади.

2. Йил давомида ишлаши лозим бўлган шундан фойдаланиш коэффициенти. Бу коэффициент ҳақиқатда ишлаган кунларни нормал бўйича ишлаши лозим бўлган шу кунлар миқдорида бўлиши орқали аниқланади. Масалан, юқорида айтиб

Ўтилганидек, еркалар бир йилда 280 кун ишлаши керак, амалда еса 220 кун ишлайди, деб фараз қилайлик, бунинг учун $220:280 \times 100\% = 78,5\%$, демак ишлаши керак бўлганидан 21,5% кам.

3. Хўжаликнинг меҳнат ресурслари ҳолатини билиш учун меҳнат ресурслари баланси тузилади. Меҳнат ресурслари баланси қуйидагича тузилади: ишлаб чиқариш жараёнида ҳақиқатдан қатнашган меҳнат ресурслари сонини, хўжаликда шартнома (буйруқ) бўйича мавжуд бўлган меҳнат ресурслари миқдorigа тақсимланади, масалан хўжаликда 110 киши ишлаб чиқаришда қатнашади, буйруқ бўйича еса 130 киши қатнашиши керак, демак: $\frac{110}{130} = 0,84$

130

Демак, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш коеффисиенти 0,84.

Баланс маълумотлари хўжаликнинг иқтисодий ривожлантирилишида ишлатилади.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги йил давомида бир ишчи ходим ҳисобига ишлаб чиқарилганлиги маҳсулот миқдори билан аниқланади.

Масалан, 2004 йилда деҳқончиликдаги ялпи маҳсулот миқдори 110 млрд. сўмни ташкил этади, ишлаб чиқаришдаги ишчилар сони 90 киши, демак:

110 млрд. сўм қ 1 млрд. 229 млн. сўмлик ялпи маҳсулот

90 киши бир кишига тўғри келади.

2. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш курсаткичлари

Меҳнат унумдорлиги иқтисодий категория бўлиб, конкрет сарфланган меҳнатнинг натижасидир.

Вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори меҳнат унумдорлигини ифодалайди.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини аниқлашда натурал ва қиймат кўрсаткичларидан фойдаланилади.

**Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ўзига ҳос
хусусиятлари**

1. Қишлоқ хўжалигида меҳнатнинг натижалари табиий омилларга боғлиқ;
2. Қишлоқ хўжалигида меҳнат мавсумийлик характериға эға, натижада мавсумий ишсизлик юзаға чиқади;
3. Қишлоқ хўжалигида меҳнат кенг далаларда, очиқ жойларда олиб борилади;
4. Қишлоқ хўжалигида иш даври билан ишлаб чиқариш даврининг мос келмаслиги натижасида вақтинчалик ишсизлик объектив ҳолда юзаға келади;
5. Қишлоқ хўжалиги меҳнати нисбатан паст малакали ҳисобланади ва бозор талабларига мослаштириб туриш зарурати туғилади.

Натурал кўрсаткичларға вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган ялпи ҳосил ва бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт миқдори киради ва бу ҳар бир маҳсулот тури бўйича алоҳида ҳисобланади. Лекин натурал кўрсаткичлар маълум камчиликларға еға. Масалан, қишлоқ хўжалигида бир ишчи йил давомида турли тармоқларда фаолият кўрсатади, жумладан, пахтачиликда, сабзавотчиликда, дончиликда ва шу бошқа тармоқларда. Баъзан бир куннинг ўзида бир нечта турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этади. Бу еса ишчи ходимнинг иш вақтларини у ишлаган соҳаларға тақсимлаш муаммосини келтириб чиқаради. Албатта, иқтисодчилар томонидан меҳнат сарфларини маҳсулотға тақсимлаш усуллари ишлаб чиқилган. Лекин, шунга қарамай, меҳнат унумдорлигининг натурал кўрсаткичлари ҳақиқий ҳолатни жуда аниқ белгилай олмайди. Шу сабабли меҳнат унумдорлигининг қиймат кўрсаткичларидан кенгрок фойдаланилади. Меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш усулларида бир-бири ишчи ходим ҳисобига бир йилда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот миқдори. Бу кўрсаткич меҳнат унумдорлигининг энг асосий кўрсаткичларидан биридир.

Бу йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини ишчи ходимларнинг ўртача йиллик сонига бўлишйўли билан аниқланади. Бунда ялпи маҳсулот уни ишлаб чиқарилган вақт, киши соатларига бўлишйўли билан аниқланади.

Меҳнат унумдорлигининг киши соатлари бўйича аниқлангани тўғрирок ҳисобланади. Чунки ходимларнинг ўртача йиллик сони уларни ҳақиқатда сарфланган меҳнатни киши соатларидек аниқ белгиламайди. Чунки бир кишининг 280 ёки 260 кун ишчи чиққани, унинг ҳақиқатда ҳар куни неча соат ишлаганини билдирмайди. Меҳнат унумдорлигининг бу кўрсаткичларни ҳисоблаганда ялпи маҳсулотни ҳисоблаш усуллари катта аҳамиятға еға. Амалда ялпи маҳсулот жорий баҳоларда ҳисобланади. Агар узок даврларда меҳнат унумдорлигининг динамикасини кўрганда ялпи маҳсулотни солиштира баҳоларда олиш талаб қилинади ва бу кўрсаткичнинг йилдан-йилға ошиб бориши ижобий натижа ҳисобланади.

Ёки бир сЎмлик, юз сЎмлик ва минг сЎмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт ҳам меҳнат унумдорлигининг иккинчи иқтисодий кўрсаткичидир.


Сарфланган меҳнат киши соатларига Ўлчанади, бу кўрсаткич йилдан-йилга камайиб боргани ижобий натижа беради, чунки бу иқтисодий Ўсишни таъминлайди.

3. Меҳнат унумдорлиги ва уни ҳисоблаш усуллари

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида меҳнат бозори, бошқа соҳаларга нисбатан ривожланмаган, уни ривожлантириш еса биринчи даражали иқтисодий ва ижтимоий муассаса ҳисобланади. Республикамизнинг қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг мутлоқ ва нисбий камайтириш ҳам фақат бугунги кун вазифаси бўлмай, келажакдаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигидаги меҳнат ресурсларнинг малакаси ҳам бошқа тармоқларга нисбатан пастдир, бу муаммони ҳал етиш еса шу соҳа иқтисодиётини ривожлантириш билан бирга мамлакат иқтисодиётини ҳам юқори босқичга олиб чиқади ва бундай шароит саноат соҳасига ва бошқа хизмат турларига меҳнат ресурсларининг бир қисмини Ўтиш учун шароит яратади, чунки бу соҳада меҳнат унумдорлигининг Ўсиш жараёнида меҳнат ресурсларининг бир қисмини аграр соҳадан бўшатиб, бошқа соҳага ишлашга шароит яратади, бу еса ривожлантиришнинг умумий объектив тенденцияси ҳисобланади.

Демак, қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларини малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тизимини янада жонлантириш керак.

Меҳнат ресурсларининг таркиби.



Меҳнат ресурслари таснифи



Меҳнат ресурсларининг халқ хўжалиги тармоқларида банд бўлган қисми иқтисодий актив аҳолини ташкил этади. Бошқача айтганда, меҳнат ресурсларининг ҳақиқий сонидан меҳнатга яроқли ёшда бўлиб, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган ва ҳарбий хизмат сафларида хизмат қилаётганлар сони айириб ташланганидан сўнг, қолган қисми актив аҳолини ташкил этади.

Иқтисодий актив аҳоли таркибига қуйидагилар киради:

1. Давлат, кооператив, жамоат ташкилотларининг корхона ва муассасаларида банд бўлган ишчи ва хизматчилар;
2. Қишлоқ хўжалигидаги кооператив (ширкат) фермер ва деҳқон хўжалигидан тармоқларда банд бўлган аҳоли;
3. Халқ хўжалигида бошқа тармоқларида банд бўлган аҳоли ҳунармандлар ва бошқалар.

Иқтисодий актив аҳолининг умумий аҳоли сонига нисбати аҳолининг иқтисодий активлик даражасини характерлайди, яъни: **аҳолининг активлик даражаси** =

$$\frac{2002 \text{ йил қ иқтисодий актив аҳоли сони } (1333,2 \text{ млн})}{\text{маълумоти аҳолининг умумий сони } 26 \text{ млн}} * 100 = 35,9$$

маълумоти аҳолининг умумий сони 26 млн

Актив аҳоли сони меҳнат ресурслари сони билан таққосланса, меҳнатга қобилиятли потенциал ишчилардан фойдаланиш коэффициенти келиб чиқади.

$$\frac{2002 \text{ йил қ иқтисодий актив аҳоли сони } 9333,2 \text{ минг киши}}{\text{маълумоти меҳнат ресурслари потенциали сони } 12346 \text{ минг к.}} \text{ қ } 75,6\%$$

маълумоти меҳнат ресурслари потенциали сони 12346 минг к.

4. Кишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларида фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш йўналишлари

Қишлоқ хўжалиги аҳолисини ишчи хизматчиларнинг даромадларини иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ишчи хизматчилари даромадларидан паст бўлмаганлигини ҳам меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини оширишга шароит яратади.

Бизнинг миллий минталетитемиз ва Республикамизнинг мавжуд шарт-шароитлари, қишлоқ аҳолисини нисбатан кам ҳаракатлантиради, чунки нисбатан ўтроқ ҳолда бўлган аҳолини ўша жойнинг ўзида иш билан таъминлаш муаммосини ҳисобга олишини талаб қилади. Лекин, бу муаммони ечиш бозор иқтисодиёти талабларига зид келмаслиги керак, шунга қарамасдан, саноатни, хизмат кўрсатишни қишлоқ жойларида ташкил етиш доимий равишда амалга оширилиши лозим.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларининг меҳнاتини қуролланиш даражасини ошириш ҳам, меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш йўллари билан биридир, яъни, қишлоқ хўжалигида меҳнат ҳар бир экин турини, ёки маҳсулотнинг тури бўйича технологияни ҳисобга олиб, зарур воситалар билан таъминланиши керак, бу масалани ечиш йўллари билан бири кичик техника ишлаб чиқариш йўлга қўйиш талаб қилинади.

Аграр соҳада фан-техника ютуқларидан фойдаланишни янада яхшилаш ҳам меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишига олиб келувчи омилдир. Бунга

асосий ётибор еса янги ва серхосил экин навларини яратиш, уларга ишлаб чиқаришга жорий етиш, чорвачиликда еса чорва молларининг сермахсул зотларини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигини ошириш йўналишлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

- қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурслари малакасини ошириш;
- қишлоқ хўжалигида банд ходимларнинг даромади бошқа соҳаларда банд бўлганлар даромадидан паст бўлмаслигини таъминлаш;
- қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурсларининг иш қуроллари билан қуролланиш даражасини ошириш, замонавийлаштириш;
- қишлоқ хўжалигида мулкый муносабатларин янада ривожлантириш.
- қишлоқ жойларда молия, кредит тизими, солиқ тизими ва бошқа кўплаб иқтисодий дастакларнинг ривожланишини таъминлаш.

ХУЛОСА

Меҳнат ресурслари деганда аҳолининг меҳнат қилиш қобилиятига ега бўлган қисми тушунилади. Қишлоқ хўжалигида улар асосий ва ёрдамчи меҳнат ресурсларига бўлинади. Асосий меҳнат ресурсларига 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар, 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган, меҳнат қилиш қобилиятига ега еркаклар, ёрдамчи меҳнат ресурсларига 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган Ўсирлар ва нафақа ёшидаги аёл ва еркаклар киради.

Қишлоқ хўжалигининг меҳнат ресурслари нибатан катта билимга ега емас. Бу борада катта ишлар қилиш керак ва уларнинг билимини кескин ошириш талаб етилади. Саноат ва хизмат кўрсатиш соҳалари нисбатан билими юқори меҳнат ресурсларини талаб қилади. Қишлоқ меҳнат ресурсларнинг яна бир хусусияти уларнинг кам ҳаракатда бўлиши ёки ўртоқлигидир.

НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

- а. «Меҳнат ресурслари» тушунчаси. Қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурслари таркиби.
- б. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари.
- с. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари.

Меҳнат бозори ва унинг ҳозирги ҳолати тўғрисида қисқача тушунча

8-Мавзу: Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш харажатлари, махсулот таннархи ва уни пасайтириш йуллари.

Режа:

- 1. «Таннарх» тушунчаси, унинг мохияти**
- 2. Кишлок хужалиги маҳсулотларининг таннархини ҳисоблаш таркиби**
- 3. Кишлок хужалиги маҳсулотлари таннархини пасайтириш йуллари**

АДАБИЁТЛАР

1. Хошимов Р. ва бошқалар. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Тошкент 2004 Ўқув қўлланма. XII боб 78-83 бетлар.
2. Абдуғаниев Абдулатиф ва бошқалар. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Тошкент 2004. Дарслик XII боб 216-241 бетлар.

1. Таннарх» тушунчаси, унинг мохияти

Маҳсулот таннархи деганда маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларнинг пулдаги ифодасидир. Маҳсулот таннархи шу маҳсулот қийматининг бир қисми ҳисобланади. Маҳсулот қиймати билан таннархи ўртасидаги фарқ умумий ҳолда фойдани ифодалайди.

Иқтисодий фан таннархнинг икки турини фарқ қилади. Биринчиси, маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи, иккинчиси маҳсулот таннархининг бирлигининг тўлиқ таннархи. Маҳсулот бирлигининг тўлиқ таннархи, шу маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан боғлиқ харажатларнинг пулдаги ифодасидир.

Хўжаликларда режа таннархи ва ҳисобот таннархи мавжуд. Режа таннархи шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун меъёр (нормативлар) асосидаги харажатлар бўйича ҳисобланади. Ҳисобот таннархи еса жорий йилда ҳақиқатда қилинган харажатлар ва олинган маҳсулот асосида аниқланади. Масалан, 2006 йил бошида бизнес режа тузишда 1-сентнер пахта етиштириш учун режа тузилса 2006 йилнинг декабр ойида 1-сентнер пахтанинг ҳақиқий таннархи ҳисоблаб чиқилади. Ҳақиқий таннарх ҳисобот таннархидан юқори бўлиши ҳам мумкин. Маҳсулот таннархи умумлаштирувчи кўрсаткич бўлиб, унда меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашганлиги интенсивлик даражаси тежамкорлик ишлаб чиқаришнинг механизациялашганлик даражаси, фан ютуқларидан қандай фойдаланаётганлиги ифодаланади. Маҳсулот таннархини даражасидан, корхонанинг ишлаб чиқариш келажагини белгилайди, яъни маҳсулот бирлиги таннархи, шу маҳсулот бозоридаги нархдан баланд бўлса, корхона зарар кўради ва корхона банкрот ҳолатига тушади. Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон халқ хўжалигининг енг муҳим тармоғи бўлиб, унинг

фаолиятини ташкил етиш ва бошқариш учун маълум миқдорда пул харажатлари, моддий харажатлар ва меҳнат сарф харажатларини амалга оширилади. Бу харажатларнинг Республика миқёсидаги миқдorigа жами ижтимоий харажатлар деб аталади. Ижтимоий харажатлар ижтимоий маҳсулот қиймати билан тенг.

Ижтимоий харажатларнинг таркиби қуйидагилардан ташкил топади:

1. ишлаб чиқариш воситаларида буюмлашган харажатлар, улар ўтган давр харажатларидир.

2. жонли меҳнат харажатлари улар ўзи учун янги қийматни яратади.

3. буюмлашган ва жонли меҳнатнинг уйғунлашуви натижасида жамият учун қўшимча қиймат яратилади.

Мамлакатнинг жами ижтимоий харажатлари булар давлат, тарқмоқ, корхона ва ташкилотлар миқёсидаги барча харажатларнинг йиғиндисидир. Тарқмоқнинг ижтимоий харажатлари улар индивидуал корхоналарнинг, ташкилотларнинг харажатлари йиғиндисидир. Шундай тарқмоқлардан бири қишлоқ хўжалигидир. Қишлоқ хўжалик корхоналари турли хилдаги маҳсулотларни етиштириш хизмат кўрсатиш ва ишларни бажариш учун моддий харажатларни амалга оширадилар. Уруғлик, кўчат, минерал ва маҳаллий ўғитлар, кимёвий воситалар, ёқилғи мойлаш материаллари озуқа ва йем-хашаклар, асосий воситаларнинг ескириш қиймати, ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ҳақи, маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар, кам қийматли, тез ескирувчан материаллар ва бошқалар.

Бозор иқтисодиёти шароитида тарқмоқда амалга ошириладиган харажатларнинг янги тартиби 1995 йил 1 январдан бошлаб жорий етила бошланди. Бу янги тартиб «маҳсулот ишлаб чиқариш иш, хизмат ва сотиш таннарларига қўшиладиган харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом»да Ўз ифодасини топган. Ушбу низом 1999 йилда чоп етилган. Ҳозирги даврда аграр соҳа амалга ошириладиган харажатлар доимий харажатлар ва ўзгарувчан харажатлардан ташкил топади. Доимий харажатларишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши билан боғлиқ емас. Масалан, айрим асосий воситаларнинг ескириш суммаси, яъни амортизация суммаси тўловлари ер учун тўланадиган ижара ҳақи ёки айрим асосий ишлаб чиқариш воситаларига тўланадиган ижара ҳақи ва бошқалар. Ўзгарувчан харажатлар еса ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмининг ўзгариши билан бевосита боғлиқ. Масалан, уруғликлар, минерал ва маҳаллий ўғитлар, кўчатлар меҳнатга тўланадиган иш ҳақи, чорвачиликда еса йем-хашак, озуқалар ва шунга ўхшаш харажатлар киради. Доимий ва өзгарувчан харажатларнинг ўзгариши янги техникаларни сотиб олиш билан самарали технологияларни жорий етиш, илғор

тажрибани амалга ошириш сермахсул чорва молларини яратиш кабилар билан бевосита боғлиқ.

Хўжаликларда амалга оширилаётган харажатлар маълум мақсадни ҳал этишга қаратилган, шундан келиб чиқиб, бу харажатлар қуйидагича гуруҳлаштирилган:


1. Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар; б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари (иш ҳақи); в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар.

2. Ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, лекин асосий фаолиятдан фойда ҳисобига олинадиган ҳамда давр харажатларига киритиладиган харажатлар. Бундай харажатлар жумласига қуйидаги харажатлар киритилади а) маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар; б) корхонани бошқариш харажатлари, яъни маъмурий сарф-харажатлар; в) бошқа операсион харажатлар ва зарарлар.

3. Хўжалик юритувчи субъектнинг умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишдаги молиявий фаолияти бўйича ҳисобга олинадиган харажатлар.

4. Фавқулодда зарар, даромад (фойда)дан олинадиган солиқ тўлангунга қадар фойда ёки зарар ҳисобга олинади. Ўз-Ўзидан маълум, харажатларнинг тежалиши фойданинг кўпайишига ва рентабиллик даражасининг юқори бўлишига олиб келади. Фойданинг кўпайиши еса хўжаликни кенгайтирилган товар ишлаб чиқариш асосида ривожлантириш учун имконият яратади.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот таннархи объектлари.



II усулда қўшимча ва ёндош маҳсулот илмий асосланган маълум коэффисиентлар орқали асосий маҳсулотга айлантирилади. Масалан,

Ғалла 1 сентнер қ 1,0 коэфф.

Сомон 1 сентнер қ 0,08 коэфф.

Дон чиқиндиси 1 сентнер қ 0,08 коэфф.

Сут 1 сентнер қ 1,0 коэфф.

Бузоқ 1 бош қ 1,5 коэфф.

Булар натижасида харажатлар ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига тақсимланади ва бир бирлик маҳсулотнинг таннархи аниқланади.

III усулда маҳсулотларнинг нархи асосида қилинган харажатлар тақсимланади.

IIII усулда ёндош маҳсулотнинг қиймати аниқланади ва қилинган харажатлар чиқариб (чегириб) ташланади. Қолган харажатлар асосий ва қўшимча маҳсулотларга тақсимланади.

2. Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархини ҳисоблаш таркиби

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархини ҳисоблаш тартиби. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархи маҳсулот бирлигига, яъни 1-сентнер пахтага, 1-сентнер гўштга (тирик вазнда), 1-сентнер ғаллага ва шунга ўхшаш ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатини жорий нархларда ҳисоблаш асосида аниқланади. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот таннархига қуйидаги харажатлар киради.

№	Харажатлар	Ўсимликчиликда	Чорвачиликда
1	Иш ҳақи қўшимчаси билан	+	+
2	Уруғчилик ...	+	-
3	Ўем-хашак...	-	+
4	Ёқилғи мойлаш материаллари...	+	+
5	Ўғит...	+	+
6	Заракунанда ва кассаликларга қарши кураш воситалари...	+	+
7	Асосий ишлаб чиқариш воситаларни саклаш (амортизасия) ...	+	+
8	Турли иш ва хизматлар...	+	+

Қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар таннархини аниқлашда харажатлар маълум гуруҳларга бўлиб аниқланади ва буни маҳсулот таннархи калкулясияси дейилади. Таннарх таркибини йиллар давомида таҳлил қилиб бориш иқтисодчиларга ҳам, хўжалик раҳбарларига ҳам мавжуд камчиликларни ва ишлаб чиқаришда фойдаланилмаётган имкониятларни очиб беради.

Ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишига қараб харажатлар тўғри харажатларга (бевосита) ва егри харажатларга (билвосита) бўлинади.

Бевосита харажатлар маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнида қатнашади ва таннархга тўғридан-тўғри киритилади. Масалан, Ўғитлар, уруғликлар, чигит, арпа уруғи чорвачиликда еса ем-хашак маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қатнашган ходимларнинг иш ҳақи ва шунга ўхшашлар. Лекин, қишлоқ хўжалигининг ўзига хослиги шундаки, унда бир ходим ёки бир техника бир йилдан

ва бир йилда бир нечта маҳсулот ишлаб чиқаришга хизмат қилади, бу харажатларни шу маҳсулотлар Ўртасида тақсимлаш маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради, Айниқса корхонани бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар алоҳида усул-методикани талаб қилади. Бу харажатлар бир маҳсулот турига тўғридан-тўғри кирмаганлиги сабабли уларни билвосита ёки егри харажатлар дейилади. Юқорида айтиб Ўтилганидек қишлоқ хўжалигида барча харажатлар бир гектар ерга, ёки бир чорва молига ҳисобланади. Масалан, 1-гектардан олинган маҳсулот миқдорича, 1-сентнар пахтага, 1-сентнер ғаллага ва шунга Ўхшаш маҳсулот миқдорига тақсимланади. Чорвачиликда еса бир бош молга қилинган харажатлар уни шу чорва молидан олинган маҳсулотга бўлинади. Масалан, олинган сутга, олинган гўштга ва ҳоказо. Бундай методика бир қараганда оддий туюлади лекин, аслида еса бу методика Ўзига хос қийинчиликларга ҳам ега. Масалан, қишлоқ хўжалигида бир ишлаб чиқариш жараёнида асосий маҳсулот қўшимча маҳсулот ва ёндош маҳсулот олинади. Мисол учун сутчиликка ихтисослашган қорамолчиликда бир бош сигирдан маълум миқдорда сут соғиб олинади. Бу ҳолда сут асосий маҳсулот ҳисобланади, шу сигирдан бузоғ ҳам олинади, бу бузоқ қўшимча маҳсулот ҳисобланади. Шу сигирдан бир йил давомида гўнг, яъни 6-7 тонна органик Ўғит ҳам олинади ва бу олинган Ўғит ёндош маҳсулот ҳисобланади. Лекин барча харажатлар бир бош сигирга қилинган ва натижада 3 хил маҳсулот олинган. Кўриниб турибдики, сутга, бузоққа ва гўнгга алоҳида харажат қилинмаган. Бундай ҳолда маҳсулот бирлиги учун таннархни ҳисоблаш Ўзига хос қийинчиликларга олиб келади.

Ўсимличиликда еса барча харажатлар 1-гектарга қилинади. Масалан, 1 гектар ерга чигит ёки ғалла екилади, ерни екиш учун тайёрланди уруғлик сарфланди, Ўғит берилди, суғорилди, ишлов берилди ва ҳосил йетиштирилгач йиғиштириб олинди. Дончиликда асосий маҳсулот дон ҳисобланади, қўшимча маҳсулот еса дон чиқидиси, ёндош маҳсулот сомон ҳисобланади. Ана шу маҳсулотларга харажатларни тақсимлаш керак. Бундай ҳолда бир неча усуллар билан маҳсулотларни таннархи аниқланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархи маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган ресурсларнинг харажатининг миқдорини жорий нархларда ҳисоблаш асосида аниқланади. Қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар таннархини аниқлашда харажатларни маълум гуруҳларга бўлиш зарурати бор ва ундан фойдаланилади.

Харажатларни гуруҳларга бўлиш маҳсулот таннархи калкуляцияси деб аталади. Калкуляция - қилинаётган харажатларни гуруҳларга, харажат моддаларига бўлишдир.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот таннархига қуйидаги харажатлар киради:

	Харажат моддалари	Ўсимликчи- ликда	Чорвачи-ликда
1.	Иш ҳақи қўшимчалари билан	+	+
2.	Уруғлик	+	-
3.	ем-хашак	-	+
4.	Ёқилғи-мойлаш материаллари	+	+
5.	Ўғит	+	+
6.	Зараркунанда ва касалликларга қарши кураш воситалари	+	+
7.	Асосий ишлаб чиқариш воситаларини сақлаш	+	+

8.	Иш ва хизматлар	+	+
----	-----------------	---	---

Таннархнинг таркибини йиллар давомида таҳлил қилиб Ўрганиб бориш иқтисодчиларга, хўжалик раҳбарларига мавжуд камчиликларни ва фойдаланилмаётган имкониятларни аниқлашга имкон беради.

Ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишига қараб харажатлар тўғри ёки бевосита ҳамда егри ёки билвосита харажатларга бўлинади.

Бевосита харажатлар маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашади ва таннархга тўғридан - тўғри киради. Буларга Ўғитлар, уруғликлар, ем - хашак, шу маҳсулотни ишлаб чиқаришда иштирок етганларнинг иш ҳақи ва бошқалар.

Лекин қишлоқ хўжалигининг Ўзига хослиги шундаки, унда бир ходим ёки бир техника воситаси бир йилда бир нечта маҳсулот ишлаб чиқаришга хизмат қилади. Уларнинг харажатларини ана шу маҳсулотлар Ўртасида тақсимлаш маълум қийинчиликлар туғдиради. Айниқса, корхонани бошқариш билан боғлиқ харажатлар бу борада алоҳида методикани талаб қилади. Бу харажатлар бир маҳсулот турига тўғридан - тўғри кирмаганлиги сабабли уларни билвосита ёки егри харажатлар деб юритилади.

Қишлоқ хўжалигида барча харажатлар 1 гектар ёки бир бош чорва ҳайвонига ҳисобланади. Бир гектар ердан олинган маҳсулот миқдорида шу бир гектар ерга кетган харажатлар миқдори тақсимланади. Чорвачиликда бир бош молга қилинган харажатлар уни шу чорва молидан олинган маҳсулотга бўлишйўли билан аниқланади. Бу бир қарашда анча тушинарлига Ўхшайди. Аслида еса бунда Ўзига хос қийинчиликлар мавжуд. Гап шундаки, қишлоқ хўжалигида бир ишлаб чиқариш жараёнида асосий, қўшимча ва ёндаш маҳсулотлар олинади. Масалан, сут қаромолчилигида бир бош сигирдан маълум миқдорда сут соғиб олинади. Бу ҳолда сут асосий маҳсулот ҳисобланади. Шу сигирдан бузоқ олинади. Олинган бузоқ қўшимча маҳсулот ҳисобланади. Шу сигирдан 5-6 тонна миқдорида органик Ўғит – гўн олинади. Бу маҳсулот ёндаш маҳсулот ҳисобланади. Барча харажатлар бир бош сигирга қилинган. Яъни, сигир боқилган ва натижада 3 хил маҳсулот олинган. Биз сутга, бузоққа ва гўнга алоҳида харажат қилган емасмиз. Бундай ҳолда маҳсулот бирлигининг таннархини ҳисоблаш Ўзига хос мураккабликни келтириб чиқаради.

Ўсимликчиликда еса барча харажатлар бир гектарга қилинади. Масалан, бир гектар ерга дон едик. Ерни тайёрладик, уруғлик сарфладик, Ўғит бердик, суғордик ва ҳосилни йиғиштириб олдик. Дончиликда асосий маҳсулот дон олинди. Қўшимча

махсулот-дон чиқиндиси ва ёндаш махсулот – самон олинди. Ана шу махсулотларга харажатларни тақсимлаш зарурати келиб чиқади. Бундай ҳолларда бир неча усул билан махсулотлар таннархи аниқланади.

Биринчи усул қўшимча ва ёндаш махсулот илмий асосланган маълум коэффициентлар орқали асосий махсулотга айлантириб олинади. Натижада харажатлар махсулот ҳажмига тақсимланади ва бир бирлик махсулот таннархи аниқланади. Кейин яна коэффициентлар ёрдамида қўшимча ва ёндаш махсулот таннархи аниқланади. Иккинчи усулда махсулотларнинг нархи асосида қилинган харажатлар тақсимланади.

Учинчи усулда ёндаш махсулотнинг қиймати аниқланади ва қилинган харажатлардан чиқариб ташланади. Қолган харажатлар асосий ва қўшимча махсулотларга тақсимланади.

3. Қишлоқ хўжалиги махсулотлари таннархини пасайтириш йуллари

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган махсулотларини таннархини пасайтириш энг муҳим масалалардан биридир, чунки махсулот таннархи қанчалик паст бўлса баҳо юқори бўлса, рентабеллик ҳам шунча юқори бўлади. Дехқончиликда махсулот таннархини пасайтириш йуллари қуйидагилардан иборат:

1) Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, чунки шуйўл билан ҳосилдорликни ошириш мумкин.

2) Регионга (вилоятга) мос шароитга тўғри келадиган, илмий асосланган қишлоқ хўжалигини юритиш.

3) Алмашлаб екишни тўғри жорий етиш, талаб ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда экин турларини мақсадга мувофиқ жойлаштириш.

4) Уруғчиликни яхшилаш ва селекция ишларинийўлга қўйиш.

5) Барча кимёвий воситалардан самарали фойдаланиш.

6) Минерал ва органик ўғитлардан фойдаланишни илмий асосда ташкил етиш.

7) Ишчи ходимларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини ошириб бориш.

8) Ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш териш йўли билан меҳнат унумдорлигини ошириш.

9) Экинларни парвариш қилишда илғор ва интенсив технологияларни қўллаш.

10) Ишлаб чиқариш фондларидан айниқса асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш.

11) Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва мақсадга мувофиқ жойлаштириш.

12) Агросаноат интеграциясини чуқурлаштириш ва АСМга кирувчи тармоқларнинг мутаносиб ривожлантириш.

13) Бошқарув тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан харажатларни камайтириш.

Юқоридагиларга риоя қилинса деҳқончилик соҳаси харажатларни камайтириб, рентабелликни оширишга еришиш мумкин. Қишлоқ хўжалигининг иккинчи асосий тармоқларидан бири бу чорвачилиқдир. Хўш, чорвачилиқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини қайсийўллар билан пасайтиришга еришиш мумкин, булар қуйидагилар:

1) Чорвачилиқнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, унинг сифатини ошириш ва арзон ем-хашак етиштириш.

2) Чорва молларининг зотини яхшилаш ва пода таркибини мақсадга мувофиқ сақлаш.

3) Чорва молларини боқишниинг интенсив технологияларидан фойдаланиш.

4) Чорвачилиқ маҳсулотларининг сифатини яхшилаш ва ошириш.

5) Ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва айрим жараёнларини автоматлаштириш (масалан, суғориш жараёнларини автоматлаштириш мумкин).

6) Ишлаб чиқаришда актив фондлардан самарали фойдаланиш.

7) Ишчи ходимларни манфаатдорлигини ошириб бориш.

8) Маҳсулотларнинг нобуд бўлишигайўл қўймаслик, айниқса йем-хашакларни яхши сақлаш ва озуқа рационига риоя қилиш.

Юқорида кўрсатиб ўтилганларга риоя қилинса чорвачилиқда яхши самарадорликга албатта еришилади.



9-Мавзу: Агросаноат мажмуаси тармоклари маҳсулотларининг нархлари.(баҳоси)

Режа:

1. «Нарх» тушунчаси, унинг моҳияти ва функциялари
2. Қишлоқ хўжалигида нархлар тизими

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни такомиллаштириш йўлида. Т.: 1995 йил. 88-102 бетлар. Нархларни эркинлаштириш ва бозор инфраструктурасини мойиллаштириш.
2. Абдуғаниев Абдулутиф, Абдуғаниев Абдуғаффор Абдулатипович. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Т.: 2004 йил. ХИИ боб, 242-253 бетлар.
3. Ҳакимов Рашид ва бошқалар. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Т.: 2004 йил. ХИИ боб. 84-87 бетлар.

1. «Нарх» тушунчаси, унинг моҳияти ва функциялари

Нарх – маҳсулот қийматининг пулда ифодаланишидир. Бу ерда қиймат қонуни амал қилади. Нархнинг талаб ва таклиф асосида қиймат атрофида ўзгариб туриши қиймат қонунининг мазмунини ифодалайди.

Нарх иқтисодий категориядир ва ўзида барча омилларни ифодаловчи мураккаб категория ҳисобланади. Айрим иқтисодий АДАБИЁТЛАРда «баҳо» айримларида еса «наرخ» деб ёзилган, мазмун жиҳатдан бу сўзлар бир маънони англатади. Лекин бу сўзлар моҳиятидан бир нарсани биламиз. Баҳо (наرخ) товар қийматининг пулдаги ифодасидир, яъни механизмидир. Баҳо орқали талаб ва таклифдаги реал мувозанат ўрнатилади, демак таклиф кўп бўлса баҳо арзонлашади, таклиф оз бўлса баҳо қимматлашади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб ҳозирги даврда қуйидаги омилларга боғлиқ:

1. истеъмолчиларнинг даромади (хоҳишига);
2. харидорлар сонига;
3. ўриндош товарларнинг баҳосига (ўриндош товарларга сарийёғ, яъни сигир қаймоғидан тайёрланган ёғ, унинг нархи маргарин ёғига нисбатан анча қиммат бўлади, шу сабабли истеъмолчи сарийёғ ўрнига маргарин ёғини сотиб олиши мумкин. Ва шу бошқа ўриндош товарларни мисол келтириш мумкин).

Маҳсулотларга бўлган талабни ўрганишда халқимизнинг миллий урф-одатларини, албатта, еътиборга олиш керак. Масалан, Ўзбекларнинг нонга мойиллиги, гуручга, ун маҳсулотларига, қўй ва мол гўштини кўпроқ истеъмол қилишлари шулар жумласидандир.


Қишлоқ хўжалик корхоналари ўз маҳсулотларини талабни еътиборга олган ҳолда таклиф етишлари мумкин. Бунда корхоналар қуйидаги омилларга асосланишлари лозим:

1. йетиштириладиган маҳсулотларнинг баҳосига,
2. ишлатиладиган ресурслар баҳосига,
3. қўлланилаётган технологиялар даражасига,
4. технологияларнинг самарасига,
5. солиқ ставкасига.

Юқоридаги ҳолатларга асосланган ҳолда қишлоқ хўжалиги тармоғида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг баҳоларини, сарфланган меҳнат ва хизматларнинг баҳоларини қуйдагича тартибда шакллантиришга еътибор берилади.

1-чизма

Қишлоқ хўжалик корхоналарида баҳонинг шаклланиши



Демак, таклиф ва талаб омиллари ва корхоналарнинг мақсадларини еътиборга олган ҳолдагина мувозанатлашган баҳо шаклланади. Мувозанатли баҳо еса иқтисодий жиҳатдан асосланган ҳисобланади. Маҳсулотга бўлган бозор талабини ҳамда баҳонинг шаклланишини инобатга олган ҳолда белгиланган мувозанатли баҳолари хўжалик нуктаи назаридан қуйидаги вазифаларни бажарилиши лозим:

а) хўжаликларнинг мақсадга мувофиқ, самарали ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини қоплаш;

б) хўжаликнинг давр харажатларини қоплаш;

в) хўжаликка келажакда ривожланишини таъминлайдиган оптимал миқдорда фойда келтириш.


Мувозанатли баҳолар истеъмолчилар ҳамда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг харажатларини, даромадларини, фойдаларини тўғри тақсимлаб, уларнинг иқтисодиётини барқарорлаштириш ва ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатиши мумкин. Лекин маҳсулот ишлаб чиқарувчилар «монополист», сотиб олувчилар «олигополист», яъни унга кўп бўлмаган сотувчилар, бундай ҳолда маҳсулот баҳоларининг мутлоқ даражаси кескин ўзгариб, истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодиётига турлича таъсир етиш мумкин. Масалан, 2001 йилда сув танқислиги сабабли шоли ҳосили кескин камайди, бу еса 2002 йилнинг дастлабки ойларида бозорларда гуручнинг баҳосини 2-3 мартага ошиб кетишига олиб келди.

Натижада ишлаб чиқарувчиларнинг даромадлари ортади, истеъмолчиларнинг даромадлари еса аксинча камаяди. Бундай ҳол уларнинг турмуш даражаси нисбатан пасайишига олиб келди. Пахта ҳосилини йетиштиришда еса харажатлар вилоятлардоирасида, туманлар бир-биридан анча фарқ қилади. Бунинг сабаби ерларнинг мелиоратив ҳолатидир. Масалан, ернинг мелиоратив ҳолати ёмон бўлса, ишлаб чиқариш харажатлари кўп бўлади, чунки ишлаб чиқариш воситаларни соиб

олиш, уларни узоқ масофага олиб бориш билан боғлиқ бўлган харажатлар кўп бўлади, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун ҳам харажат қилинади.

2-жадвал.

Бозор шароитида баҳонинг функциялари, вазифалари




Лекин давлат пахта ҳам ашёсини сотиб олиш бўйича харид баҳоларининг мутлоқ миқдори республика ҳудудларида бир хил. Бундай ҳол мелиоратив жиҳатдан ёмон бўлган қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодиётига салбий таъсир этади, чунки сўнгги йилларда йетиштирилган пахта хомашёси тўлиқ давлатга давлат буюртмалари ҳамда шартномалар асосида сотилмоқда.

Бундай шароитда, иқтисодий жиҳатдан асосланган мувозанатли баҳоларни шакллантиришда қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб ва таклифни еътиборга олиш лозим. Бунда давлатнинг ҳам роли бўлиши керак.

(Иқтисодий жиҳатдан асосланган мувозанатли баҳонинг функцияларини (вазифаларини) 2-жадвалда кўриш мумкин).

2. Кишлоқ хўжалигида нархлар тизими

Барча маҳсулотларга бўлган талабларни қондириш мақсадида турли хилдаги Ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Уларни истеъмолчиларга йеткизиб беришда еса, яъни сотишда турли баҳолардан фойдаланилади, жумладан, булар 2-чизмада келтирилган.



2-чизма

Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалик корхоналарида етиштирилаётган пахта хомашёсининг 30 % «Ўзпахтасаноатотиш» уюшмасига қарашли корхоналарига ва доннинг 30 % «Ўздонмахсулот» корпорацияси корхоналарига шартнома асосида давлат буюртмаларини бажариш мақсадида давлат харид баҳоларида сотилмоқда. Бу баҳоларнинг мутлоқ миқдори талаб ва таклиф инобатга олиган ҳолда ўзгариб бормоқда. Масалан, агар 1995 йилда бир сентнер пахта хом-ашёсининг давлат харид нархи 800 сўм бўлган бўлса, 2000 йилда бир сентнер пахтанинг давлат харид нархи – 5200 сўм бўлган, 2001 йилда – 8000 сўм, 2002 йилда – 10460 сўм бўлган. Демак,

пахта хом ашёси бўйича давлатнинг харид нархи 1995-2002 йилларда 13,1 марта ошган.

Бошоқли доннинг бир сентнер давлат харид нархи 1995 йилда 250 сўм бўлган бўлса, 2000 йилда 2181 сўм, 2001 йилда 3360 сўм ва 2002 йилда 5295 сўм бўлган ёки 1995 йилга нисбатан 21,2 марта ошган.

Пахта хом ашёсининг харид нархлари унинг саноат навлари бўйича синфлари ва толасининг типлари бўйича ҳам белгиланади. Масалан, Ўрта толали пахта нави хом-ашёнинг 1-нави 2-синфга талукли бўлиб, толасининг типии ИВ бўлганда, унинг харид нархи 7-типдагига асосан нисбатига 23,5 фоизга юқори баҳода сотилади. Бошоқли донларнинг ҳам харид корхоналари уларнинг сифатларига қараб ўрнатилган, яъни маҳсулот сифати қанча юқори бўлса, унинг харид баҳоси ҳам юқори бўлади. Баҳолар рағбатлантирувчи вазифани бажариши лозим, республикамиз ҳукумати еса бу масалага алоҳида еътибор бермоқда ва бу яхши иқтисодий натижалар бермоқда. Масалан, давлат хўжаликларини рағбатлантириш мақсадида Ўз буюртмаси учун буғдойнинг харид нархларинин ошириши, буғдой ялпи ҳосилнинг ошишига ижобий таъсир етмоқда.

Қишлоқ хўжалик корхоналари Ўз маҳсулотларини давлат буюртмасидан ташқарии эркин баҳоларда ва бошқа турдаги баҳоларда сотмоқда. Эркин баҳолар бозорда маҳсулот сотувчи ва уни сотиб олувчи Ўртасида иқтисодий манфаатлар асосида ва бозор талаби-таклифи асосида шаклланади, яъни белгиланади. Бу баҳо тармоқларнинг маҳсулотни олди-сотди муносабати бўйича тузилган шартномаларда Ўз аксини топади, шу сабабли эркин баҳолар шартнома баҳолари деб ҳам юритилади. Унинг абсолют миқдори маҳсулотнинг сотиш даврига, унга бўлган талаб ва маҳсулотнинг сифатига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида эркин (шартнома) баҳоларининг мутлақ миқдори, аграр соҳада фойдаланилаётган ишлаб чиқариш воситалари баҳоларининг Ўсиши натижасида маҳсулотларга нисбатан талабнинг ошиб бориши натижасида сўнгги йилларда маҳсулот баҳоси ошиб Ўзгариб бормоқда. Буни Ўзбекистон Қишлоқ ва Сув хўжалиги вазирлиги маълумотларидан ҳам кўриш мумкин (2-жадвал).

Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жаҳон бозорларида ҳам сотилмоқда. Баҳоларни мутлақ (абсолют) миқдори жаҳондаги ихтисослашган йирик биржаларда белгиланиб, маҳсулот экспорт ива импорти шартномаларида акс еттирилади. Бу маҳсулотларнинг даражасига жаҳондаги йирик товар ишлаб чиқарувчилар ва йирик сотиб олувчилар ва бу маҳсулот баҳоларининг барқарорлигини омиллари ҳам таъсир етади. Масалан, 2001 йил сентябрда Америкада содир етилган воқеалар жаҳон миқёсида нефть баҳосини ошиб кетишига сабаб бўлган бўлса, пахта толасининг баҳоси пасайиб боришига олиб келди, гуруч

ва буғдойнинг баҳоси ҳам Ўзгариб турибди, буни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

1-жадвал

Айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги баҳоси (1990 йил баҳосида, Ўртача тонна/доллар)

Товарлар	Йиллар						2001й.да 1990й.дагига нисбатан,фоиз
	1990	1997	1998	1999	2000	2001	
Пахта толаси	1819	1613	1387	1131	1232	1163,5	≈64,0
Буғдой	135,5	147,2	121,1	108,2	114,9	119,9	88,5
Гуруч	270,9	280,0	291,9	239,9	244,9	248,2	91,6

Пахта толасининг Ўртача жаҳон баҳоси асосан Нью-Ёрк ва Ливерпул хомашё товар биржаларидаги савдода белгиланади. Масалан, 1990-2002 йилларда пахта толасининг жаҳон бозоридаги баҳоси 40 фоизга яқин пасайган бўлса, буғдой билан гуручнинг баҳоси еса 8-12 фоизга пасайган, бундай ҳолга сабаб, буғдой билан гуручнинг Ўриндошлик маҳсулотларига бўлган талаб билан қондирилган, пахта толасининг Ўрнини бошқа маҳсулотлар билан қондириш анча яхши.

Қишлоқ хўжалик корхоналари Ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш мақсадида йетиштирилган маҳсулотларнинг бир қисмини қайта ишлайдилар, масалан, уруғлик учун буғдой ҳосилидан уруғлик етиштирадilar. Чорвачилик соҳасида еса йем-хашак тайёрлайдилар ва шунга Ўхшаш маҳсулотлар ички муносабатларни ҳисобга олиб, бу маҳсулотлар таннарх бўйича беилади.

2-жадвал

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг Ўртача эркин баҳолари*

Маҳсулот турлари	1 с. сотиш баҳоси, сЎм				
	1997 й	1998 й	1999 й	2000 й	2001 й

Бошоқли дон	1123	1503	2381	2983	4608
Шу жумладан, бугдой	1018	1332	2106	2845	4482
Картошка	1463	1748	2908	4086	6263
Пахта	1986	2408	3539	567	851
Сабзавот	451	725	874	1591	2250
Полиз	265	374	536	887	1242
Мева	647	915	1545	2175	3337
Узум	936	1346	2195	2598	3519
Сут	1419	1884	2691	4801	7629
Гўшт (тирик вазнда)	6409	10260	15500	24988	38092
Жун	2160	2542	4593	10759	16169
Асал	15380	18693	30720	66398	92523
Пилла	7117	14709	8757	32300	46018

* Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Шу сабабли ҳам бундай баҳоларга таннарх баҳолари дейилади.

Чакана баҳолар хўжаликлар маълум миқдордаги ортиқча маҳсулотларини аҳолига сотиладиган баҳоларидир. Ҳар бир фуқаро хоҳлаган миқдордаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бозордан, савдо дўконларидан сотиб олиши ҳам мумкин, бу жараёнда фойдаланилган баҳоларга ҳам чакана баҳолар дейилади. Чакана баҳолар савдо жараёнида сотиляётган товарларнинг баҳоси. Чакана баҳолар орасида улгуржи савдо корхонаси ва чакана савдо корхонаси сотиб олган товарларнинг баҳоси ётади. Бундай савдо корхоналари улгуржи баҳоларга савдо устамасини қўядилар ва шу устама ҳисобидан қилинган ҳаракатлар қопланади ва фойда олинади. Савдо устамасининг миқдорини савдо корхоналарининг ўзлари белгилайдилар, лекин савдо устамаси белгиланганда маълум чегарадан ўтмайдилар, акс ҳолда товар сотилмасдан қолиши ҳам мумкин. Савдо устамасига қўшимча қиймат ва махсус солиқ ҳам қўшилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодиётини бир неча йиллар давомида ўрганилганда қиёсий баҳолардан фойдаланилади, қиёсий баҳолар асосида мамлакат миқёсидаги маълум бир йилнинг ҳақиқий ўртача баҳоси ётади. Қиёсий баҳолар таққослама баҳолар деб ҳам юритилади. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда 1996 йилдаги ҳақиқий баҳолар олинган.

Келажакда еса таққослама баҳо учун инфляцияси ва бошқа асосий иқтисодий масалаларни инобатга олиб, бошқа йилнинг ҳақиқий баҳоси асос қилиб олиниши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот айрибошлашда пул ўтказиш операциялари маълум даражада бузилиши сабабли айрим маҳсулотлар натура ҳолида бартерйўли билан айирбошлаш ҳам амалга оширилмоқда. Маҳсулотларни айирбошлашда эквивалентлик ҳолатини таъминлаш учун еса шу маҳсулотнинг баҳолари инобатга олинмоқда. Лекин бартер жараёнида корхоналар ўз мақсадларига еришсалар, бундай ҳолатда давлат маълум миқдорда даромад ололмай қолади, чунки бартерда маҳсулотнинг қиймати пулда ҳисобланмайди, оқибатда давлат бюджетига фойдадан олинадиган солиқ тўланмайди.

Смета ва тариф баҳолари ҳам мавжуд бўлиб, булар қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан қурилиш ишлари, транспорт ва маиший хизматлар кўрсатилганда бундай хизматлар смета ва тариф баҳоларида ҳисоб-китоб қилинади.

Трансферт баҳолари ҳам мавжуд, бундай баҳолар бир хил бирлашма ичида ёки корпорация ичида бўладиган ҳисоб-китобларда қўлланилади.

Трансферт баҳоларнинг мутлақ миқдори бозор иқтисодига ўтиш даврида талаб ва таклифдан, фан-техника тараққиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзгариб бормоқда. Масалан, буни пахта хомашёси учун ўрнатиладиган давлат харид баҳолари ҳам исботлаши мумкин.

Фан-техника тараққиёти шароитида талаб ва таклиф ўзгаришини еътиборга олиб баҳоларнинг мутлақ миқдорини ўзгартириш, такомиллаштириш, яъни либераллаштириш муҳим мураккаб масаладир ва унинг ижобий ҳал етилиши кўп ҳолатларга боғлиқ. Айниқса бу масалани ҳал етишда давлатнинг роли жуда катта аҳамиятга ега. Шунинг учун бу жараёнда агросаноат мажмуасини ривожлантиришда қўлланилаётган баҳо ва молия-кредит сиёсати қуйидаги вазифаларни ечишга йўналтирилган бўлиши керак:

1. Давлатнинг истеъмол моллари билан ўз-ўзини таъминлашни тезлаштириш;
2. Қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари ўртасидаги эквивалентлик муносабатларини таъминлаш;

3. Қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчиларининг даромадларини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлайдиган даражада рағбатлантириш;

4. Аграр соҳада фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилишда кўмаклашиш;

5. Давлат ичида ягона иқтисодий режани ташкил қилиш, яқин ва узоқ хориж мамлакатларига чиқиш вазифаларини ҳам ечиш.

Бозор иқтисодиётида баҳо муносабатлари қуйидаги тамойилларга асосланиши керак:

1. Эркин баҳоларни давлат томонидан бошқариладиган баҳолар билан уйғунлаштириш;

2. Таклиф қилинаётган маҳсулотларнинг баҳоларини ҳисоблашда норматив усуллардан фойдаланиш;

3. Товар ишлаб чиқарувчиларнинг даромад олишларини таъминлаш;

4. Ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва самарадорлигини ошириш;

5. Баҳо ва молия-кредит муносабатларининг ўзаро алоқасини оптималлаштириш;

6. Талаб ва таклиф таъсири натижасида мувозанатли баҳоларни шакллантириш;

7. Фан-техника тараққиётини ва илғор технологияларни рағбатлантириш.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳоларини белгилашда монополиянинг ва олигополиянинг мавжудлиги, эркин рақобатнинг нисбатан камлиги, инфляциянинг мавжудлиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олишда маълум даражада монополия юз бераётганлигини ҳам инобатга олиш зарур.

Маълумки, қишлоқ хўжалик корхоналарида етиштирилган пахта хомашёсининг асосий қисмини «Ўзпахтасаноаотиш» уюшмаси сотиб олмоқда, бу еса маълум даражада эркин бозорнинг, яъни рақобатнинг мавжуд емаслигини билдиради.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ўзларининг маҳсулотларига дастлабки баҳоларни белгилашда қуйидагиларга асосланиши мақсадга мувофиқ бўлади:

Маҳсулотларни етиштириш учун зарур бўлган моддий-техника ресурслари баҳоларининг даражасига, чунки ҳозирги даврда моддий-техника ресурслари эркин бозор баҳоларида сотилмоқда, лекин бу эркин баҳоларни белгилашда республика шароитида монопол ҳолат мавжуд. Масалан, республикада машинасозлик, транспортсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводлари ўз товарларини

қишлоқ хўжалик корхоналарига сотишда яккаҳокимлик қилмоқда, анна шу масалани еишда давлатнинг роли бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги даврда тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархлари таркибида Ўғитларнинг, кимёвий воситаларнинг, мойлаш материалларнинг салмоғи асосий воситалар амортизацияси 45-55 %ни ташкил етмоқда, бу ҳам маҳсулот таннархини қимматлаштиради, бу тўғрисида ҳам маълум бир фикрга келиш зарур.

ХУЛОСА

Нарх (баҳо) иқтисодий категория ҳисобланиб, унинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти беқиёс. Нарх бозор иқтисодиётининг асосий дастагидир. Маҳсулот қийматининг пулда ифодаланиши, маҳсулот баҳоси, деб юритилади.

Унинг даражаси ҳар қандай маҳсулотнинг рақобат шароитида яшаб қолишини белгилайди. Иқтисодий асосланган нархлар қилинган харажатларни тўлиқ қоплаши ва маҳсулотини ишлаб чиқариб сотувчи маълум миқдорда фойда олишни таъминлаши лозим. Лекин маҳсулот нархи унинг қийматидан катта бўлмаслиги талаб қилинади. Албатта, баъзан талаб ва таклиф таъсирида маҳсулотларнинг нархлари уларнинг қийматидан баланд бўлиши, бундай ҳолат қисқа муддат давом етиши мумкин. Маҳсулот нархи унинг қийматидан узоқ муддат баланд бўлиши мумкин емас.

НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. «Нарх» тушунчаси нимани англатади? Унинг моҳияти нимада?
2. Нархнинг функциялари ва вазифалари нималардан иборат?
3. Иқтисодий асосланган нархлар деганда нима тушунилади?
4. Қишлоқ хўжалигидаги нархлар тизими нималарни кўзда тутади.

12-Мавзу: Кишлоқ хўжалигида капитал қўйилмалар (инвестирлар) ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги.

Режа:

1. Капитал қўйилмалар, уларнинг турлари ва аҳамияти
2. Капитал қўйилмаларнинг кишлоқ хўжалигидаги тутган урни
3. Инвестицияларни иқтисодий самарадорлигини баҳолаш
4. АСМ тармоқларини ривожлантиришда хорижий инвестицияларни жалб этиш йўналишлари.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида “Хавфсизликка таҳдид, барақарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” Тошкент. 1997 йил 188-211 бетлар
2. Абдуғаниев Абдулатиф, Абдуғаниев Абдуқаҳҳор. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Тошкент 2004 йил дарслик 9-боб. 166-196 бетлар

1. Капитал қуйилмалар, уларнинг турлари ва аҳамияти

Капитал қуйилмалар (инвестициялар) ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий формацияларда амалга оширилади. Чунки улар давлатни, тармоқни, корхоналарни ва аҳолининг иқтисодий негизини мустаҳкамлашга сарфланади. Бозор иқтисодиёти Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида капитал қуйилмалардан (инвестициялардан) фойдаланишни объектив зарурият ҳисобланади. Чунки тармоқни устивор шаклда ривожлантириш учун унинг моддий техника базасини мустаҳкам барпо етиш зарур. Бунинг учун замонавий техникалар қишлоқ хўжалиги учун механизмлар ирригасия ва мелиорация иншоотлари бино-иншоотлар серунум ва тезпишар навлар, зотли ва маҳсулдор ҳайвонлар, айланма воситаар билан таъминлаш зарур.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситаларига сарфланадиган барча маблағларга инвестициялар деб аталади.

Инвестицияларнинг мақсади аграрсоҳанинг моддий – техника базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизасиялаштириш, электрлаштириш, йетиштирилаётган маҳсулотларнинг ҳажмини кўпайтириш сифатини яхшилаш, олинadиган фойда миқдорини кўпайтиришдир.

Шуларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистонда “Инвестиция фаолияти тўғрисида”, “Чет ел инвестициялари тўғрисида” 1998 йилда қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган ва улар амалга оширилмоқда.

Инвестициялар мақсад ва вазифаларга кўра қуйидаги турларга бўлинади:

- а) Капитал инвестициялар
- б) инновацион инвестициялар
- в) ижтимоий инвестициялар

а) Асосий фондларни барпо етишга такрор ишлаб чиқаришни амалга оширишга моддий ишлаб чиқаришнинг барча шакллари ривожлантиришга сарфланган инвестициялар капитал инвестициялар деб аталади.

б) Техникалар, технологияларнинг янги авлодини яратишга ва улар инвестицияларга инновацион инвестициялар дейилади.

в) Инсон салоҳиятини, масаласини ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, номоддий неъматларнинг бошқа шакллари ривожлантиришга сарфланган маблағларга ижтимоий-инвестициялар дейилади.

Инвестициялар реал ва молиявий инвестицияларга бўлинади. моддийлашган, асосий воситаларга айланма воситаларга сарфланган маблағларга реал инвестициялар дейилади.

Қимматли қоғозларни шакллантиришга сарфланган маблағларга молиявий инвестициялар дейилади. Масалан, аксиялар, сертификатлар, вексел ва облигацияларни шакллантиришдаги инвестициялар молиявий – инвестициялардир.

Реал инвестицияларни капитал қуйилмалар деб ҳам аташ мумкин. Капитал қуйилмалар ялпи капитал қуйилмаларга ва соф капитал қуйилмаларга бўлинади.

Реал инвестицияларнинг умумий суммаси ялпи (жами) капитал қуйилмаларини ташкил этади.

Реал инвестицияларни сарфлаш натижасида ишга туширилган қисми соф капитал қуйилмалардир. Соф капитал қуйилма ялпи капитал қуйилма суммасига тенг бўлиши ҳам мумкин ёки кам ҳам бўлиши мумкин.

Қишлоқ хўжалигида ялпи капитал қуйилмани соф капитал қуйилмага айлантиришга алоҳида еътибор бериш керак, чунки сарфланаётган реал инвестициялар моддийлаштирилган тақдирда самара беради. Миллий ҳисоблар тизимида асосий капиталга ва моддий ишлаб чиқариш воситаларига сарфланган маблағлар реал инвестициялар деб ҳисобланади.

Лекин Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатлари сўкин суръатлар билан ривожланаётганлиги молиявий инвестицияларнинг кўламини талаб даражсида таъминлай олмаяпти, сабаб фермер хўжаликларида илғор ширкат хўжаликларида қимматли қоғозлар ки акциялар, облигациялар, сертификатлар ва векселлар чиқарилиб ютилаётгани йўқ. Шунинг учун ҳам келажакда бу муҳим ишни ҳал етиш ўрганиш ижобий самарасини беради.

Давлатнинг иқтисодий сиёсатида қишлоқ хўжалиги корхоналарида ҳам қимматли қоғозлар бозорини ташкил этиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва бу тадбирлар амалиётга татбиқ этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицион сиёсатни шакллантиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш керак:

1) Тендер асосида рақобатбардош лойиқаларни ташлаш зарур, чунки бу қишлоқ хўжалигида инвестицион лойиҳалар бозорини барпо этилишини таъминлайди;

2) Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган инвестицияларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланганлиги. Қишлоқ хўжалиги табиий-иқтисодий омилларининг хусусиятлари реал ҳисобга олинган ҳолда иқтисодий – ижтимоий натижалари аниқланган бўлиши керак. Чунки акс ҳолда лойиҳада белгиланган маблағлар кўзда тутилган тадбирларни бажариш учун йетмайди ва мақсадга ҳам еришилмайди.

3) чет ел инвестицияларини ва уларнинг инвестицияларини қишлоқ хўжалигида жалб этишга. Бунинг учун еса қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаралаётган барча маҳсулотларга бўлган шахсий ва хусусий мулкчиликни ривожлантириш лозим.

Шундай қилиб барча омилларни эътиборга олиб, сарфланадиган инвестициялар қишлоқ хўжалигининг мустаҳкам моддий техника базасини барпо этади, яъни қишлоқ хўжалиги замонавий моддий техника базасини барпо этади, бу еса замонавий тракторлар, комбайнлар, машиналар ва бино-иншоотлар билан таъминлайди, янги боғзорлар, узумзорлар, зотли сермахсул чорва моллари яратилади.

Булардан ташқари капитал қуйилмаларнинг халқ хўжалигида аҳамиятини, шу жумладан қишлоқ хўжалигидаги аҳамиятини қуйидагилардан ҳам билиш мумкин:

Биринчидан: капитал қуйилмалар жами харажатларининг асосий қисми ҳисобланади, аҳолининг бандлигини ва ялпи миллий даромад ҳажмининг кўпайишини ҳам таъминлайди.

Иккинчидан: Капитал қуйилмалар корхонанинг асосий фондлари жамғарилишига, яъни кўпайишига олиб келади, бироқ бу корхона фаолияти натижаларига таъсир етмаслиги мумкин, лекин келажакда иқтисодий ўсиш учун зарур базани яратади.

Учинчидан: Капитал қуйилмаларнинг ноўрин сарфланиши ишлаб чиқариш ресурсларини ва харажатларининг ўсишига ҳам олиб келади, натижада ялпи миллий

махсулот ҳажми қисқаради, масалан, тугатилмаган қурилиш, моддий ресурсларнинг ошиб кетиши, иш ҳақининг кўпайиши ишлаб чиқаришнинг қисқариши кабилар шулар жумласидандир.

Капитал қуйилмаларнинг миқдори, динамикаси ва самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

1. Капитал қуйилма амалга оширилаётган лойиҳага;
2. мамлакатдаги ва корхона фаолиятидаги иқтисодий ўзгаришга;
3. давлатнинг солиқ сиёсати ва банкларнинг фоиз ставкасига
4. ташқи савдодаги иқтисодий ҳолатга
5. миллий валютанинг ички ва ташқи курсига
6. мамлакатнинг сиёсий ҳолатидаги барқарорлигига

Шундай қилиб, капитал қуйилмаларнинг – инвестицияларнинг аҳамияти шундаки, қишлоқ хўжалигининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайди, чунки улар евазига тармоқнинг моддий – техника базаси мустаҳкамланади, улардан самарали фойдаланилса, жонли меҳнат харажатлари қисқариб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, сифати яхшиланади, бу еса қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабни янада яхшироқ қондирилишини таъминлайди, соф фойда суммаси кўпаяди, натижада қишлоқ хўжалигини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида ривожлантиришга имконият яратади.

2. Капитал қуйилмаларнинг қишлоқ хўжалигидаги тутган урни

Аграр соҳанинг бир қатор ривожланиши тармоқда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш воситалари оқилона тарзда такрор ишлаб чиқарилишини талаб этади. Бу еса ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш, қайта таъмирлаш, қуриш, инновацион ва ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан ташкил топади.

Барча инвестициялар (капитал қуйилмалар) иккита йирик манбадан шакллантирилиб амалга оширилади:

1. Корхонанинг ўз маблағларидан
2. Четдан жалб қилинган маблағлардан

1) Корхонанинг ўз маблағларига қуйидагилар киради.

а) Корхонанинг соф фойдасидан ажратиლაётган маблағлар

б) амортизасия фондидаги маблағлар

в) асосий воситаларни тугатишдан, сотишдан келиб тушган маблағлар

г) асосий воситаларни ижрага беришдан тушган маблағлар

д) қимматбаҳо қоғозлар чиқариб сотиш, бошқаларникини сотиб олиш натижасида олинаётган дивидентлардан ажратилаётган маблағлар.

Юқори рентабелли корхоналар ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш мақсадида капитал қуйилмаларни амалга бўлади.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик корхоналари учун капитал қуйилмалар манбаи бўлиб чорва молларини ютишдан тушлик маблағлар, Устав фонди кўпайтириш учун қилинган аноритмалар ҳам ҳисобланади. Четдан жалб қилинган маблағлар бўлади:

1. Қишлоқ хўжалиги учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;
2. Ҳамкорликдан олинадиган маблағлар;
3. Турли хил қарзлар, шу жумладан, тижорат банкларидан олинадиган кредитлар;
4. Хўжалик аъзоларининг бўш ётган маблағларини жалб етиш;
5. Хорижий корхоналар, давлат корхоналари ҳамда шахсий корхоналар ва фуқароларнинг маблағлари;
6. Хайрия фондларидан, ҳомийлар ажратаётган маблағлар ва бошқалар.

Четдан жалб қилинган маблағлар орасида банк кредитлари алоҳида ўринга ега. Улар ишлаб чиқариш фаолияти натижаларидан қатъий назар, корхоналар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда капитал қуйилмаларни амалга оширишга имкон беради. Кредитлар капитал қуйилма манбаи сифатида фақат капитал қурилиш ишларида емас, балки лели техникани сотиб олишда ҳам ишлатилади.

Капитал қуйилмаларнинг асосий вазифаси қишлоқ хўжалигида маҳсулотни кўпайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўқиш суръатларини тезлаштиришни таъминлашдир.

Капитал корхона молиявий натижаларининг бир қисми бўлиб, айланма фондларга ҳам қўйилиб даромад келтиради.

Инвестицияларнинг мақсади, вазифалари манбалари ва йўналишлари бўйича туркумлаштириш



Изоҳ: венгур – асосан инновасион банкларнинг илмий-техникавий ишларни молиялаштириш

Лекин шу нарса муҳимки, инвестиция қилишда корхона ўз маблағларидан имкони борича фойдаланса, катта устунликка еришади, биринчидан корхонада ташқи тўловлар бўлмайди, яъни олинган кредитлари учун фоизлар тўламайди, иккинчидан корхона бошқаришда ўзининг мустаҳкам позисиясига ега бўлади.

Хўжаликда четдан келиб қилинадиган маблағарнинг манбаларидан яъни бири-хўжалик аъзоларининг вақтинча бўш маблағларини жалб этишдир.

Қишлоқ хўжалигига капитал қуйилмаларни сарфлашдан мақсад – қўшимча фойда олиш ва аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш. Капитал қуйилмаларнинг ва аҳоли турмуш даражасини лойиҳалар тузишда ва бу лойиҳаларни амалга оширишда аниқлаш мумкин. Бунинг учун еса капитал қуйилмаларнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланади. Иқтисодий самарадорлик еса харажатлар билан олинган фойдани таққослаш натижасида аниқланади, бу аниқлаш қуйидагича бўлади:

- а) Макроиқтисод яъни мамлакат миқёсида аниқлаш
- б) мезоиқтисод яъни қишлоқ хўжалиги тармоқлари миқёсида аниқлаш
- в) микроиқтисод яъни қишлоқ хўжалик корхоналари доирасида аниқлаш
- г) айрим йўналишлар ва объектлар бўйича аниқланади.

Макро ҳамда мезоиқтисод миқёсида инвестицияларнинг (капитал қуйилмаларнинг) иқтисодий самарадорлиги уларнинг мутлақ (абсолют) итисодий самарадорлиги коэффисиенти кўрсаткичи ёрдамида ифодаланади. Унинг даражаси сарфланган инвестициялар натижасида ялпи ички маҳсулотнинг ўсган суммасига (неча миқдорда ўсганлигини) шу ўсишни таъминлаган инвестиция суммасига нисбати билан аниқланади. Буни қуйидаги формулада ифодалаш мумкин:

$$I_s = \frac{YaIM}{\sum IS} = \frac{YaD}{\sum IS};$$

бунда Ис-инвестицияларнинг абсолют итисодий самарадорлик коэффисиентик

ЯИМ – макро, мезоиқтисод миқёсда маълум бир давр ичида ялпи ички маҳсулотнинг ўсган суммаси (сўм ҳисобида)

$\sum IS$ - инвестиция ёки сарфланган капитал қуйилма суммаси

ЯД – қишлоқ хўжалигида яратилган ялпи даромад, чунки иқтисодий самарадорликни аниқлашда ялпи даромаднинг ўсган суммаси ҳам олиниши мумкин.

Юқоридаги формула кўрсатгичи сарфланган 1 сўмлик инвестицион маблағ евазига неча сўмлик ёки неча тийинлик ялпи ички маҳсулот ёки ялпи даромад олинганлигини ифодалайди.

Албатта, мутлақ миқдор юқори бўлгани яхши, чунки шунда инвестицияларнинг мутлақ иқтисодий самарадорлик даражаси юқори бўлади, агар кам бўлса, у пайтда иқтисодий самарадорлик даражаси паст бўлганлигини билдиради. бундай ҳолда еса инвестицияларни сарфлаш мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Сўнгги йилларда Республика иқтисодиётига йўналтирилган инвестицияларнинг 5-8 фоизи қишлоқ хўжалигига сарфланмоқда. Бу талабга нисбатан кам. Шунинг учун келажакда бу инвестицион сиёсатни қишлоқ хўжалиги фойдасига ўзгартириш мақсадга мувофиқдир. Чунки тармоқ республика ялпи ички маҳсулотнинг ўртача 30% ни бермоқда.

Айниқса 2005 йилда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий тузилмаси сифатида фермер хўжаликлари қишлоқда ривожлантирилди, бу хўжаликларда 1млн.дан ортиқ киши ишламоқда ва улар томонидан 2005 йилда пахта хом-ашёсининг 66%идан ортиқроғи доннинг 55%дан ортиқроғи шу хўжаликлар томонидан етиштирилди.

2006 йилда еса иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг қишлоқ хўжалиги бўйича енг муҳим устивор йўналишлари етиб белгиланганлардан бири – бу 2010 йилгача бўлган даврда енг аввало қишлоқ жойларида хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилсин, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида моллар, енг аввало қорамоллар бош сонини кўпайтиришни рағбатлантиришга қаратилган дастурларнинг бажарилишини назорат қилишнинг аниқ тадбирларини ва механизмларини ишлаб чиқиш зарурлиги Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг енг муҳим устивор йўналишлари тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида Халқ сўзи газетаси 2006 йил 15 феврал 1-2 бетлар.

3. Инвестицияларни иқтисодий самарадорлигини баҳолаш

Келажакда қишлоқ хўжалигининг моддий техника базасини талаб даражасида барпо етиш, меҳнат ресурсларининг билимларини, малакаларини ва тажрибаларини ошириш учун капитал қуйилмалар сарфлашни давом еттириш керак. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун енг аввало, давлат ва маҳаллий бюджетлардан

ажратилаётган инвестицион маблағларни ўз вақтида олишга еришиш керак. Бунда корхоналар ихтиёридаги фондларнинг маблағларини ҳам оқилона сарфлашга хизмат қилиш керак, чунки улар инвестициялар кўламини кенгайтиришнинг реал манбалари ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигига талабни қондирадиган даражада инвестициялар (капитал қўйилмалар) сарфланишини келажакда ишончли таъминлаш учун инвестицияларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар кўламини кенгайтириш талаб етилади.

Бундай шахслар республика ёки чет давлатлардан бўлиши мумкин. Бунда, ҳозирги даврда қишлоқ хўжалигидаги инвестицион жараёни шакллантиришда сушт қатнашаётган инвестицияларни фаолроқ жалб етишга алоҳида еътибор бериш керак.

Ҳозирги даврда чекланган миқдорда банкларнинг ҳам кўламини кенгайтиришга еришиш лозим. Бунинг учун еса, ҳукукий, иқтисодий шарт-шароитларни яратиб бериш зарур. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигига кўмаклашаётган молия кредит инвестицияларини, жумладан, қишлоқ кредит уюшмаларини ёки кооперативларини ташкил етиб, уларнинг фаолиятини ривожлантириш керак. Бундай кредит институтларининг ҳукукий асоси яратилган, масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 2002 йил август ойида иккинчи чақириқ IX сессиясида қабул қилинган “Кредит уюшмалари тўғрисида”ги қонун. Шу қонунга асосланган ҳолда қишлоқ кредит уюшмаларини ёки кооперативларини ташкил етиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш орқали қишлоқ хўжалигига инвестиция оқимини кўпайтиришга еришиш мумкин. Улар нодавлат, нотижорат кредит институтлари бўлгани маъқул. Шунинг учун уларга давлатнинг имтиёзли иқтисодий ёрдами зарур. Бу ёрдамни давлатнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган қуйидаги дастурлари асосида амалга ошириш мумкин:

1. “Озиқ-овқат муаммосини ҳал етиш”
2. “Ирригасия ва мелиорация ишларини ривожлантириш”
3. “Қишлоқ фаунасини, флорасини ва екологиясини яхшилаш”
4. “Янги иш жойларини ташкил етишни ривожлантириш ва ишсизликни камайтириш”
5. “Қишлоқда малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида “Билим-малака” дастурини тузиш”
6. “Қишлоқда ижтимоий соҳани ривожлантириш ва бошқалар”

Бундан ташқари янги ташкил етилган қишлоқ кредит кооперативларида айрим фондлар бўйича давлат субсидиялари ва кафолатлари тизимини жорий етиш лозим. Ташкил етилаётган қишлоқ кредит кооперативлари бошланғич капиталининг

35-45 фоизи давлатнинг имтиёзли ҳамда фоизсиз кредитлари ҳисобидан шакллантирилиши мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ кредит кооперативларини ташкил етиш жараёнида давлатнинг роли қуйидагилар билан чегараланиши мақсадга мувофиқ:

1. Республикадаги қонун яратувчи идоралар бу кооперативлар учун мамлакат миқёсида ва хорижий давлатларда тўлиқ фаоияти юритишнинг ҳуқуқий асосларини яратиб бериши;

2. Ушбу кооперативларнинг илмий, услубий муаммолари бўйича тадқиқот ишларини ривожлантириш учун ҳукумат томонидан қулай муҳит яратилиши

3. Давлат идораларининг раҳбар ва мутахассислари янгидан ташкил этилаётган қишлоқ кредит кооперативларининг афзалликларини барча ахборот воситалари ёрдамида тарғиб етишга ва тушунтиришга қаратилган фаол сиёсат олиб боришлари, уларни амалда ташкил етишга қўмаклашишлари зарур.

1-жадвал

Ўзбекистонда инвестицияларнинг тармоқлар бўйича таркиби, фоиз ҳисобида

№	Тармоқлар	Йиллар				
		1996	1997	1998	1999	2000
1	Саноат тармоқлари	24.8	24.4	21.5	18.4	26.5
2	Қишлоқ хўжалиги	5.2	5.2	4.9	7.9	8.0
3	Нефт, электроенергия	18.4	13.8	12.1	16.8	11.8
4	Транспорт, алоқа	17.5	19.8	18.1	13.0	19.3
5	Уй-жой	12.7	13.3	21.7	17.3	13.5
6	Бошқа тармоқлар	21.2	23.5	21.7	26.9	21.4
	Жами	100	100	100	100	100

2-жадвал

Ўзбекистон АСМ киритилган инвестициялар (%)

№	Тармоқлар	Йиллар
---	-----------	--------

		1996	1997	1998	1999	2000
1	Жами инвестициялар (шу йиллар баҳосига)	100	100	100	100	100
А	Шундан: Давлат бюджетидан	42.2	32.3	52.3	21.7	26.9
Б	Банк кредитлари	1.3	16.9	6.2	26.8	36.8
В	Корхона маблағлари	39.1	33.1	35.8	36.6	37.2
Г	Юқори маблағлари					
Д	Чет ел инвестициялари	17.6	17.7	27.7	4.9	5.1

**Ўзбекистон вилоятлари бўйича ирригасия – мелиорасия қурилишини
инвестициялаш (капитал қўйилмаларнинг сарфланаши)**

(млн.сўм ҳисобида, амалдаги баҳода)

№	Вилоятлар	Йиллар					2000 йилдан 1996 йилга марта
		1996	1997	1998	1999	2000	
1.	Қ-Қалпоғистон рес- си	91.8	89	234	235	762	8.3
2.	Андижон	353.8	430	776.7	965	1300	3.7
3.	Бухоро	433.1	512	602.9	854	1350	3.1
4.	Жиззах	238.3	233	474.4	626	1254	5.3
5.	Қашқадарё	471.7	480	589.2	650	1602	3.4
6.	Навоий	243.3	169	277	447	550	2.3
7.	Наманган	609	627	776.4	1483	2970	4.9
8.	Самарқанд	265.2	954	321.7	343	690	2.6
9.	Сурхондарё	535.3	510	770.6	855	2413	4.5
10.	Сирдарё	187.7	465	519.6	430	753	4.0
11.	Тошкент	957.2	756	1005.2	1430	1972	2.1
12.	Фарғона	237.1	243	460.5	450	1270	5.4
13.	Хоразм	432	585	817.6	942	2090	4.9
	Жами:	5055.5	5353	7675.8	9710	18976	3.75

Ўзбекистонда ўзлаштирилган йр майдонлари (гектар)

№	Вилоятлар	Йиллар					Беш йилда жами
		1996	1997	1998	1999	2000	
1.	Қ-Қалпоғистон рес- си	500	300	300	287	300	1687
2.	Андижон	1000	235	260	230	900	1925
3.	Бухоро	2516	975	851	702	488	5532
4.	Жиззах	1330	535	737	806	750	4158
5.	Қашқадарё	2602	6669	855	589	527	11242
6.	Навоий	1335	420	477	450	412	3094
7.	Наманган	2605	950	807	1201	1809	7372
8.	Самарқанд	2502	846	904	280	240	4772
9.	Сурхондарё	2237	662	858	600	700	5057
10.	Сирдарё	435	400	255	200	80	1935
11.	Тошкент	1891	351	621	425	353	3641
12.	Фарғона	1665	530	400	402	252	3249
13.	Хоразм	2366	1717	1062	852	1052	7050
	Жами:	22984	8590	8387	7024	7164	54149

ХУЛОСА

Қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш ресурслари билан талаб даражасида таъминлаш, уларни такрор ишлаб чиқариш учун инвестициялар жалб этилмоқда. Инвестициялар туфайли тармоқда фан-техника тараққиёти жадаллашмоқда, унинг ютуқларидан фойдаланиш жараёни ривожлантирилиб, илғор технологиялар жорий этилмоқда. Инвестициялар корхоналарнинг Ўз маблағлари ҳамда четдан жалб этилаётган маблағлар евазига амалга оширилмоқда. Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигига жалб этилаётган маблағлар суммаси ортиб бормоқда.

Инвестициялардан фойдаланишнинг мутлоқ (абсолют) ҳамда қиёсий (нисбий) самарадорлигини тармоқ, корхона ва йўналишлар бўйича аниқлаш мақсадида муайян кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш лозим. Қишлоқ хўжалигига жалб этилаётган инвестициялар миқдори, иқтисодий самарадорлиги талаб даражасида емас. Сабаби хўжаликлар соф фойдаси камлиги сабабли мақсад учун етарли миқдорда маблағ ажрата олмаётирлар, Ўзгаларнинг маблағлари яъни чет ел инвестициялари, банк кредитлари ҳам талабни қондирадиган даражада талаб этилаётгани йўқ.

Келажакда инвестицияларни талаб даражасида жалб этиш ва улардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун:

- инвестициялар манбаларини кенгайтиришга еришиш;
- инвестициялар жалб этишда гаров ҳамда суғурта масалаларини ривожлантириш;
- инвестицияларни мақсадга мувофиқ, самарали йўналишларга сарфлаш керак.

11-Мавзу: Илмий техник тарақиёт ва қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш.

Режа:

- 1. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий моҳияти**
- 2. Фан, техника тараққиёти ва интенсивлаштириш**
- 3. Қишлоқ хўжалигининг интенсивлаштириш даражаси ва иқтисодий самарадорлигини яқинлаштириш курсаткичлари**
- 4. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг асосий йўналишлари**

АДАБИЁТЛАР

1.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995, 236-239 бетлар.

2. Ҳақимов Рашид ва бошқалар. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Тошкент, 2004 йил, Ўқув қўлланма. ХИИИ боб. 89-94 бетлар.

3. Абдуғаниев Абдулатиф ва бошқалар. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Тошкент, 2004 йил, дарслик. ВИ боб, 104 - 122 бетлар.

КИРИШ

Мустақиллигимиз дастлабки йилларида Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлига кирар экан, иқтисодий ислохотлар иккинчи босқичининг вазифалари ва устивор йўналишларидан бири - бу чуқур таркибий ўзгаришларга еришиш – баркарор иқтисодий ўтишнинг асосий шarti – деб республикаимиз Президенти Ислom Каримов томонидан белгилаб берилган еди. Айниқса, фан ютуқлари кенг жорий етиладиган ишлаб чиқаришларни муттасил ривожлантириш ва уларнинг ролини ошириш тармоқ таркиби сиёсатида жуда муҳим устивор йўналишдир.

Машинасозлик соҳасида республика пахтачилик комплекси учун машина ва механизмлар ишлаб чиқаришга асосланувчи қишлоқ хўжалик машинасозликни ривожлантириш – тармоқ ихтисослашувининг энг муҳим йўналиши бўлиб қолиши керак. Янгидан вужудга келтирилаётган фермер хўжаликлари учун кичик механизация воситалари ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйиши зарур еди ва бу тўла амалга оширилиб бормоқда.

Масалан, фермер хўжаликлари ва муқобил машина трактор парклари учун кичик техника воситалари ишлаб чиқарилмоқда, жумладан, далачиликдаги умумий ишларни бажарадиган ПН-2-30 икки корпусли осма плуг, бунинг қамров кенглиги 60-70 см, массаси (оғирлиги) 230 кг, ҳайдаш чуқурлиги – 20-25 см, ишчи тезлиги 1,09-1,03 метр соатларидан бири. Осма универсал уруғ екиш (механизми) сеялкаси, (маркали НР-30-02). Бу кичик техника воситаси барча қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини жорий, унинг қамров кенглиги 140-180 см, уруғларни қўмилиш чуқурлиги; маккажўхори – 5-8 см, сабзаот – 0,5-2 см. Иш тезлиги 2-6 км (соат, массаси (оғирлиги) 130-150 кг.

Бундай мисолларни кўплаб кетириш мумкин. Қаралсин: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали 2003 йил № 12 сони 4-6 бетлар). Буларнинг барчаси қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришдан дарак беради.

1. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий моҳияти

Иқтисодий фан ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг икки йўлини бир-биридан фарқ қилади. **Биринчи йўл экстенсив ривожланиш йўли бўлиб, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши ишлаб чиқариш жараёнига янги ва янги ресурслар (ер, чорва молларининг сони ва ҳ.к.) жалб қилиш ҳисобида таъминланади. Бунда маҳсулот ҳажмининг кўпайиши асосан ишлаб чиқариш омилларининг кўпайиши ҳисобида юз беради.**

Иқтисодиётни кўпроқ ишлаб чиқариш ресурсларини (ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи ва моддий маблағларини) иқтисодиётга жалб этиш натижасида ривожлантиришга экстенсив ривожланиш йўли деб баҳо бериш қабул қилинган. Бу йўлнинг имкониятлари чекланган. Чунки барча ишлаб чиқариш ресурслари – ер, сув, меҳнат ресурслари, техника, хомашёлар, барча-барчаси чекланган.

Иқтисодий фан ишлаб чиқаришни ривожлантиришда иккита йўл мавжудлигини аниқлаб бериш: булар 1) экстенсив ривожланиш, 2) интенсив ривожланиш.

Экстенсив ривожланишда биргина ижобий томонини кўриш мумкин. Иқтисодиёт экстенсив йўл билан ривожлантирилганда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси ортади. Мавжуд меҳнат ресурсларини иш билан банд этиш муаммоси яхшироқ ҳал этилади. Лекин бу ҳолат қисқа муддатли иқтисодиёт учунгина ҳос. Экстенсив ривожланиш йўли қатор камчиликларга ҳам эга. Экстенсив ривожланиш йўли илмий-техника тараққиётининг жадал боришига салбий таъсир этади. Меҳнат унумдорлигини пасайишига олиб келади..

Қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожланиши – бир гектар ер ёки бир бош чорва молига сарфланаётган меҳнат ва моддий сарфларни ошириш эвазига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришидир. Бунда ер бирлиги ёки бир бош чорва молига сарфланадиган меҳнат ва моддий харажатлар самарасиз ўсиши мумкин эмас деган қонда амал қилиши зарур.

1. Экстенсив ривожланиш йўли – маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш учун янги ерларни ўзлаштириш, чорва молларининг сонини кўпайтириш, яъни ишлаб чиқариш жараёнига янги ресурслари жалб этишдир. Бунда маҳсулот ҳажмининг кўпайиши асосан ишлаб чиқариш омилларининг кўпайиши ҳисобига юз беради. Масалан, 2004 йилда 1000 гектар ерга ғалла екиб, ҳар бир гектар ердан 50 центнердан ҳосил олинган бўлса. Жами ҳосилдорлик 50 минг центнер бўлган бўлса, 2005 йилда 1100 гектарга ғалла екилиб, гектаридан 50 центнердан ҳосил олинди, демак, ялпи ҳосилдорлик 55000 центнерни ташкил етди, демак 2004 йилга нисбатан, 2005 йилда 5000 центнер кўп ҳосил олинди, бу янги кўшилган ер ҳисобидан олинган ҳосилдир. Маҳсулот ишлаб чиқаришни буйўл билан кўпайтиришга экстенсивйўл деб айтилади, лекин буйўлнинг имкониятлари чекланган, чунки барча ишлаб чиқариш ресурслари, ер, сув ва бошқаларнинг барчаси секланган. Ҳар бир давлатнинг худуди, ер-сув ресурслари чекланган, уларни хоҳлаганча кўпайтириш мумкин эмас. Лекин, ресурслар чекланган бўлса-да, ишлаб чиқаришни ва инсонкорнинг талаб ва эҳтиёжкори ўсиб боради. Бундай шароитда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг бошқайўлини топишга зарурат пайдо бўлади ва бундаййўл-интенсив ривожланишйўлидир.

2) қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожланиши, бир гектар ерга, ёки бир бош чорва молига сарфланаётган моддий ва меҳнат сарфларининг ошиб

боришидир, чунки қўшимча сарфлар натижасида бир гектар ердан олинадиган ҳосилдорлик ёки чорва молларининг маҳсулдорлиги ошиб боради, сарфланган моддий вайўл харажатлари қўшимчаси билан қайтиб келади.

Демак, интенсив ривожланишнинг иқтисодий моҳияти шундаки, сарфланаётган моддий ва меҳнат харажатлари, маҳсулот миқдори кўпайишига олиб келиши керак маҳсулот тан нархини пасайтириш керак.

Интенсив ривожланишнинг имкониятлари чекланмаган бўлиб, ресурсларнинг танқислиги ёки чеккинлаклиги шароитида муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини интенсивлаштириш, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги тармоғини ҳам интенсив ривожлантириш ҳар бир мамлакат иқтисодий сиёсатининг асосини ташкил этади.

2. Фан, техника тараққиёти ва интенсивлаштириш

Қишлоқ хўжалигининг янги моддий ресурслари билан таъминлаш ва улардан самарали фойдаланиш фан-техника тараққиётига бевосита боғлиқ. Фан-техника тараққиёти деганда, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ барча фанларнинг ривожланиши, малакали кадрлар тайёрланиши натижасида янги техникаларнинг яратилиши, уларнинг мавжудалрини еса такомиллаштирилиши тушунилади, яъни фан ривожланиш натижасида шу вақтгача маълум бўлмаган мутлақо янги моддий-техника ресурслари яратилиши керак. Бундай жараён еса фан-техника инқилобидан дарак беради, демак фан-техника инқилобидан дарак беради, демак фан-техника тараққиёти инқилоби – бу интеллектуал онг ривожланишининг маҳсули.

Юқорида айтиб ўтилганидек қишлоқхўжалигини ривожлантиришнинг икки йўли мавжуд: 1 - экстенсив, 2 – интенсив. Булар олдинги мавзуларда айтиб ўтилган, шундай бўлса буларга қисқача яна тўхталиб ўтиш зарур.

Демак, биринчйўл, экстенсив ривожланиш, бунда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши ишлаб чиқариш жараёнига ресурсларни жалб этиш йўли билан амалга оширилади, масалан, янги ерлар очиб қишлоқ хўжалигида фойдаланиш, чорва моллари бош сонини кўпайтириб, маҳсулот олиш ва шу, демак, ишлаб чиқаришга ресурсларни кўпроқ жалб этиш натижасида ривожланиш экстенсив ривожланиш йўлидир. Экстенсив ривожланишнинг имконияти чекланган, чунки ер, сув, хомашё кабилар чекланган.

Иккинчйўл интенсив ривожланиш бўлиб мавжуд ердан чорва молларидан самарали фойдаланишда янги фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш билан ежришидир. Масалан, ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун қўшимча


минерал Ўғитлар бериш, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш учун қўшимча рацион асосида уларни боқиш ва ш.ў.

Иқтисодий фан, интенсивлаштириш Ўз мохиятига кўра қишлоқ хўжалиги соҳасида маълум чегарага ега деб таълим беради, масалан, ҳар бир экин тури учун зарур минерал Ўғит миқдори белгиланган, агар меъёрдан ортиқ минерал Ўғит солинса, экиннинг ҳосилдорлигига салбий таъсир етиб, ҳосилдорликнинг камайишига олиб келиши мумкин. Лекин, бу масалани йечиш фан-техника тараққиётга боғлиқ, чунки юқорида айтиб Ўтилганидек, янги техника воситаларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириб, маҳсулот тан-нархини арзонлаштиради, яъни янги унумли техникалардан, прогрессив технологиялардан фойдаланиш, олдингисига қараганда албатта яхши самара беради ва маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори ҳам кўпаяди.

Бу борада фан-техника тараққиётининг ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга таъсири чегараланмаган. Ишлаб чиқаришга қишлоқ хўжалиги экинларидан янги навларнинг жорий етилиши билан интенсивлаштириш янада кучаяди. Масалан, пахта ва буғдойнинг янги навларининг яратилиши шулар жумласидандир.

Ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ишлаб чиқаришни концентрациясини оширади, корхоналарда ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни кучайтиради, бу еса ишлаб чиқаришнинг механизациялашиш жараёнини ошириб маҳсулот тан-нархини орзонлаштиради. Бу еса ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигига олиб келувчи асосий омиллардан биридир.

3. Қишлоқ хўжалигининг интенсивлаштириш даражаси ва иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи курсаткичлар



Қишлоқ хўжалик корхоналарини моддий-техника ресурслари билан таъминлашга катта эътибор берилмоқда, чунки бу сарфланадиган меҳнат харажатларини ва маблағ харажатларини камайтиришга ва меҳнат унумдорлигини ошириб фойда суммасини кўпайтириш учун имконият яратади. Лекин бунинг учун, қишлоқ хўжалик корхоналарининг моддий-техника воситалари билан таъминланиш ва бу воситалардан фойдаланиш жараёнини ва ўзгаришларни билиш керак.

Бунинг учун бир қанча кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин ва биринчи навбатда бу борадаги кўрсаткич бўлиб, қишлоқ хўжаликларида, қўшма корхоналарда ва ҳиссадорлик жамиятларида уларнинг моддий-техника ресурслари билан таъминланганлик даражасини аниқлаш керак.

Маълумки, хўжалик ўз фаолиятидаги ишларни бажариш учун техника воситалари ўртасида мутаносибликни тракторлар сони кўп, уларгатирилмадиган механизмлар кам, ёки оқимга бўлса, кутилган иқтисодий самарадорликка еришиб бўлмайди, ёки чорва моллари сони кўп, уларга берадиган ем-хашак кам бўлса ҳам, чорвачиликда самарадорликка еришиб бўлмайди. Демак, хўжалик самарали мувозанатдаги моддий-техника ва ресурслар билан талаб даражасида таъминланган бўлиши керак. Бунинг таъминланганлик даражасини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$1) \quad \text{МТР}_{\text{ТД}} = \frac{(Y_{\text{е к}} + (AF_{\text{к}} - A_{\text{с}}) + AF_{\text{к}} + BG_{\text{к}})}{KX_{\text{е}}};$$

Бунда: $\text{МТР}_{\text{ТД}}$ – моддий-техника ресурслари билан таъминланганлик даражаси, сўм;

$E_{\text{к}}$ - қишлоқ хўжалик ерларининг қиймати (сўмда);

Афк - асосий воситаларнинг Ўртача йиллик қиймати (сЎмда);

Ас – асосий воситаларнинг Ўртача йиллик ескириш суммаси (сЎмда);

АФ_к – айланма воситаларнинг Ўртача йиллик суммаси (сЎмда);

БГ_к- боғлар, токзорларнинг Ўртача йиллик суммаси (сЎмда).

Юқоридаги кўрсаткич ёрдамида ҳар бир хўжалик ихтиёридаги фойдаланилаётган бир гектар қишлоқ хўжалик ерига, ёки экин майдонига қанча сЎмлик моддий-техника ресурслари тўғри келаётганлиги аниқланади. Унинг миқдори талаб даражасида, яъни меъёр даражасида бўлиши керак. Бу умумий кўрсаткич мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда бошқа аниқ кўрсаткичлар ёрдамида янада аниқлаштирилади.

Жумладан, хўжаликнинг таъминланганлик даражасини, масалан, асосий ва айланма фондлар ёки ҳайдов тракторлари, чопиқ тракторлари билан таъминланганлик даражасини шу кўрсаткичлар бўйича ҳам алоҳида-алоҳида аниқлаш мумкин.

Ёки, корхонанинг энергетик ресурслар билан таъминланганлик даражаси аниқлаш. Корхонанинг энергетик миқдори хўжаликдаги жами энергетик ресурслар миқдорини, от кучи ҳисобида, фойдаланилаётган қишлоқ хўжалик ерларига, ёки экин майдонига тақсимланиб аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$2) \quad EPT = \frac{ER_{\kappa}}{Em (KXye)}$$

Бунда: EPT - энергетика ресурслари;

ЕРК – жами энергетика ресурслар қуввати;

Ем (КХйе) – жами экин майдони (қишлоқ хўжалик ерлари).

Хўжаликнинг энергетик миқдори ҳам меъёр даражасида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

3) Меҳнатнинг энергетик ресурслар билан қуролланганлик даражасини аниқлаш. Бунинг учун, юқорида таъкидланган жами энергетик ресурслар миқдорини, бу ҳам от кучи ҳисобида, меҳнат қилган кишиларнинг Ўртача йиллик сонига, яъни кишиларга тақсимлаб аниқланади. Бунда қуйидаги тенгликдан фойдаланилади:

$$E_{pk} = \frac{ER_{\kappa}}{Mr}$$

бунда:

Ерк – энергетика ресурслари;

Ерк – энергетика қуввати

Мр –ишлаган меҳнат ресурсларининг Ўртача йиллик сони (киши).

Бу кўрсаткичлар корхонада бажариладиган барча ишларнинг қандай даражада механизациялашаётганлигини ёки автоматлашаётганлик ҳолатини Ўрганишга ёрдам беради. Буларнинг ҳам миқдори, айтиб Ўтилганидек, белгиланган меъёр даражасида бўлиши мақсадга мувофиқ.

4) Хўжаликда ишлаб чиқариш жараёнларининг механизациялашганлик даражасини аниқлаш. Бунинг учун трактор, механизмлар, машиналар ёрдамида бажарилган жами иш (эталон тракторда) миқдори хўжалик бўйича бажарилган жами ишлар ҳажмига тақсимланади (эталон гектарга). У қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Мд = \frac{Mi}{Ji} \times 100 \%$$


Бунда:

Мд - ишлаб чиқаришни механизациялашганлик даражаси, фоизда;

Ми -машина, тракторлар механизмлар ёрдамида бажарилган иш (эталон гектар);

Жи - жами бажарилган иш миқдори (эталон гектарда).

Бу кўрсаткич жами ҳамда айрим иш, экин турлари бўйича ҳам аниқланиши мумкин. Масалан, экинларни екиш, уларга ишлов бериш, ҳосилини йиғиштириб олиш кабилар бўйича. Чорвачиликда еса, сигирларни соғиш, чорва молларини суғориш, уларга йем-хашак бериш ва шунга Ўхшаш бошқа иш турлари бўйича. Сигирларни соғиш жараёнининг механизациялашганлик даражасини аниқлаш учун машиналар ёрдамида соғилган сигирларнинг бош сонини жами соғилган сигирлар сонига тақсимлаб, 100 га кўпайтирилиш лозим. Бу кўрсаткич 100 фоиздан юқори бўлмаслиги шарт.



4. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг асосий йўналишлари

Аграр соҳани замон талаби даражасига жавоб берадиган қилиб ривожлантириш учун унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш керак. Лекин, бу соҳанинг моддий-техника ресурсларини шакллантирилиши, ривожлантирилиши, улардан самарали фойдаланиш фан-техника тараққиётига боғлиқ. Фан-техника тараққиёти деганда еса, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган барча фанларнинг ривожланиши, малакали кадрлар тайёрлаш натижасида янги техникаларнинг яратилиши, мавжуд техникаларни еса такомиллаштирилишини назарда тутиш керак. Фаннинг ривожланиши натижасида шу давргача бўлмаган мутлақо янги «моддий техника ресурслари» яратилиши мумкин. Бу жараён еса фан-техника инқилобидан далолат беради. Демак, фан-техника тараққиёти инқилоби еса интеллектуал онг ривожланишининг маҳсули ҳисобланади. Бунинг учун интеллектуалларни тайёрлайдиган таълим ихтирочилик тизимини янги босқичга кўтаришни такозо етилади. Улар қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган самарали ва қулай машиналар, тракторлар, механизмлар ва ускуналарнинг яратилишини таъминлашлари, мавжуд техника воситаларини такомиллаштирилишини, серҳосил ва тезлишар экин навларини яратилишини, сермаҳсул чорва моллари зотларини, илғор технологияларни яратадиган фанларнинг ривожланишини таъминлайди, бунинг натижасида моддий-техника ресурсларининг сони кўпайиб, сифати ҳам яхшиланади.

Бундай жараён республикамизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётганини кўришимиз мумкин. Айниқса, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги саноати корхоналарида, янги техникалар, пахта терадиган вертикал ва горизонтал

шпинделли машиналар, кимё саноатида полиетилен қувурлар ва плёнкалар ишлаб чиқарилмоқда. Ёмғирлатиб ва тупроқ остидан суғориш учун, томчилатиб суғориш учун янги самарали техникалар барпо этилмоқда. Булар қишлоқ хўжалигида илғор ва самарали технологиялар жорий этилишини таъминлайди.

Фан-техника тараққиёти қишлоқ хўжалигида қуйидаги йўналишлар бўйича олиб борилиши мақсадга мувофиқдир:

а) янги ерларни комплекс ўзлаштириш, зах ва шўрланиш ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув билан таъминланиш тадбирларини амалга оширадиган ишлаб чиқариш воситаларини яратиш, мавжудларини еса такомиллаштириш;

б) Ўсимликчиликда тезпишар, кам сув талаб қиладиган сифатли ва серҳосил уруғ навларни яратиш;

в) чорвачиликда маҳсулдор чорва моллари зотларини яратиш;

г) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида амалга ошириладиган барча жараёнларни автоматлаштириш, электрлаштириш, кимёлаштириш;

д) қишлоқ хўжалигида сервис хизматларини кўрсатиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг зарур миқдорини қайта ишлаб, сифатли сақлаб, истеъмолчиларга Ўз вақтида яхши ҳолатда йеткизиб бериш;

е) қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини эркинлаштирилишини таъминловчи иқтисодий механизмларни яратиш ва ҳаётга тадбиқ этиш.

ж) фан-техника тараққиёти натижаларини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча соҳаларига Ўз вақтида жорий этиш қобилиятини ега бўлган мутахассис кадрларни тайёрлаш, фаолият юритаётганларини еса рағбатлантиришни такомиллаштириш механизмининг яратиш. Шундай қилиб, фан-техника тараққиётнинг шу йўналишлари бўйича амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган моддий-техника ресурсларини яратиш, мавжудларини еса такомиллаштириш таъминланади.

Фан-техника тараққиёти натижасида яратилган моддий-техника ресурслари қишлоқ хўжалигида янги техниканинг, янги технологиянинг вужудга келишини ва бу жараён ривожлантирилишини таъминлайди. Бу жараён техниканинг, технологиянинг иш сифатини яхшилаш билан бирга, унинг белгиланган муддатда бажарилишига, меҳнат унумдорлигининг ошишига ва ишлаб чиқариш харажатларининг камайишига, ҳар бир маҳсулот бўйича ва тармоқ бўйича рентабелликнинг ошишига олиб келади.

Масалан, ҳозирги вақтда пахтачиликда «Андижон технологияси» яратилиб, республикада кенг қўлланмада жорий этилмоқда. Бу усулда чигит аввалдан олиб қўйилган пушталарга плёнка остида екилмоқда, натижада тупроқнинг камлиги сақланиб чигитнинг тез ўсиб чиқишига еришилмоқда. Бу технология пуштада бегона ўтларнинг пайдо бўлишини кечиктиради, натижада икки хил иш жараёнини қисқартириш имконини беради, биринчидан ягона қилиш ишларини камайтириш билан бирга, бегона ўтларни йўқотиш ишларини ҳам камайтиради, иккинчидан еса, сув сарфини қисқартириш имконини беради, чунки пушта қилинганда тупроқнинг намлиги узоқ вақт сақланиб қолади.

Чигитни плёнка остида екиш технологияси натижасида пахта ҳосили ерта пишади ва уни қисқа муддатда юқори сифатли териб олиш таъминланади. Шу туфайли Андижон вилоятида пахта ҳосилдорлиги 1999-2002 йилларда Ўртача 32 центнерни ташкил этган бўлиб, Ўзбекистонда енг юқори кўрсаткичдир. Вилоятда бир центнер пахта етиштириш учун 9800 сўм сарфланмоқда, бу еса 13,6 фоизга республикадаги Ўртача кўрсаткичдан камдир.

Лекин шуни айтиш керакки янги технологияни қўллаш учун шарт-шароит яратиш, уни амалга оширишда айрим камчиликларга ҳамйўл қўйилмоқда, масалан чигит екиш техникалари, яъни сеялкалар технология талаб даражасида такомиллаштирилмаган.

Пуштага ёйилган плёнка Ўз вақтида тўлиқ йиғиштириб олинмай, далада қолиб кетиши туфайли тупроқ ҳолатига ва айрим бажариладиган ишларга салбий таъсир етмоқда, шу сабабли ҳозирги даврда уларни бартараф етиш учун илмий ва ижобий ишлар олиб борилмоқда. Пахтачиликдаги яна бир янги технологик ғўзаларни суғоришда "Исроил технологияси"дир, бу усул ғўзани бостириб суғормай, томчиллатиб суғориш. Бу усулдан фойдаланиш еса бир гектар ерга пахта майдонига 4-5 марта кам сув бериш тақиқланади.

Яна бир янги технология Голландияда етиштирилган картошка уруғи уларнинг техникаси билан екилиб, шу техника билан ишлов берилиб, ҳосили ҳам шу технология асосида йиғиштириб олинмоқда , натижада республикада картошкачилик ривожланиб, четдан картошка келтиришга зарурат қолмади.

12-Мавзу: Кишлоқ хужалигининг моддий техника ресурслари ва улардан фойдаланиш.

Режа:

- 1. «Қишлоқ хўжалиги моддий-техника ресурслари» тушунчаси, унинг моҳияти ва аҳамияти**
- 2. Қишлоқ хўжалигида асосий фондлар ва улардан фойдаланиш курсаткичлари**
- 3. Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йуллари**
- 4. Айланма маблағлар ва улардан фойдаланиш**

АДАБИЁТЛАР

1. Ҳақимов Рашид, Отақулов Муҳаммаджон, Каримова Г, Юсупов Е, Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Тошкент 2004 йил. X боб, 68 – 77 бетлар.

2. Абдуғаниев Абдуллатиф, Абдуғаниев Абдуқаҳҳор. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Тошкент 2004 йил. XII – боб, 100 – 122 бетлар.

1. «Қишлоқ хўжалиги моддий-техника ресурслари» тушунчаси, унинг моҳияти ва аҳамияти

Қишлоқ хўжалигининг моддий – техника ресурслари деганда шу соҳада, хўжалик юритувчи субъектларда, жумладан ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликларида мавжуд барча асосий фондлар ва хўжаликлар инвекторлари йиғиндиси тушунилади.

Агросаноат мажмуасининг асосий бўғини бўлган қишлоқ хўжалигининг моддий – техника борасини ривожлантириш катта иқтисодий аҳамиятга ега, чунки ишлаб чиқариш механизациялашганлик даражаси, меҳнат унумдорлигини ошириб, маҳсулот таннархини арзонлаштиради ва фойда миқдорини кўпайтиради. Агар техникалар йетарли миқдорда бўлмаса, ишларни ўз агротехник муддатларда бажариб бўлмайди, бу еса соҳани иқтисодиётига салбий таъсир етади.

Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат туфайли қишлоқ хўжалигининг моддий – техника базаси кейинги йилларда яхши мустаҳкамланиб бормоқда. Айниқса, “Магнум”, “Кейс” каби юқори, унумли тракторларнинг ишлаб чиқаришда қўлланилиши яхши самара бермоқда. Оз миқдорда бўлса ҳам фермер ва деҳқон хўжаликлари кичик (мини) тракторлардан фойдаланмоқдалар.

Қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган моддий – техника ресурслари бошқа соҳаларининг моддий – техника ресурсларидан, ўзининг хусусиятлари билан фарқ қилади, жумладан:

1 – дан, қишлоқ хўжалигининг моддий – техника базаси таркибига ер ҳам киради ва асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади. Ер ўзига хос

хусусиятларни инобатга олиб ундан фойдаланиш зарур, чунки ернинг ҳолатига қараб органик ва минерал ўғитларининг миқдори берилади, техниканинг тури қўлланилади. Агар ернинг мемюратив ҳолатига қараб экин тури, минерал ўғитлар унга ишлов берадиган техникалар талаб олинмаса ҳосилдорлик пасайишига сабаб бўлади, айрим ҳолатларда еса ишлаб чиқариш оборотидан чиқиб кетиши ҳам мумкин.

2 – дан, қишлоқ хўжалигининг моддий – техника базаси табиат коидаларига бошқа тармоқларникига қараб нисбатан кўпроқ Боғлиқ. Бунинг натижасида турлди решонларда турлича техника ва бошқа ресурслардан фойдаланишга зарурат ту?илади. Шимолий зоналарда экин турлари жанубий зоналарга нисбатан фарқ қилади, енг аввало қисқа муддатларда ишлаб етиладиган экин турларини жойлаштиришни талаб қилади. Жанубий решонларда экин турларини танлаш имкониятлари катта. Бундай ҳолатда еса моддий – техника ресурсларининг турли решонларда турлича бўилишини талаб қилади.

3 – дан, қишлоқ хўжалига моддий – техника ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги, билан боғлиқ. Масалан, қишлоқ хўжалигида иш даври билан ишлаб чиқариш даврининг мос келмаслиги сабабли айрим техника воситаларидан йилда бир фойдаланилади холос. Мисол учун дон ўраш комбайинлари асосан ўрим – йиғим даврида икки ой ишлатилади. Хўжалик еса бундай қимматбаҳо камбайинларни йил давомида сақлашга мажбур, бу еса катта миқдордаги қўшимча харажатларни талаб қилади, чунки унинг амортизация ажратмалари қиммат. Натижада, асосий ишлаб чиқариш фондларидан техникадан фойдаланиш самарадорлиги пасаяди.

4 – дан, қишлоқ хўжалигида моддий – техника ресурсларининг катта қисмини тирик организмлар ташкилетади, буларга чорва моллари, қўй, йиллик дарахтлар ва бошқалар. Бу еса ишлаб чиқариш жараёнида биологик қонуниятларни ҳисобга олишни талаб етади.

5 – дан, ишлаб чиқаришнинг кенг майдонларда олиб борилиши хўжаликларда яхши ривожланган транспорт тизими бўлишини, йўл ва алоқа коммуникациялар бўлишини талаб қилади. Айниқса техникаларни бир экин майдонлардан иккинчи экин майдонга олиб бориш, уларни таъминлашни ташкил етиш, қишлоқ хўжалигида моддий – техника ресурсларини ташкил етишнинг ўзига хослигида намоён бўлади ва бундан хусусият катта миқдорда қўшимча маблағларни талаб қилади.

6 – дан, қишлоқ хўжалигининг моддий – техника базаси кўп жиҳатдан саноатнинг ривожланишига боғлиқ. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигида моддий –

техника ресурсларининг бир қисмини ўзида ишлаб чиқарилади, масалан йем – хашак, зотли маҳсулдор чорва моллари уруғликлар ва ш.у.

Ҳозир республикамиз қишлоқ хожалигининг меҳназасиялаштирилганлик даражасини ошириш аста – сўкинлик билан уни саноат асосида ўтказиш борасида олиб борилади, бу ҳол қишлоқ хўжалиги ривожланишининг объектив йўналишларидан биридир.

2. Қишлоқ хўжалигида асосий фондлар ва улардан фойдаланиш курсаткичлари

Қишлоқ хўжалик корхоналарида мавжуд фондлар икки катта гуруҳа бўлинади. Булар:

И. гуруҳ – асосий фондлар.

ИИ. гуруҳ – айланма фондлар.

И. гуруҳга – машиналар, меҳанизмлар, комбайнлар, тракторлар, транспорт воситалари, кўп йиллик дарахтлар, узумзорлар, маҳсулдор чорва моллари ва ишчи хайвонлар.

ИИ. гуруҳга – нефт маҳсулотлари, еҳтиёт қисмлар, минерал ўғитлар, йем – хашак, захарли химикатлар, арзон ва тез ишдан чиқадиган буюмлар.

Асосий фондлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги фонд қайтими ва фонд йиғими кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади.

Фонд қайтими йил давомида ишлаб чиқарилган яъни маҳсулотни ёки фойдани асосий фондларнинг ўртача йиллик қийматига тақсимлаш йўли билан аниқланади. Фонд қайтими хўжаликда мавжуд бир сўмлик асосий фондлар евазига қайта сўмлик яъни маҳсулот ишлаб чиқарилганлигини билдиради. Бу кўрсаткич қанча юқори бўлса, хўжаликда фондлардан фойдаланиш самарадорлиги шунча юқори бўлади.

Фонд йиғими фонд қийматининг акси бўлиб, асосий фондларнинг ўртача йиллик қийматини хўжаликнинг ялпи маҳсулотига бўлиш натижасида аниқланади. Фонд йиғими хўжаликда бир сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш учун қанча сўмлик асосий фонд ишлаб чиқаришга қатнашганини билдиради.

Фонд йиғими кўрсаткича қанчалик паст бўлса, асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлиги шунчалик юқори ҳисобланади. Фонд қайтими ва фонд йиғимини фойдага нисбатан ҳам аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хўжаликларнинг асосий фондлари беш хил ҳисобланади ва баҳоланади: 1) дастлабки баҳо; 2) қолдиқ баҳо; 3) тиклаш баҳоси; 4) баланс баҳоси; 5) тугатиш баҳоси.

1) Асосий фондларнинг **дастлабки баҳоси** – уларни биринчи маротаба сотиб олиш билан боғлиқ ҳаракатлардан иборат.

2) Асосий фондларнинг **қолдиқ баҳоси** – бу баҳо асосий фондларнинг йил бошидаги бошланғич баҳосидан шу фондларни эксплуатация қилиш давридаги ескирган қисмини қопловчи қийматни чегириб ташлангандан кейинги баҳо.

3) **Тиклаш баҳоси** – ишлаб турган асосий фондларнинг ҳозирги бозор нархида қанча баҳоланиши тушунилади.

4) Бухгалтерия балансларида акс еттириладиган баҳо асосий фондларнинг **баланс баҳосидир**.

5) Асосий фондларнинг тугатиш баҳоси деганда уни тугатиш билан боғлиқ ҳолат тушунилади.

Асосий фондлар тугатилиши жараёнида қўшимча харажатлар. Уларни тугатишдан маълум материал олинади. Асосий фондлар хизмат муддатини тўла ўтамаган бўлса, ёи бошқа сабабларга кўра уларга тўла амортизация ажратилмаган бўлиши мумкин. Амортизация ажратилмай қолган миқдорга уни тугатиш учун сарфланган харажатлар қўшилади ва тугатиш натижасида олинган қиймат ажратиш йўли билан асосий фондларнинг тугатилиши қиймати аниқланади.

Иқтисодий ҳисоботлар учун ишлаб чиқариш фондларини ҳозирги давр нархларида катта баҳолаб туриш зарур. Акс ҳолда мавжуд инфляция таъмирида йиғилган маблағга худди шундай техника сотиб олиб бўлмайди. Чунки унинг нархи ошиб кетган бўлиши мумкин.

Биз юқорида асосий фондларнинг баланс қийматини қараб чиққанда бухгалтерия балансларида акс еттирилган қиймат асосий фондларнинг баланс қиймати эканлигини айтиб ўтдик. Одатда баланс қиймати миқдор жиҳатидан асосий фондларнинг дастлабки қийматига мос тушади.

Асосий фондлар ишлаб чиқаришда қатнашиб, вақт ўтиши билан ескиради. Асосий фондларнинг ескириши икки хил бўлади:

1 – маънавий ескириш;

2 – жисмоний ескириш;

1) **Маънавий ескириш.** Асосий фондларнинг маънавий ескириши куйидаги ҳолларда юз беради: **биринчидан**, мавжуд асосий фондлар унумлироқ ишлайдиган лигиси яратилганда, фан – техника тараққиёти техниканинг янги, унумли турларини ишлаб чиқанда, ески асосий фондлар лигисига нисбатан унумсиз бўлганлиги учун маънавий ескирган ҳисобланади. Масалан, хўжаликда ишлатилаётган, секундига 14 кг буғдой ўрайдиган комбайн ўрнига, секундига 18 кг буғдой ўрайдиган янги комбайн яратилди дейлик, бу ҳолда секундига 14 кг буғдой ўраладиган комбайн маънавий ескирган ҳисобланади.

Иккинчидан, хўжаликда мавжуд ишлаб турган техникадан нархи арзонроқ янги техника чиқариладиганда ҳам маънавий ескириш бўлади. Масалан, ҳозирги хўжаликда ишлаётган дон ўриш комбайнининг нархи 30 млн. Сўм туради. Худди шундай комбайннинг янги авлоди яратилди дейлик, унинг нархи еса 25 млн. Сўм, бундай ҳолда хўжаликда ишлатилаётган 30 млн. Сўмлик комбайн янги 25 млн. Сўмлик комбайнга нисбатан маънавий ескирган ҳисобланади.

Иқтисодчиларни бундай ҳолатдаги вазифаси маънавий ескирган техникадан яна қанча муддатда фойдаланиш зарурлигини белгилашдан иборат.

Асосий фондларнинг жисмоний ескириши, улар вақт ўтиши билан фаолият кўрсатиши натижасида ескириб боришидир. Бундай ескириш “амортизасия” тушунчаси билан белгиланади. Одатда заводларда ишлаб чиқарилган техникаларнинг паспортига уларнинг хизмат кўрсатиш муддати, амортизасия ажратиш нормаси белгиланган бўлади. Лекин айрим асосий фондларда бу маълумотлар берилмаган тақдирда, амортизасия нормасини ҳисоблаб топиш мумкин. Умумий йиллик амортизасия нормаси куйидагича аниқланади.

$$An = \frac{B + K + D - L \cdot 100}{H \cdot B}$$

Бунда: An – умумий йиллик амортизация нормаси %

K – хизмат кўрсатиш даврида капитал таъмир харажатлари.

D – асосий фондларни тугатишдаги харажатлар, сўм.

L – асосий фондларни тугатишдан олинган даромад, сўм.

H – асосий фондларнинг ўртача хизмат қилиш муддати, йил

Ҳозирда асосий фондларнинг ескиришини белгилашда тезлаштирилган амортизасия ажратмаси ажратиш йўлидан ҳам фойдаланилмоқда. Бу инфлясия даражаси юқори пайтда инфлясиянинг салбий таъсирини камайтиради. Бундан

ташқари фан – техника тараққиёти тезлаган пайтда асосий фондларни тезликда алмаштириш имконини беради.

3. Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йуллари

Асосий фондалардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий кўрасткичлари қуйидагилардан иборат:

1. Қишлоқ хўжалик экин турларининг ҳосилдорлигини ошириш, чорвадорликда чорва молларининг махсулдорлигини ошириш. Фан-техника тараққиёти натижасида янги, сер ҳосил экин турларини ишлаб чиқаришга жорий этиш.

2. Асосий фондаларнинг актив қисми бўлган техникадан, асбоб-ускуналардан фойдаланишининг сменалик коэффициенларини кўтариш.

3. Асосий фондлар таркибини такомиллаштириш, улардан фойдаланишнинг муҳим йўлларида ҳисобланади. ҳозирги даврда ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган куч берувчи техникалар (трактор ва х.к) катта қувватга ега. Масалан, битта “Магнум” русумли трактордан йил давомида тўлиқ фойдаланиш учун 35 ва ундан кўпроқ ишчи машиналар, круглар, экин агрегатлари керак. Бирорта ишчи машиналарнинг бўлмаслиги ушбу куч берувчи машиналардан фойдаланиш имкониятини пасайтириш олиб келади.

4. Асосий ва иборат фондлар мутақосиблигини таъминлаш ҳам улардан фойдаланиш самардорлигини оширади. Мисол экин учун зарур чигитинг йетишмаслиги техникалар бекор туриб ҳолига сабаб бўлади.

5. Асосий фондлардан фойдаланишида жамоа аъзоларининг моддий макораойдорлигини таъминлаш, улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўлларида бири ҳисобланади.

4. Айланма маблағлар ва улардан фойдаланиш

Қишлоқ хўжалигида асосий фондлар билан бир қаторда айлама маблағларнинг ҳам аҳамияти катта. Айланма фондлар бир ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиб, ўзининг қийматини тайёр махсулотга тўлалигича бир ишлаб чиқариш жараёнида ўтказди. Улар ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиб, ўзининг физик кўринишини қисман ёки тўлалигича ўзгартиради. Ана шундай талабларга жавоб берган фондларга айланма фондлар деб юритилади.

Айланма фондлар деганда хўжаликнинг ҳисоб рақамларида мавжуд бўлган пуллари сотилга, лекин ҳали пули келиб тушмаган маҳсулот учун маблағларни қўшиб ҳисоблаганда айланма маблағлар тушунчаси келиб чиқади.

Айланма маблағлар – ишлаб чиқаришни ташкил етиш ва маҳсулотни сотиш мақсадида зарур айланма фондларни ва муомала фондини ташкил етиш учун аванслаштирилган пул маблағларининг йиғиндисидир. Бирон бир ишлаб чиқариш соҳаси айланма маблағларсиз амалга ошириш мумкин емас. Айланма маблағларнинг таркибий тузилишини 2 – жадвалдан кўриш мумкин.

Айланма маблағлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагича аниқланади:

1. Айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти:

$$K_o = \frac{R + M}{O} = S \quad (C - \text{минус қиймат учун})$$

Бунда: K_o – коэффициент.

R – ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан ва кўрсатилган хизматдан олинган пул тушуми, сўм;

M – асосий подага ўтказилган ёш чорва молларнинг қиймати, сўм;

C – асосий подани сотишдан тушган пул тушуми, сўм;

O – айланма маблағларнинг ўрта йиллик қолдиғи, сўм.

2. Айланма маблағларнинг ўртача бир айланиш муддати йилнинг 360 кунини айланма маблағларнинг айланиши коэффициентиға бўлиш орқали ҳисобланади.

3. Бир сўмлик пул тушумига тўғри келадиган айланма маблағларнинг ўртача йиллик қолдиғи, сўм.


4. Бир сўмлик айланма маблағларнинг ўртача йиллик қолдиғига тўғри келадиган сотилган маҳсулот ҳажми, кг.

Айланма маблағлар манбасига қараб ўз маблағларидан ва чет елдан жалб етилган маблағларға бўлинади.

**РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИ БЎЙИЧА ЖАМИ ТРАКТОРЛАР СОНИ ВА
УЛАРНИНГ ИШГА ЯРОҚЛИГИ.**

	1996 йил			1997 йил			1998 йил			1999 йил			2000 йил		
	Мавжуд	Тайёр	%	Мавжуд	Тайёр	%	Мавжуд	Тайёр	%	Мавжуд	Тайёр	%	Мавжуд	Тайёр	%
Қ-Қалпоғистон рес-си	15888	9160	58	15064	7837	52	13786	6593	48	12181	6314	51,8	11320	6119	54,0
Андижон	10917	8185	75	10288	6921	67	9523	6812	72	9068	7100	78,3	8511	7292	85,7
Бухоро	11605	8866	76	10706	8137	76	10366	7622	74	9221	7099	77,0	8638	6470	74,9
Жиззах	8450	5005	59	7726	4376	57	5229	3545	68	5398	3757	69,5	5261	3798	62,7
Қашқадарё	19363	13826	71	17628	11750	67	15219	9945	65	14548	10014	69,0	13695	9214	67,3
Навоий	4894	3757	77	4747	3521	74	4373	3358	77	4183	3322	79,4	4057	3104	76,5
Наманган	8974	6967	78	8839	9320	72	8499	6090	72	7907	5925	74,9	7693	5629	73,2
Самарқанд	16351	12030	74	14964	10879	73	13335	9910	74	12633	9085	71,9	11237	8342	74,2

Сурхондарё	12414	9685	78	13498	9624	71	11810	8509	72	10986	8637	78,6	10938	8164	74,6
Сирдарё	7693	4542	59	8006	4977	62	6137	3944	64	5403	3525	75,2	4831	3391	68,8
Тошкент	11388	7378	65	10133	6488	64	8699	5515	63	7695	5239	68,1	73315	5205	70,9
Фарғона	11019	9038	82	10835	8397	77	10028	7506	75	9537	7081	74,2	8961	6086	67,9
Хоразм	13199	11113	84	12437	9292	75	11965	8004	74	10958	8266	75,4	10481	7873	65,1
Жами:	52155	109561	72	144871	98519	68	128950	88153	68	119718	85391	71,3	113080	80187	70,9

АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРНИНГ ТАРТИБИ.

ХУЛОСА

Ишлаб чиқариш жараёнини моддий харажатларсиз тасаввур этиш мумкин емас. Тармоқларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ишлатилаётган асосий воситалари, айланма маблағларибиргаликда уларнинг моддий – техника базаси деб юритилади. Моддий – техника базасининг асосини асосий фондлар ташкил йетади. Бир неча ишлаб чиқариш жараёнида иштирок етадиган, ўзининг қийматини тайёр маҳсулотга бўлиб – бўлиб ўтказиладиган ва физик кўринишини сақлаб қоладиган фондлар асосий фондлар деб юритилади. Уларнинг таркиби, миқдори қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг асосий натижавий кўрсаткичларини белгилайди. Асосий фондларнинг енг муҳим қисми асосий ишлаб чиқариш фондларидир. Улардан фойдаланишнинг даражасини ва самарадорлигини аниқлаш талаб қилинади. Бунинг учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Биз ишлаб чиқариш жараёнида қатнашадиган, ўзининг қийматини тайёр маҳсулотга тўлиқ ўтказадиган ва физик кўринишини ўзгартирадиган фондларга айланма фондлар дейилади. Улардан фойдаланишни яхшилаш зарур. Айланма маблағларнинг мавжудлиги ишлаб чиқаришнинг бир меъёрда самарали боришини таъмилайди.

НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Қишлоқ хўжалигининг моддий – техника базаси деганда нимани тушунасиз?
2. Қандай фондларга асосий фондлар дейилади?
3. Айланма маблағлар нима ва унинг аҳамияти нимада?
4. Фондлардан фойдаланишнинг самарадорлиги қандай аниқланади?

13-Мавзу: «Қишлоқ хўжалиги маркетинги» тушунчаси, унинг моҳияти ва ривожланиш хусусиятлари

Режа:

1. «Маркетинг» тушунчаси, унинг моҳияти ва самарадорлиги.
2. Қишлоқ хўжалиги маркетинги функциялари
3. Қишлоқ хўжалиги маркетинги стратегиясини тузиш

АДАБИЁТЛАР

1. Ҳакимов Р., Отақулов М., Юсупов Е., Юсупов Мухиддин. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Т.: 2004 йил, 96-108 бетлар.

1. Маркетинг» тушунчаси, унинг моҳияти ва самарадорлиги.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида аграр соҳани ривожлантиришда маълум бир истеъмолчиларнинг талабларини аниқлаш ва қондиришга қаратилган маркетингга алоҳида эътибор берилмоқда.

Маркетинг эса — инглизча сўз бўлиб, маркет-бозор деган маънодио. Маркетинг еса енг сода қилиб айтганда, товар ва хизматлар бозорини ўрганиш ва таҳлил қилиш ёки бозоршунослик маъносини билдиради. Қишлоқ хўжалиги маркетингининг мақсади- талабни шакллантириш ва рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиси ишининг режалари ва қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг асосли еканлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар кўламини, бозор ҳиссаси ва фойдасини кўпайтиришдан иборат.

Қишлоқ хўжалиғи маркетинги тамойиллари



Сотиладиган, яъни бозорга чиққан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йетиштириш – қишлоқ хўжалиғи фермери фаолиятига маркетинг нуқтаи назаридан ёндашишининг асосий нишонидир.

Маркетинг – истеъмолчи талабининг таҳлили ва назарда тутилишининг илмий ишлаб чиқилган концепсияси. Бу рағбатлантириш, реклама андозаларини Ўз ичига олган сотишни ташкил қилиш тизимидир.

Маркетинг – пештахтанинг бошқа томонида туриб бизнесга истеъмолчи кўзи билан қарашдир.

Бу харидор топиш ва уни ушлаб туриш харидорга, рақобатчига кўра яхшироқ ва тезроқ хизмат кўрсатиш ва унинг талабларини қондириш қобилиятидир. Агар корхона биринчи навбатда ишлаб чиқаришга тегишли тадқиқотларни бажарган бўлса, унда маркетинг тизими асосий етиборни бозордаги аҳволнинг таҳлиliga қаратади.

Агар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ассортименти режалаштириш олдин фақат унинг сифатини яхшилашга қаратилган бўлса, унда маркетинг тизими, асосан, истеъмолчи талабларини ҳисобга олади.

Ишлаб чиқаришга қараб иш тутишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш ва тарқатиш масалалари билан шуғулланаётган мутахассис қишлоқ хўжалиги фермери учун буюртма олувчи сифатида иккинчи даражали рол ўйнайди.

Маркетингни назарда тутиб иш юритишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш бўйича менежер ташкилий тизимдаги бошлиқлардан бири бўлиб, унинг вазифаси бозорнинг товар ва хизматлар билан тўлган қийин шароитларда корхонанинг узлуксиз ва самарали ишлашини таъминлашдан иборат. Айнан тўла бозор, яъни сотувчилар таклифи харидорлар талабидан ошганда, «харидор бозори» маркетинг концепциясини қўллаш ва унинг самарали бўлишини таъминлаш учун асосий шарт-шароит бўлиб хизмат қилади.

Маркетинг қишлоқ хўжалиги фаолиятининг барча жиҳатлари билан боғлиқ тўлиқ бошқарув тизимининг муҳим соҳаларидан бирини ўзида акс еттирган ҳолда молиявий, таъминот тизими, хизматларнинг ташкилий тузилганлиги, кадрлар сиёсати билан бошқаришни ўз ичига олиб қуйидаги тамойилларга хос:

- 1) қишлоқ хўжалиги бизнесининг истеъмолчилар талабларига қараб иш тутиши;
- 2) сегментасия ва мақсадли бозорни аниқлаш;
- 3) ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил етишнинг актив ва потенциал истеъмолчиларнинг талабларига ва бозор шароитларининг ўзгаришига мослашиши ёки егилувчан таъсири;
- 4) янгиликлар киритиш;
- 5) стратегик режалаштириш ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалиги фермерининг истеъмолчилар талабларига юналтириши кўп тажриба талаб қиладиган илмий-амалий, тадқиқот ва аналитик ишни, бозор эҳтиёжини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишни, бозор муҳити ва истеъмолчининг мотивациясини ўрганишни назарда тутди. Таҳлил учун бозор ҳажми, нархни ташкил етиш тизими, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларинининг истеъмол хусусияти, ҳамкор қишлоқ хўжалиги фермерлари ишининг қурилиши ва услублари хусусияти, сотишни ташкил етиш шакллари, сотишни рағбатлантириш усуллари, савдо ишининг ўзига хослиги керак бўлади.

Шу билан биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг турлари ассортименти тафтишини, ишлаб чиқариш кувватини, моддий-техникавий таъминот тизимини ўз ичига оладиган ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил етиш

имкониятлари Ўрганилади; кадрлар таркиби ва малакаси даражаси, молиявий имкониятлар, савдо хизматини ташкил етиш шарт-шароитлари таҳлил қилади.

Бу тадқиқотларнинг асосий мақсад фермер хўжалигининг бозорда олиб бораётган фаолияти стратегияси тактикасини аниқлаш рақобатчиликка нисбатан кўпроқ омадга ва афзалликка еришишини таъминлаш.

Бозор, маркетинг муҳити ва истеъмолчилар хоҳишини асосий услуби бу:

- а) сўров;
- б) кузатиш;
- с) тест;
- д) тақлид.

Кенг миқёсли ва сермашаққат маркетинг тадқиқотининг асосий шarti – компьютер техникаси ва банк маълумотларидан фойдаланган ҳолда яхши жиҳозланган ва тўлиқ ишлаб чиқилган информасион тизимдир.

2. Кишлоқ хўжалиги маркетинги функциялари

Маркетинг функцияси ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил етиш фаолияти билан бошқарув концепцияси сифатида бошқарувнинг барча турларига хос умумий функцияларга ега.

Кишлоқ хўжалиги маркетинги функциялари қуйидагилардан иборат:

1. Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори, бозор муҳити ва истеъмолчилар талабларини комплекс тарзда тадқиқ қилиш;
2. Кишлоқ хўжалиги фермери ширкати ва деҳқон хўжалигининг ишлаб чиқариш-сотишни ташкил етиш имкониятлари таҳлил қилиш;
3. Мақсадли бозор танлови;
4. Товар сиёсати;
5. Нарх (баҳо) сиёсати;
6. Сотиш (тарқатиш) сиёсати;
7. Коммуникасион сиёсат - кишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш.

Бозор муҳитини ва истеъмолчилар талабларини комплекс тарзда тадқиқ қилиш аналитик ишларни таҳлил қилиш, кўп вақт талаб қиладиган, мутахасисларнинг юқори тайёргарлигини талаб қиладиган муҳим ишдир.

Бу тадқиқот қуйидаги муҳим йўналишларни қамраб олади:

1) Маркетинг муҳитини ўрганиш, жумладан тадбиркорлик фаолиятини географик ва демографик шартларини, иқтисодий ва илмий-техникавий, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-маданий хусусиятларини билиш, рақобатчи, воситачи, етказиб берувчи фермер ва ширкатлар фаолиятининг махсус хусусиятларини ва муносабатларини билиш;

2) Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг истеъмол хусусиятлари таҳлили: талаб, таклиф, сиғим, талаб еластиклиги, нарх еластиклиги ва рақобат даражасини билиш;

3) Муайян қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бозордаги ҳаракати ва истеъмолчилар хоҳишини ва товар ҳақидаги тасаввурни билиш;

4) Савдо шаклларининг ва услубларининг таҳлили;

5) Бозор сегментларини олиш ва Ўрганиш;

6) Истеъмолчиларни, индивидуал ва коллектив истеъмолчиларнинг сотиб олишдаги ҳатти-ҳаракатларини Ўрганиш.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори сегментасияси маркетинг ишининг таркибий қисми бўлиб, бозорни сегментларга, яъни бир хил талаб характериға ега бўлган истеъмолчилар гуруҳи ва қишлоқ хўжалиги фермери ва ширкат хўжаликларининг маркетинг таъсириға бўлган бир турдаги таъсиридир.

Бозор сегментасияси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг индивидуаллаштириш сиёсати билан боғланган. Маркетинг ёндашиши барча истеъмолчиларға ҳисобланган стандарт, универсал товар тайёрлаш заруратидан воз кечади ва бизнеснинг оптималлигини ва рақобат афзаллиги таклифини индивидуаллаштириш ва ранг-баранг қилишда кўради.

Мақсадли бозорни танлаш — маркетинг тадқиқотларининг муҳим кўринишидир, чунки корхона фақат бозор эҳтиёжини ва Ўз имкониятларини аниқлабгина бозор талабларини Ўз потенциали ва истиқбол ривожланиши билан мослаштира олади ва жамланган маркетинг иши учун муайян бир сегментни самарали равишда танлай олади. Мақсадли бозорни танлаш бир томондан, бозор сегментлари талаблари баҳоланиши асосида, иккинчи томондан, қишлоқ хўжалиги Ўз имкониятлари асосида, улар Ўртасидаги мувозанат ва балансни ўрнатиш мақсадида курилади.

Мақсадли бозор шундай бозор сегментики, унда нафақат рақобат афзалликлари, балки бир неча рақобат камчиликлари ҳам шу қишлоқ хўжалиги фермери, ширкати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун рақобатда яхши позицияларни яратиши ва улар учун енг самарали бозор талабини вужудга келтириши мумкин.

3. Кишлоқ хўжалиги маркетинги стратегиясини тузиш

Тадқиқотларни олиб бориш натижасида маркетинглар мақсадли бозор ривожланиши прогнозларини, кишлоқ хўжалиги фермери ва ширкатининг унда ҳаракат қилиш мақсади, стратегияси ва тактикасини, унинг товар, нарх, сотиш сиёсатини ҳамда сотишни рағбатлантириш ва реклама тадбирлари ўтказиш сиёсатини ўз ичига олган кишлоқ хўжалиги фермери ва ширкатининг ишлаб чиқариш-сотиш фаолиятининг стратегик, тактик ва оператив режаларини тузиб чиқишади.

Муқобил стратегияни ишлаб чиқиш кишлоқда тадбиркорликнинг самарали бўлишини белгилаб беради. Маркетинг бозор стратегияларининг турли хил вариантларини таклиф этади: глобал ва умумий - талаб ҳолати ва даражаси, бозорни қамраш меъёри, бозор улуши, товар ва бозорнинг янгилигига кўра. Маркетинг дастурлари маркетинг фаолиятида жуда ҳам муҳим ўринни егаллайди, кишлоқ хўжалиги фермерининг бозордаги ўрни қандайдир маънода ана шу дастурларнинг сифатли ишлаб чиқилиши ва самарали амалга оширилишига боғлиқ.

Товар сиёсати кишлоқ хўжалиги фермерининг рақобатдаги позициясини оширишга қаратилган маркетинг мих комплексининг таркибий қисми бўлган махсус маркетинг дастурини ифодалайди. Бунда бу сиёсат чиқарилаётган кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг истеъмол хусусиятларини, уларнинг янги турларини ишлаб чиқиш ва рақобатдошлигини ошириш, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳаётий циклини узайтириш ва уларнинг ассортиментини оптималлаштиришга қаратилади. Бу чоралар танланган бозор сегментида кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат таснифлари ва хусусиятларини истеъмолчиларнинг аниқ талаблари даражасига йетказиш ва унинг самарали сотилишини таъминлашни кўзда тутаяди.

Нарх сиёсати кишлоқ хўжалиги фермери ва ширкатининг бозорда узок муддатли ҳаракатидаги нарх стратегиясини ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳар бир гуруҳ ва турига ҳамда бозорнинг аниқ бир сегментига нисбатан қисқа муддатли нарх тактикасини аниқлашни билдиради.

Нарх сиёсати товар нархини ўзгартириб, рақобатбардошлигини оширишга имконият яратади (бозор муносабатлари шароитида савдо фаолиятини олиб бориш талаб қилганидек) ва бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда, товар ҳаёт циклининг фазаларини ва бошқа омиллар асосида нарх белгилашни таъминлайди.

Одатда, нарх сиёсати бир неча бозор стратегияларини ўз ичига олади: «бозорга ёриб кириш» сиёсати (пенетратсион полисй), «қаймоғини олиш» сиёсати

(скимминг полисй), дифференцияланган, дискриминацияловчи, рақобатбардош, обрўли нархлар ва бошқа турдаги нархлар, чегирма ва нархли имтиёзлар сиёсати ва б. Нарх сиёсати, шунингдек, тақрибий миқдорда ифодаланган, белгиланадиган нарх даражасини аниқлаш методологияси ва шартнома нархини ҳисоблаш ва қайд қилиш методикасини Ўз ичига олади.

Сотиш сиёсати қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тўғридан-тўғри ва билвосита усуллар орқали сотиш каналларини вужудга келтиришни назарда тутди. Тўғридан-тўғри усул сотиш филиаллари, омборлар, стансия ва техник хизмат кўрсатиш марказларининг бевосита ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалиги фермери ва ширкат хўжалиги томонидан ташкил қилинишини кўрсатади, яъни Ўзининг сотиш тизими орқали. Билвосита усул савдонинг мустақил воситачилар орқали амалга оширилишини билдиради. Қишлоқ хўжалиги фермери интенсив, селектив ва «эксклюзив» сотиш системаларидан фойдаланиши, нолинчи ёки кўп даражали сотиш тармоқларини яратиши, сотишнинг вертикал ва горизонтал структураларини аниқлаши мумкин. Чакана, улгуржи ва ташқи савдо сотиш системаларини ишлаб чиқиш ҳам қишлоқ хўжалиги фермерининг сотиш сиёсатига киради.

Коммуникацион сиёсат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бозорга олиб кирилишига қаратилган тадбирлар комплексини режалаштириш ва амалга оширишни англатади. Бу соҳада турли хил реклама кўринишларидан фойдаланилади, жамоатчилик билан алоқалар ўрнатади, сотишни рағбатлантириш, сотишдан олдинги ва кейинги хизмат кўрсатиш ҳамда замонавий савдо маркази, яъни «бренд»лардан фойдаланади.

Маркетинг — қишлоқ хўжалиги фермери ва ширкат хўжалиги бошқарув фаолиятининг яхлит концепцияси бўлиб, умумий принциплар ва функциялар билан характерланади ва қишлоқ хўжалиги фермерининг ишлаб чиқариши ва сотишни ташкил қилиши истеъмолчиларнинг талабларини қондиришга йўналтирилган. Аммо, қишлоқ хўжалиги фермерини бошқаришнинг маркетинг концепциясини қўллаш соҳаси ва объектига қараб маркетингнинг турли хил кўринишлари кўрсатилади.

Ривожланиш хусусияти ва ёндашувларидан келиб чиқиб, унинг «менежеристик», «бихевиористик», «интегралланган», «инновацион», маркетингни концепцияси тўғридан-тўғри, стратегик, экологик ва ижтимоий маркетинг турлари мавжуд.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг хусусиятларига қараб қуйидаги маркетинг турлари мавжуд:

- конверсион — негатив, манфий талабни ижобийга айлантиради;

- креатив – бозорда маълум вақтда муайян товарга талаб йўқ бўлса, талабни яратади;

- рағбатлантирувчи – паст даражадаги талабни оширади;

- ремаркетинг – сусаяётган талабни жонлантиради;

- синхромаркетинг – ўзгариб турувчи талабни барқарорлаштиради;

- қўллаб-қувватловчи – оптимал талаб сақланишини таъминлайди;

- демаркетинг – ошиқча юқори талабни пасайтиради.

Маркетинг таклиф қилинаётган товар ва хизматларнинг кўринишларига қараб бир неча турларга бўлинади. Хусусан, маркетинг ўзининг шахсий хусусиятларига ега бўлган истеъмол товарлари маркетинги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маркетинги, банк ва молия маркетинги, савдо-сотиқ маркетинги, туристик бизнес маркетинги, илмий-техникавий маркетинг, ғоялар маркетинги ва бошқа турларга бўлинади.

Ташкилот ва қишлоқ хўжалиги фермери ва ширкатининг турига, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган субъектга қараб қуйидаги қишлоқ хўжалиги маркетинг турлари мавжуд: нотижорат ва тижорат ташкилотлар маркетинги, қишлоқ хўжалиги кичик бизнес маркетинги, сайлов олди компаниялар, алоҳида шахслар маркетинги ва бошқалар.

ХУЛОСА

Маркетинг (ингл. Маркет-бозор) – тадбиркор муҳитини, бозорни, истеъмолчининг аниқ талабини ва улар учун ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни кўзда тутишни ўрганишга асосланган, қишлоқ хўжалиги корхоналарнинг ишлаб чиқариш, сотиш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бозор концепциясидир. Қишлоқ хўжалиги маркетинги мақсади – талабни шакллантириш ва рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиси ишининг режалари ва қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг асослилигини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг савдо кўлами, бозор ҳиссаси ва фойдасини кўпайтиришдан иборат. Сотиладиган, яъни бозори чаққон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш – қишлоқ хўжалиги фермери фаолияти маркетинг нуқтаи назаридан ёндашишининг асосий нишонидир.

Қишлоқ хўжалиги маркетинги учун қуйидаги асосий ҳолатлар ёки тамойиллар хосдир:

1. Қишлоқ хўжалиги бизнесининг истеъмолчилар талабларига қараб иш тутиши;
2. Сегментация ва мақсадли бозорни аниқлаш;
3. Ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил етишнинг актив ва потенциал истеъмолчиларнинг талабларига ва бозор шароитларининг ўзгаришига мослашиши ёки егилувчан таъсири;
4. Янгиликлар киритиш;
5. Стратегик режалаштириш ва бошқалар.

Тадқиқотлар олиб бориш натижасида маркетинглар мақсадли бозор ривожланиши прогнозларини, қишлоқ хўжалиги фермери ва ширкатининг унда ҳаракат қилиш мақсади, стратегияси ва тактикасини, унинг товар, нарх, сотиш сиёсатини ҳамда сотишни рағбатлантириш ва реклама тадбирлари ўтказиш сиёсатини ўз ичига олган қишлоқ хўжалиги фермери ва ширкати ишлаб чиқариш-сотиш фаолиятининг стратегик, тактик ва оператив режаларини тузиб чиқишади.

Муқобил стратегияни ишлаб чиқиш қишлоқда тадбиркорликнинг самарали бўлишини белгилаб беради. Маркетинг бозор стратегияларининг турли хил вариантларини таклиф этади: глобал ва умумий - талаб ҳолати ва даражаси, бозорни қамраш меъёри, бозор улуши, товар ва бозорнинг янгилигига кўра. Маркетинг дастурлари маркетинг фаолиятида жуда ҳам муҳим ўринни егаллайди, қишлоқ хўжалиги фермерининг бозордаги ўрни қандайдир маънода ана шу дастурлар сифатли ишлаб чиқиши ва самарали амалга оширилишига боғлиқ.

НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. «Маркетинг» тушунчаси нимани англатади? Унинг моҳияти нимада?
2. Қишлоқ хўжалиги маркетинги самарадорлиги нималарга боғлиқ?
3. Қишлоқ хўжалиги маркетинги функциялари нималардан иборат?
4. Қишлоқ хўжалиги маркетинги стратегияси қандай тузилади?

14-Мавзу: Қишлоқ хўжалигининг ялпи ва товар маҳсулотлари, уларнинг тақсимланиши ва қупайтириш йуллари.

Режа:

- 1. Ялпи товар маҳсулотлари, уларнинг моҳияти ва аҳамияти**
- 2. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ялпи товар маҳсулотларининг тутган урни**
- 3. Ялпи товар маҳсулотларининг тақсимланиши ва қупайтириш йуллари**

АДАБИЁТЛАР

1. Абдуғаниев Абдуллатиф, Абдуғаниев Абдуқаҳҳор. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Т.: ТДИУ, 2004. 197-215 бетлар.
2. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 1998-2005 йиллардаги сонлари.

1.Ялпи товар маҳсулотлари, уларнинг моҳияти ва аҳамияти

Ялпи маҳсулот деб, маълум вақт ичида (одатда бир йилда) ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг йиғиндисига айтилади. Ялпи маҳсулот деҳқончилик ва чорвачилик соҳаларида етиштирилган йил давомида етиштирилган маҳсулотлардан ташкил топади. Жумладан, пахта, буғдой, маккажўхори, шоли, арпа, картошка, қовун-тарвуз, помидор ва шунга ўхшаш, деҳқончиликда етиштирилган маҳсулотлар ялпи маҳсулотлари деб юритилади. Етиштирилган бу каби маҳсулотлар уларнинг ялпи маҳсулоти натурал миқдорини ифодалайди. Лекин бу натурал кўрсаткичлар фермер, ширкат ва бошқа деҳқончиликдаги йиллик фаолиятни тўлиқ ифодамай олмайди, чунки уларни натура ҳолида бир-бирига қўшиб бўлмайди. Шу сабабли йетиштирилган барча маҳсулотлар қиймат шаклида аниқланиши зарур, ялпи маҳсулотларнинг қиймати ҳар йилги сўмда ҳақиқий ва қиёсий баҳоларда ҳисобланади. Ҳозирги даврда қиёсий баҳолар сифатида 1996 йилдаги ҳақиқий баҳоларнинг ўртача йиллик миқдори олинган. Лекин, маълум йиллардан сўнг бошқа йилнинг ўртача баҳолари олинishi мумкин. Тармоқда, масалан: деҳқончиликда, чорвачиликда ва бошқаларда йетиштирилаётган ялпи маҳсулот қиймати алоҳида маҳсулот турлари тармоқлар бўйича ва хўжаликлар бўйича аниқланади. Ялпи маҳсулот тармоғининг корхонанинг бир йиллик фаолиятини ифодаловчи умумий кўрсаткичдир. Бунда маҳсулотлар Ўз турлари бўйича ва оғирлиги (бўйича) жиҳатдан, килограмм, сентнер, тонна ва шунга ўхшаш бошқа ўлчов бирликларида ҳисобга олинади. Чорвачиликда еса ялпи маҳсулот барча чорва молларининг туридек йил давомида етиштирилган маҳсулотларнинг йиғиндисидан иборат. Бу соҳаларда ҳам ялпи маҳсулот қиймат ўлчовида ҳисобга олинади. Бунда шам жорий йилнинг қиёсий баҳоларидан фойдаланилади. Чорвачилик ялпи маҳсулотлари ҳам қиймат ҳолида ҳисоблаб чиқилади, чунки турли маҳсулотларни, масалан: сутни, гўштни, жунни ва бошқа турдаги маҳсулотларни бир-бирига қўшиб ҳисоблаб бўлмайди.

Қиймат шаклида ҳисобланган ялпи маҳсулотнинг таркиби қуйидагича бўлади:

1. Тайёр маҳсулот;
2. Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёнида бир йил давомида етиштирилиб, йиғиштирилиб, ҳисобга олинган, тақсимлашга ва сотишга тайёр бўлган маҳсулотлар - тайёр маҳсулот ҳисобланади.

Келгуси йилларда маҳсулотлар етиштириш учун сарфланадиган харажатлар тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари дейилади. Масалан, келгуси йилда пахта, буғдой, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштириш учун жорий йилда ерларни ҳайдаш, текислаш билан боғлиқ бўлган харажатлар, келгуси йилда гўшт

етиштириш учун жорий йилдаги харажатлар саналади. Бундай харажатлар боғдорчиликда ҳам бўлади.

Натура ҳолидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисобланади, яъни Ўсимликчилик маҳсулотлари алоҳида ялпи ҳажмда ва қиймат ҳолида алоҳида ҳисобланади. Чорвачилик маҳсулотлари ҳам алоҳида ялпи ҳажмда ва қиймат ҳолида алоҳида ҳисобланади. Бу маҳсулотлар бир йиллик ҳажми қиймати шу йилги қиёсий баҳоларда қуйидагича ҳисобланади:

- сотилган маҳсулотлар сотиш баҳоларида;
- хўжаликнинг ички эҳтиёжлари учун берилганлари, йетиштирилган таннархлари бўйича.

Лекин бозор иқтисодиёти шароитида бу усул хўжалик эҳтиёжларини, ишлаб чиқариш билан шуғулланганларнинг моддий манфаатдорлиги ошишини етарли даражада таъминлай олмайди. Маҳсулотлар таннархда белгиланганлиги учун фойда олмайди. Фойда бўлмагач, ишчиларни маҳсулот ишлаб чиқариш натижасига кўра, рағбатлантириб бўлмайди. Шунинг учун ички эҳтиёжларга берилган маҳсулотларнинг қийматини ҳам Ўртача сотиш баҳоларида аниқлаш ёки ички баҳоларни белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжалигидаги тайёр маҳсулотлар ички ва ташқи бозор талабини еътиборга олган ҳолда сотилади, яъни қишлоқ хўжалигида ҳам пул-товар (П-Т) муносабатлари амалга оширилади. Маҳсулотларнинг пул-товар муносабатлари асосида сотилган миқдори товар маҳсулоти деб аталади. Шунга асосланган ҳолда маҳсулотларнинг товарлилик даражаси ҳам аниқланади.

Маҳсулотнинг товарлилик даражасини аниқлаш учун сотилган маҳсулотнинг жами йетиштирилган маҳсулотнинг натура ҳолидаги улушига тақсимлаб 100 га кўпайтириш керак. Чунки у фоизда ҳисобланади. Унинг формуласи қуйидагича:

$$T_d = (S_m \div Y_{a_m}) * 100$$

Бунда: T_d – маҳсулотнинг товарлилик даражаси, фоизда;

S_m – сотилган маҳсулот миқдори, тонна, сентнер, килограмм;

Y_m – йетиштирилган жами маҳсулот (пахта, бугдой) тонна, сентнер

Маҳсулотларнинг товарлилик даражаси тайёр маҳсулот ҳамда талабдан келиб чиққан ҳолда турлича бўлади. Унга айрим пайтларда давлатнинг сиёсати ҳам таъсир этади. Масалан, ҳозирги даврда пахтага нисбатан давлат буюртмаси ва талабнинг мавжудлиги сабабли унинг товарлилик даражаси 100 фоизга тенг. Ёки айрим техника (воситалари) маҳсулотлари ҳам хўжаликларда фақат сотиш мақсадида йетиштирилмоқда. Шу сабабли бундай маҳсулотларнинг товарлилик даражаси 100 фоизга тенг бўлади. Мисол учун каноп маҳсулоти.

Айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари фақат ички талабларни қондириш мақсадида йетиштирилади. Бундай ҳолларда уларнинг товарлилик даражаси аниқланмайди. Жумладан, чорвачилик учун озуқа йетиштириш учун йем-хашак тайёрлаш, аҳоли учун помидор, шолғом, турп ва бошқалар.

Ялпи ва товар маҳсулотларнинг мамлакат иқтисодиётидаги тармоқ ва корхона иқтисодиётидаги аҳамияти катта, чунки ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотнинг ҳажми, қиймати Ўсиши натижасида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ҳам Ўсади. Масалан, 2005 йилда ялпи ички маҳсулотнинг Ўсиш суръати 7%га, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши еса 6,2%га Ўсди.

Қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқаришининг асосий тузилмаси сифатида фермер хўжаликлари қишлоқда жадал ривожлантирилди. 2005 йилда фермер хўжаликларида бир миллиондан ортиқ киши ишлади ва улар томонидан 2005 йилда пахта хом-ашёсининг 66%дан ортиғи, доннинг еса 55%дан кўпроғи йетиштирилди

2.Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ялпи товар маҳсулотларининг тутган урни

Агросаноат мажмуаси ишлаб чиқаришнинг гаровидир натижаси ялпи маҳсулотдир. Агросаноат мажмуасида ялпи маҳсулот деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларидан ташкил топади.

Агросаноат мажмуасининг ялпи маҳсулоти таркибига йил мобайнида йетиштирилган жами қишлоқ хўжалик маҳсулотлари киради. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш сиёсати туфайли ялпи маҳсулот ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда, ялпи маҳсулот Ўзгаришининг ҳақиқий ҳолатлари қиёсий баҳоларда реал кўринади. Чунки ҳар йили ҳақиқий баҳолар Ўзгаришининг таъсири қиёсий баҳоларда кўринади ва ялпи маҳсулот қиймати қиёсий баҳоларда йил сайин Ўсиб бормоқда. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

1-жадвал

Республика қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўзгариши *

	Йиллар						
	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001
Ялпи маҳсулот қиймати	124,4	181,0	421,1	550,2	833,1	972,5	2086, 8
- ҳақиқий баҳоларда, млрд. сўм							
- 1995й.дагига нисбатан Ўзгариши,	100,0	145,5	338,5	442,3	6,7 м.	7,8 м.	16,8 м.

фоизда							
- қиёсий баҳоларда, авалги йилдагига нисбатан, фоизда	102,3	93,5	105,8	104,0	105,9	104,5	104,5

*Жадвал Республика Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Жадвалдаги маълумотлардан республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулоти қийматининг ҳақиқий баҳоси анча юқори бўлган қиёсий баҳоларда еса унча катта емас.

Ялпи маҳсулотнинг Ўсиши қуйидаги омиллар ҳисобидан бўлган:

1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг натурал миқдори ҳисобига кўпайган;
2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳоси Ўсиши ҳисобидан кўпайган;
3. Йетиштирилаётган маҳсулот таркибининг Ўзгариши ҳисобидан, устувор суръатларда ривожланиши яъни диверсификация ҳисобидан Ўсган.

Бу республикада дон маҳсулотлари йетиштиришда буғдой йетиштиришни диверсификация қилинаётганлигидан далолат беради. Бу еса дон маҳсулотларига бўлган республиканинг ички талабини қондиришдаги давлат сиёсатининг ижобий натижасидир. Чунки дон маҳсулотларини йетиштириш асосан пахта яккахокимлигининг камайиб бориши назарда тутилган. Масалан, 2002 йилда республика бўйича жами 5,4 млн. тонна дон маҳсулотлари йетиштирилган, дон маҳсулотлари таркибида еса буғдой устувор суръатларда Ўсган. 1993-2000 йиллар мобайнида буғдой йетиштириш еса 4,8 маротаба кўпайган. Бу еса юқорида айтиб Ўтилгандек, Ўзбекистонда дон маҳсулотлари йетиштиришда буғдой йетиштиришни диверсификация қилинаётганлигидан далолат беради. Бунинг натижасида 1993-2000 йилларда пахта хом-ашёсини йетиштириш қарийб 30%га камайган.

Ўзбекистонда йетиштирилаётган асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуйидаги 2-жадвалдан кўриш мумкин.

2-жадвал

Республикада етиштирилаётган асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, минг тонна*

	Йиллар								2000й.да 1993 йилда-гига нисбатан, фоиз
	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	
Жами дон жумладан:	2142,4	2466,9	3215,3	3562,0	3775,6	4147,7	4321,3	3915,7	182,8
Буғдой	876,0	1363,1	2346,9	2741,8	3073,0	3555,5	3599,7	3510,6	4 марта
Пахта	4234,5	3937,8	3934,1	3350,1	3645,0	3206,3	3652,3	3001,8	70,9
Картошка	472,4	567,1	439,8	513,5	691,9	691,4	649,6	729,8	154,5
Сабзавот	3038,7	2975,3	2712,6	2498,0	2384,2	2403,5	2651,0	2637,3	86,8
Полиз	622,3	578,0	471,9	469,7	476,2	470,0	502,1	457,2	73,5
Гўшт	814,1	827,2	853,0	800,6	800,7	808,7	819,7	841,5	103,4
Сут	3764,0	3731,6	3665,4	3403,6	3406,1	3494,9	3541,9	3656,5	97,1

* Жадвал Республика Макроиқтисодиёт ва статистика ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари маълумотлари асосида тузилган.

2-жадвалда 1993-2000 йилларда олинган ҳосилнинг экин майдони қуйидагича бўлган: 1993 йилда екилган майдон 4229,7 минг гектар бўлиб ҳосил йетиштирилган бўлса, 2000 йилда еса барча экин майдони 3774,9 минг гектарни ташкил этади.

Жумладан, 42,7%га дон экинлари 39%га техника экинлари, шу жумладан пахта 6,2%да, картошка сабзавот ҳамда полиз экинлари 12,1% , йем-хашак ҳам йетиштирилган. Ҳозирги даврда картошка аҳолининг талаби кундан-кунга ортиб бормоқда ва иккинчи нон маҳсулоти ўрнинини егалламоқда. Ендиликда Ўзбекистонда четдан картошка сотиб олиш йўқ. Чорвачилик маҳсулотлари йетиштириш суръатлари кескин ошмаяпти. Бунинг сабаби тармоқда иқтисодий ислохотлар бозор иқтисодиёти талаби даражасида амалга ошмаяпти. 1993 йилдан бошлаб чорвачиликда хусусийлаштириш амалга оширилмоқда, асосий хусусийлаштирилган фермерлар учун ер билан таъминлаш тўлиқ бўлмайди, натижада сермахсул чорва моллари сотиб юборилади. Мавжуд чорва молларининг маҳсулдорлиги пасаяди. Бу ҳолатни яхшилаш учун рентабелликка ҳукумат томонидан чорвачиликни рағбатлантириш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Кейинчалик бу соҳа маҳсулотлари кўпайишини таъминлаш мумкин.

Республика вилоятларида қишлоқ хўжалигининг маҳсулотлари ишлаб чиқирилишини 3-жадвалдан кўриш мумкин.

3.Ялпи товар маҳсулотларининг тақсимланиши ва кўпайтириш йуллари

Аграр соҳанинг муҳим вазифаларидан бири Ўзбекистон ҳудудидаги аграр соҳа маҳсулотларининг қайта ишловчи корхоналарнинг хом-ашё бўлган ва аҳолининг шашу соҳа маҳсулотларига бўлган талабини қондиришдан иборат. Шу билан бир қаторда ташқи бозор талабини ҳам еътибордан четда қолдирмаслик лозим. Бунинг учун аграр соҳада давлатнинг пахтага ва ғаллага бўлган енг муҳим буюртмаларни бажаришга асосланади. Бу маҳсулотлар бўйича буюртма миқдори ҳажмига нисбатан 30%га. Муҳим бир нарсани еъслатиб ўтиш керак. Қишлоқ хўжалигининг ўртача ҳосилдорлигидан келиб чиқиб соҳада йетиштирилаётган маҳсулотлардан уруғлик, ем-хашак ва ОЗУқаларнинг бир қисмини ички талабни қондиришга сарфланади. Акс ҳолда соҳада такрор ишлаб чиқаришни ривожлантириб бўлмайди.

Аграр соҳада ишлаб чиқаришни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида ривожлантиришни таъминлаш учун етиштирилган маҳсулотлардан, бир қисмини ишчи-хизматчиларга иш ҳақи ўрнига натурал шаклда берилади, уларнинг овқатланиши учун ажратилади, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида уларга маълум миқдорда тэкинга берилади.

Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалик корхоналарида етиштирилаётган маҳсулотлар муайян шакллар бўйича тақсимланишини 4-жадвалдан кўриш мумкин.

Аграр соҳада ялпи маҳсулотни кўпайтиришнинг иккийўли мавжуд:

1.Екстенсив йўл;

2.Интенсив йўл.


Екстенсив йўл экин майдонларини, чорва ҳайвонлари бош сонини кўпайтириш ҳисобига ялпи маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, бу усулни иқтисодий АДАБИЁТЛАРда, Америка усули, деб ҳам атайдилар. Лекин екстенсив йўл билан ялпи маҳсулот ҳажмининг кўпайтирилиши айрим ишлаб чиқариш ресурслари, жумладан, ер ва сув ресурслари табиатан чекланганлиги сабабли тўлиқ таъминланмайди.

Екстенсив усулдан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш учун моддий маблағ ва меҳнат ресурслари асосан янги ерларни ўзлаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши муомиласига киритишга, чорва молларининг бош сонини кўпайтиришга қаратилади. Натижада Ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларининг миқдори кўпайтирилади. Ўзбекистонда екстенсивйўл билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш Фарғона водийсининг айрим хўжаликларида, Хоразм вилоятида анча чекланган.

Интенсив йўл – бу фойдаланилаётган ерларнинг унумдорлигини ошириш, фан-техника, самарали технологияларни жорий этиш натижасида мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларнинг унумдорлигини юксалтириш, чорвачиликда са наслчилик ишларини яхши ривожлантириб, маҳсулотни кўпайтириш. Интенсив усул Пруссия йўли, деб ҳам аталади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш асосан моддий, маблағ ва меҳнат сарфларини, фан ютуқларини, янги техника ва илғор технологияларни, ҳайвонларнинг насл ва зотларини, Ўсимликчиликда еса Ўсимлик навларини яхшилаш орқали, демак қўшимча инвестицияларни сарфлашйўли билан амалга оширилади.

Интенсив усулдан барча соҳаларда фойдаланиш мумкин.

Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалик корхоналарида этиштирилаётган маҳсулотлар муайян каналлар бўйича тақсимланмоқда ва сотилмоқда, 4-жадвал.



Республика вилоятларида етиштирилган
қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, минг тонна*

Вилоятлар	Пахта		Бошоқли дон		Сабзавот		Полиз маҳсулотлар и		Гўшт		Сут	
	1996й	2000й	1996й	2000й	1996й	2000й	1996 й	2000й	1996й	2000й	1996й	2000й
Қорақалпоғистон Республикаси	203,9	125,4	10	64	20,3	15,1	15,7	8,1	37,6	38,9	117	126,1
Андижон	315,9	337,4	389,7	512,8	33	37,1	0,8	0,9	49,1	55,3	274,2	331,6
Бухоро	360,6	351,1	126,7	213,5	84	23,2	4,2	5	64,1	69,4	260,6	267,5
Жиззах	139,4	155,5	175,4	316,9	10,4	13,6	5,6	7,5	57,3	60,1	197,2	194,5
Қашқадарё	375,7	265,1	321,3	263,9	28,8	60,6	11,6	18	91,5	94,4	334,1	345,8
Навоий	101,3	103,6	55,5	92,6	3,3	9,2	2,5	2	46	45,5	118,7	124,2
Наманган	239,8	243,5	251,3	258,2	61,7	110	6,2	8	51	53,6	258,9	266
Самарқанд	216,8	167,7	231,2	278,1	115,9	162	4,2	5	97	104,4	347,2	425,1

Сурхондарё	360,1	259,5	271,3	203,1	14	20,1	4,3	11	67,7	74,6	294,4	326,1
Сирдарё	186,5	174,6	153,1	185,6	4,9	12,1	4,7	6	26	25,6	119,9	119,6
Тошкент	258,8	256,4	283,1	336	135	148	6,1	20	99	102,8	337	346,7
Фарғона	301,3	362,6	295,7	325,1	26	46,1	4,2	6,3	58,9	63,7	389,9	377,4
Хоразм	290	199	52	76,7	18,7	39,5	4,5	1,1	48,6	52,3	340,9	382,6
ЖАМИ	3350,1	3001,5	2616,3	3126,5	480,3	696	74,5	98,9	793,8	840,6	3390	3633,2

* Жадвал Республика Макроиктисодиёт ва статистика ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари маълумотлари асосида тузилган.

Чизмадан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалик корхоналари, аввало, йетиштирган пахта, дон маҳсулотларининг давлат буюртмасида кўрсатилган миқдорини «Ўзпахтасаноаотиш» уюшмаси ҳамда «Ўздонмаҳсулот» компаниясининг жойлардаги корхоналари билан тузилган шартномалар асосида сотадилар. Бу турдаги маҳсулотларнинг давлат буюрмаларидан ортиқча қисми эркин савдода шартномалар асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарга сотилади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, бозор иқтисоди шароитида корхоналарга етиштирган маҳсулотларини эркин сотиш имкониятлари тўлиқ борилиши зарур. Шунинг учун давлат буюртмалари ўрнига иқтисодий жиҳатдан ривожланган демократик давлатлардагидек маҳсулотларни эркин сотиб олиш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқиш лозим. Шу орқали давлатнинг иқтисодиётни эркинлаштириш сиёсати амалга оширилиши учун тўлиқ имконият яратилади.

ХУЛОСА

Қишлоқ хўжалигида аҳоли ва қайта ишлаш тармоқларининг талабларини қондириш мақсадида турли хил маҳсулотлар етиштирилмоқда. Улар мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 26-30 фоизини ташкил етмоқда. Ялпи маҳсулот–тайёр маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари йиғиндисидир.

Тайёр маҳсулотларни сотиш натижасида республика валюта тушумининг аксарият қисми шакллантирилмоқда. Ялпи маҳсулот таркибида тайёр ва товар маҳсулотлар салмоғини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тақсимлаш ва сотиш ўлларини, уларнинг бозорини ривожлантиришга еришиш лозим.

Ялпи маҳсулот миқдорини талаб даражасида кўпайтириш, сифатларини яхшилаш мақсадида экстенсив ҳамда интенсив усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Ялпи маҳсулот деганда нимани тушунаси?
2. Ялпи маҳсулотлар қандай турларда ҳисобга олинади?
3. Ялпи маҳсулотнинг таркиби қандай?
4. Тайёр маҳсулот деганда нимани тушунаси?
5. Қандай маҳсулот товар маҳсулоти деб аталади?
6. Маҳсулотларнинг товарлилик даражаси қандай аниқланади?
7. Ялпи ва товар маҳсулотларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти қандай?
8. Ялпи маҳсулотни кўпайтиришнинг қандай ўллари бор?

9. Екстенсив ҳамда интенсив усул ҳақида қандай тушунчага егасиз?
10. Маҳсулотлар сотишни ривожлантиришнинг қандай йўллари мавжуд?

15-Мавзу: Кишлоқ хўжалиги давлат томонидан тартибга солиш ва куллаб-куватлаш.

Режа:

- 1. Кишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва куллаб-куватлашнинг моҳияти ва зарурияти.**
- 2. Давлатнинг кишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва куллаб-куватлашдаги асосий вазифалари, уларни амалга ошириш шакллари ва усуллари.**
- 3. Ўзбекистон Республикасининг аграр сиёсати ва уни такомиллаштириш йўллари**

АДАБИЁТЛАР

- 1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: 1995 йил. 17-29 ва 43-57, 58-74, 228-245 бетлар.**
- 2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.: 1994 йил. 94-127, 251-267 бетлар.**
- 3. Каримов И.А. Ўзбекистон 21-аср бўлағида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: 1997 йил. 188-211 бетлар.**
- 4. Ҳакимов Р. ва бошқалар. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Т.: 2004 йил. 109-126 бетлар.**

1. Кишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва куллаб-куватлашнинг моҳияти ва зарурияти.

Кишлоқ хўжалигини марказлашган режалар асосида давлат томонидан маъмурий усуллар орқали бошқариш таъминотларидан воз кечиб, бу соҳага эркин бозор муносабатлари кириб келаётган пайтда давлатнинг аграр ишлаб чиқариш муносабатларига аралашуви ҳаётий заруратга айланади. чунки бундай заруратни бозор иқтисодиёти муносабатларининг ўзи ва ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси ҳам буни исботлаб бермоқда, бу аралашув шундан иборатки, тегишли қонун-қоидалар асосида тартибга солиниши ва қўллаб-қувватланиши лозим.

Эркин бозор тарафдорларининг фикрича, бозорнинг ўз-ўзини тартибга сола олиш хусусияти, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётига давлат аралашуви шарт эмас ва бунга зарурият ҳам йўқ деб ўйлайдилар. Иккинчидан, улар, қишлоқ хўжалигига хос бўлган бир қатор хусусиятларга ҳам таяниб, қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатлари амал қилиши

учун қулай шароитларнинг мавжудлиги ҳам қишлоқ хўжалигига давлатнинг аралашувига зарурият йўқ, деган ғояни илгари сурадилар, қишлоқ хўжалигининг Ўзига хос хусусиятлари, масалан, бу соҳа маҳсулотлари бозорида соф рақобат имкониятларининг мавжудлиги, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига хос табиий омиллар деҳқонлардан мустақил қарор қабул қила олмаслиги кабиларни илгари суриб, давлатнинг аралашувини инкор етмоқчи бўладилар.

Лекин Ўзбекистон бозор муносабатларига Ўта бошлагшандан даврдан бери, ҳозирги вақтгача ҳам республикамизда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини ривожлантириш давлатнинг фаол аралашувисиз ривожлантириб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Биринчидан, қишлоқ хўжалигида ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий характердаги омиллар билан бир қаторда ер, сув, Ўсимлик ва чорва моллари организм, ёруғлик, иссиқлик, ҳаво, табиий иқлим ва жуғрофий жойлашув каби табиий омиллар ҳам муҳим аҳамиятга ега. Иккинчидан, ишлаб чиқариш жараёнида хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатувчи омилларнинг серқирралиги ва мураккаб тизимдан иборатлиги ҳам қишлоқ хўжалик корхоналарининг самарали фаолият кўрсатиш имкониятларини чеклаб қўяди. Айниқса, ишлаб чиқариш табиий омилларнинг бир қисмини бошқариш деҳқонларнинг имкониятлар доирасидан ташқарида эканлиги, уларни олдиндан режалаштириб ёки олдини олиб бўлмаслиги ҳам хўжаликни ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Масалан, айрим қишлоқ хўжалик йилида об-ҳавонинг ёмон келиши, соҳага албатта манфий зарар келтириши мумкин. Яъни бу омиллар хўжаликнинг якуний молиявий натижаларига кучли таъсир етади.

Масалан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий иқлим шароитига боғлиқлиги деҳқонлар фаолиятини рағбатлантириш ва суғурталаш каби бир қатор ҳимоя воситаларини яратиб берилишини талаб қилади, жумладан, деҳқонларнинг об-ҳавога боғлиқлиги, географик муҳитга, жонли организмларга боғлиқлиги ва бошқа табиий шароитлар.

Агар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига деҳқон манфаати томонидан ёндашсак, уларнинг йил давомида маҳсулот йетиштириш учун сарфланган харажатлар табиий офат ва қурғоқчилик туфайли бекорга совурилиб кетиши мумкин. Бундай шароитда унинг кўрган зарарини қисман бўлса ҳам давлат томонидан қопламаслик келгуси йил ҳосили учун ҳам таҳдид солади.

Об-ҳавонинг ноқулай келиши фақат қишлоқ хўжалигига қийинчилик келтирмасдан бутун мамлакат миқёсида ҳам қийинчиликларни келтиради. Озиқ-овқат танқислиги вужудга келмаслиги учун давлатнинг махсус захиралари бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ҳосил мўл бўлган йилларда давлат озиқ-овқат маҳсулотларининг талабдан ошиқ қисмини деҳқонлардан харид қилиб, махсус омборларда сақлаши ва об-ҳаво ноқулай келиб, танқислик вужудга келган йиллари бу захиралардан талабни қондириш мақсадида фойдаланиши мумкин. Бу тадбир ҳозирги вақтда дунёнинг бир қатор илғор давлатларида қўлланиб келинади ва Ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

2. Давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашдаги асосий вазифалари, уларни амалга ошириш шакллари ва усуллари.

Ўзбекистонда миллий қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашдаги асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

1. Ҳуқуқий тартибга солиш вазифаси;
 2. Барқарорлаштириш вазифаси;
 3. Тартибга солиш вазифаси;
 4. Рағбатлантириш вазифаси;
 5. Тақсимлаш вазифаси;
 6. Ижтимоий қафолатлаш вазифаси;
 7. Муҳофаза қилиш вазифаси;
 8. Назорат этиш вазифаси;
 9. Ташқи иқтисодий фаолиятни муқобиллаштириш вазифаси;
 10. Истиқболни белгилаш вазифаси.
1. **Ҳуқуқий тартибга солиш вазифаси** – давлат аграр иқтисодиёт барқарор ривожланишини ва ҳар бир хўжалик юритувчи субъект тенг шароитларда фаолият юритишини таъминлашга имкон берувчи меъёрлар ҳамда қонунларни қабул қилиш орқали, ижтимоий- иқтисодий жараёнларнинг ҳуқуқий асосларини яратишни назарда тутади.
 2. **Барқарорлаштириш вазифаси** – аграр иқтисодиётда инқирозли ҳолатларни бартараф этиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг пасайишига ўл қўймаслик ва агросаноат мажмуи таркибининг мутаносиблигини таъминлаш билан боғлиқ.
 3. **Тартибга солиш вазифаси** – хўжалик юритувчи субъектларнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида бозор

тузилмалари билан давлат бошқарувининг Ўзаро манфаатлилиги ҳамда уйғунлигини шакллантиришдан иборат.

4. **Рағбатлантириш вазифаси** – миллий иқтисодиёт доирасида қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётини, хусусий тадбиркорликни, адолатли рақобат курашини ёки бошқа устувор йўналишларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш чораларини ифодалайди.
5. **Тақсимлаш вазифаси** - ижтимоий адолат ва ҳимоялаш воситаси сифатида даромадларни қайта тақсимлаш, шунингдек, ички маҳсулот таркибини Ўзгартириш мақсадида ресурслар тақсимотига тузатишлар киритиш билан боғлиқ.
6. **Ижтимоий кафолатлаш вазифаси** – қишлоқ хўжалигида ижтимоий таъминот ва аҳоли ночор қатламларини ҳимоялашнинг самарали тизимини яратиш, ишлаб чиқариш ва тақсимотнинг ижтимоий йўналтирилганлигини таъминлаш, таълим, соғлиқни сақлаш ва маданий тадбирларга бўлган эҳтиёжни қондириш билан боғлиқ чора-тадбирларни Ўз ичига олади.
7. **Муҳофаза қилиш вазифаси** аграр ишлаб чиқаришни салбий характердаги ташқи таъсирлардан (масалан, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, қурғоқчилик ёки табиий-офатлар ва бошқ.) сақлаш, миллий товар ишлаб чиқарувчиларни ташқи экспортёрлардан ёки жаҳон бозоридаги кучли рақобатдан ҳимоялаш каби вазифалардан иборат.
8. **Назорат етиш вазифаси** - қишлоқ хўжалигида қонуний-меъёрий ҳужжатлар, ҳукумат қарорлари ва давлат андозаларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш билан боғлиқ.
9. **Ташқи иқтисодий фаолиятни муқобиллаштириш вазифаси** – халқаро бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортёрларининг манфаатларини ҳимоялаш, божхона таърифлари ва солиқлар орқали экспортга йўналтирилган маҳсулотлар яратишни рағбатлантириш, улар учун қулай иқтисодий муҳит ҳосил қилиш тадбирларидан иборат.
10. **Истиқболни белгилаш вазифаси** – қишлоқ хўжалигини истиқболда ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, барқарор аграр тараққиётнинг самарали вариантларини изчил амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

3. Ўзбекистон Республикасининг аграр сиёсати ва уни такомиллаштириш йуллари

Республикада амалга оширилаётган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги давлат сиёсати, биринчи навбатда Ўзбекистонда мустаҳкам озиқ-овқат базасини мустаҳкамлаш, ердан ва сувдан оқилона фойдаланиш учун шарт-шароитларин яратиш, мулкчиликда еса давлат монополиясини кескин

чеклашйўли билан, хусусий мулк егаларига кенгйўл очиб бериш, қишлоқда тадбиркорликнинг кенг ривожланишига еришиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига қаратилгандир.

Ҳозирги даврда Республикамизда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш борасида қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

- 1. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий негизини такомиллаштириш;**
2. Қонунда кўрсатилган ҳуқуқлари бузилишигайўл қўймаслик;
3. Корхоналарнинг ички фаолиятига аралашувнинг ҳар қандай кўринишигайўл қўймаслик;
4. Қишлоқ хўжалигида мақбул баҳо сиёсатини юритиш, доимий равишда қишлоқ хўжалиги ва саноат товарлари орасидаги баҳолар паритетини сақлаб боориш;
5. Даромадлар пасайиб кетишигайўл қўймаслик;
6. Илғор технология ва техникалар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш;
7. Фуқаролар тадбиркорлик фаолияти билан эркин шуғулланишлари ва ундан манфаатдорлигининг кафолатлари ва шароитларини таъминлаш, уларнинг ишбилармонлик фаоллигини ошириш ҳамда қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилиш;
8. Молия-кредит тизимини такомиллаштириш ҳамда корхоналарнинг кредит манбалари ва сармояларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;
9. Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни кенгайтириш ва ривожлантириш;
10. Улгуржи ва майда улгуржи савдони ривожлантириш, корхоналарнинг хомашё, ахборотлар ва технологиялардан эркин ва тўсиқларсиз фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотиш тизимини такомиллаштириш;
11. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолияти кўрсаткичларининг бухгалтерлик ҳисоби ва таҳлили тизимини такомиллаштириш, улар учун давлат статистика, бухгалтерия ва солиқ ҳисоботининг соддалаштирилган тартибини жорий етиш;
12. Кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;
13. Пул-кредит тизимининг барқарор фаолиятини таъминлаш учун суғурта тизими аҳамиятини ошириш;
14. Ерга мулкчилик, ер ва сувдан самарали фойдаланиш механизмини шакллантириш.

Хабарингиз бор, биз Ўтган дарсларда сувдан фойдаланиш механизмларидан бири бўлган Республикамизда сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ) ташкил етилганлигини қараб чиққан Едик.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини тартибга солиш, мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ишлари билан шуғулланадиганлар:

а) тегишли давлат бошқаруви органлари;

б) Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги;

в) Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда бошқа тузилмалар.

Шулар билан бир қаторда: Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Бизнес-фонд, Бандликка кўмаклашиш жамғармаси, тижорат банклари, «Мадад», «Биржасавдосуғурта», «Агросуғурта» суғурта агентликлари ва бошқа институционал тузилмалар қишлоқхўжалик корхоналарига: бизнес-режа тузиш, имтиёзли кредитлар олиш ва уларни амалга оширишга кўмаклашадилар. Бунда тижорат банклари, турли жамғармалар имтиёзли кредит ажратиш билан ёрдам берса, суғурта агентликлари кредит хатари ва бошқа ғавқулодда ҳолатлардан суғурталайди.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва мувофиқлаштириш борасида мустақкам ҳуқуқий-меъёрий асос яратилган, булар жумласига:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
2. «Фуқаролик Кодекси»;
3. «Ер кодекси»;
4. «Солиқ Кодекси»
5. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун;
6. «Ширкат хўжалиги тўғрисида»ги қонун;
7. «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун;
8. «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун;

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармонлари

10. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар республикада қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг турли жиҳатларини тартибга солиб туради ва уларнинг хўжалик фаолиятига давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳамда бошқа органлар ва ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг аралашувига йўл қўйилмайди.

Давлат тадбиркорларнинг эркинлиги, ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва уларнинг фаолиятига асоссиз аралашувларни чеклаб қўяди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш мақсадида фермер хўжаликларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунининг 29-моддасида: «Давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва уни реализация қилиш билан шуғулланувчи фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя етилишини кафолатлайди», - деб еътироф етилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги 347-сонли «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан

Ўтказиш ҳамда ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тадбиркорлик субъектларини, жумладан, фермер хўжаликларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг енгиллаштирилган тартиби жорий етилди. Унга кўра, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш «бирйўла» тамойили асосида, уларни автоматик тарзда ҳисобга қўйиш билан амалга оширилади. Қарорга мувофиқ туман ҳокимиятлари таркибида давлат рўйхатига олиш бўйича махсус хизмат ташкил етилган бўлиб, унинг ходимлари тадбиркорни давлат рўйхатидан Ўтказиш билан боғлиқ барча ҳужжатларни тайёрлаш, уларнийўл фонди, меҳнат, бандлик ва ижтимоий таъминот бўлими, солиқ ҳамда статистика органларида ҳисобга қўйиш ишларини Ўзлари амалга оширадилар.

ХУЛОСА

Ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мамлакат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишидир. Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқаришнинг давлат томонидан тартибга олиниб турилишини талаб қилади. Бозор шароитида ишлаб чиқариш давлат томонидан иқтисодий дастаклар ёрдамида тартибга солиниб турилади.

Қишлоқ хўжалиги Ўз хусусиятларига кўра давлат томонидан тартибга солиниб туришга айниқса муҳтож. Гап шундаки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан жуда кўплаб корхоналар шуғулланади. Натижада маълум маънода идеал рақобат муҳити вужудга

келади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий муҳитга боғлиқлиги ҳам давлат томонидан аралашувни талаб қилади. Акс ҳолда жуда кўплаб корхоналар ишлаб чиқариш натижаларига кўра, зарар кўриши мумкин.

Қишлоқ хўжалигига давлат жуда кўп дастаклар орқали таъсир кўрсатади. Давлат томонидан ишлаб чиқаришни тартибга солиш жараёни йилдан-йилга такомиллаштирилиб борилмоқда.

НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

- 1. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиб туриш ва қўллаб-қувватлашнинг моҳияти ва зарурати нимада?**
- 2. Давлатнинг иқтисодий функциялари, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш соҳасидаги вазифалари нималардан иборат?**
- 3. Аграр сиёсат нима? Ўзбекистонда аграр сиёсатни такомиллаштириш йўллари нималарга асосланади?**

16-Мавзу: Агросаноат мажмуасида молия-кредит тизимининг амал қилиш механизми.

Режа:

- 1. Агросаноат мажмуаси молия-кредит тизимининг моҳияти ва хусусиятлари**
- 2. Қишлоқ хўжалигини кредитлаш усуллари, шакллари ва уларнинг манбалари**
- 3. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни молиялаштиришнинг бошқа манбалари ва улардан самарали фойдаланиш**

АДАБИЁТЛАР

- 1. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: 1995 йил. 17-29, 58-74, 88-101, 172-178, 179-194 бетлар.**
- 2. Ўзбекистонда кичик ва ўрта тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб - қувватлаш. -Т.: Босқон, 1998.**
- 3. Ҳакимов Р., Отақулов М. ва бошқалар. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Т.: 2004 йил. 127-143-бетлар.**
- 4. Серова Е.В. Аграрная экономика: Учебник для студентов экономических вузов, факультетов и специальностей. – М.: ГУ ВШЭ, 1999.**

5. Попов Н.А. Экономика сельского хозяйства: Учебник. – М.: Изд-во «Дело и Сервис», 2000.

6. Ишмухаммедов А.Е. ва бошқалар. Бозор иқтисодиёти ва бизнес асослари. Ўқув қўлланма. Т.: 2004 йил. ХИИ боб. 93-104 бетлар. Молия ва банк тизими.

1. Агросаноат мажмуаси молия-кредит тизимининг моҳияти ва хусусиятлари

Бозор иқтисодиётидаги ҳар қандай фаолият пул талаб қилади, молияни юзага келтиради. Умуман, молия халқ хўжалигидаги пул ресурслари билан боғланган бўлиб, «бундай ресурсларни ҳосил қилиш», «тақсимлаш» ва «ишлатиш жараёнларининг шаклланиши» тушунчаларидан иборат.

Молия:

- товар моддий қийматликларни харид этиш, маҳсулот, иш ва хизматларни реализация қилиш жараёнидаги корхоналар ўртасида;
- марказлашган пул маблағлари жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш юзасидан корхоналар билан юқори ташкилотлар ўртасида;
- бюджет тизимида солиқлар тўлаш ва харажатларни молиялаштириш жараёнида корхоналар билан давлат ўртасида;
- тўловларни амалда ошириш ва ресурслар харид этишда корхоналар, уй хўжалиги ва бюджетдан ташқари жамғармалар ўртасида;
- бюджет тизимининг алоҳида бўғинлари ўртасида;
- суғурта ҳолатлари вужудга келганда зарарларни қоплаш ва суғурта тўловларини амалга оширишда корхоналар, уй хўжалиги ва суғурта органлари ўртасида вужудга келадиган пул муносабатларини акс эттиради;

Молия, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шароитларини таъминлаш ва давлатнинг Ўз олдида қўйган мақсадини, вазифаларини амалга ошириш учун марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул жамғармаларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатларни Ўзида акс еттирувчи тизимдир.

Марказлаштирилган молия деганда давлат бюджети тизимининг ва ҳукуматининг бюджетдан ташқари жамғармаларида жамланадиган пул маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар тушунилади.

Марказлаштирилмаган молия еса корхоналар пул жамғармаларининг доиравий айланиши билан боғлиқ муносабатларни Ўз ичига олади.

Молия пул муносабатларининг ажралмас қисми бўлиб, унинг иқтисодий тизимдаги ўрни ва аҳамияти ана шу пул муносабатларининг шаклланиш даражасига боғлиқ. Ўзининг моддий мазмунига кўра, молия мамлакатнинг молиявий ресурсларини ташкил етувчи мақсадли пул маблағлари жамғармасини ифодалайди.

Молия – бу қуйидаги пул муносабатларини Ўзида акс еттиради:

1-дан, товар моддий қийматликларни харид етишни, маҳсулотни, иш ва хизматларни реализация қилиш жараёнидаги корхоналар Ўртасидаги пул муносабатларини акс еттиради;

2-дан, молия - марказлашган пул маблағлари жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш юзасидан вужудга келадиган корхоналар Ўртасидаги пул муносабатларини акс еттиради;

3-дан, молия – бу бюджет тизимида солиқлар тўлаш ва харажатларни молиялаштириш жараёнида корхоналар билан давлат Ўртасида вужудга келадиган пул муносабатларини акс еттиради;

4-дан, молия – бу тўловларни амалга ошириш ва ресурсларни харид етишда корхоналар Ўртасидаги уй хўжалиги ва бюджетдан ташқари жамғармалар Ўртасида вужудга келадиган пул муносабатларини акс еттиради;

5-дан, молия - бюджет тизимининг алоҳида бўғинлари Ўртасида вужудга келадиган пул муносабатларини акс еттиради;

6-дан, молия - суғурта ҳолатлари вужудга келганда зарарларни қоплаш ва суғурта тўловларини амалга оширишда корхоналар, уй хўжалиги ва суғурта органлари Ўртасида вужудга келадиган пул муносабатларини акс еттиради.

Пул маблағлари ҳосил бўлишининг асосий моддий манбаи бўлиб, мамлакатнинг миллий даромади, яъни янгитдан яратилган қиймат ёки ЯИМдан ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситаларининг ва меҳнат қуролларининг чегириб ташланган қисми хизмат қилади.

Молиясиз миллий даромадни тақсимлаб бўлмайди.

Молия ва кредит Ўзаро боғланган категориялар бўлиб, улар ёрдамида корхоналарнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида пул жамғармалари доиравий айланиши таъминланади.

Кредит банк тизими ва ихтисослашган молия-кредит муассасалари орқали ссуда жамғармасининг ҳаракатини ифодалайди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари молиясининг моҳияти нимадан иборат? Қишлоқ хўжалиги корхоналари молиясининг моҳияти 1-навбатда қишлоқ хўжалигининг Ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Қишлоқ хўжалигида ер, чорва моллари ва бошқа табиий бойликлар ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилиб, бу унинг иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан фарқланишига сабаб бўлади. Айниқса, қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер бошқа асосий воситалар сингари ескирмайди (амортизация қилинмайди) ва шу сабабли маҳсулот таннархини шакллантиришда иштирок етмайди. Лекин, шу билан бир вақтда ер участкаларининг табиий унумдорлик даражаси ва жойлашган Ўрни қишлоқ хўжалиги корхоналарида дифференциал даромад (рента) ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер, бошқа ишлаб чиқариш фондларининг муҳим қисмини маҳсулодор моллар ва ишчи ҳайвонлар ташкил этади. Лекин, уларни такрор ишлаб чиқариш жараёни бевосита қишлоқ хўжалигининг ўзида амалга оширилади. Ер сингари маҳсулодор чорва молларига нисбатан ҳам амортизасия ҳисобланмайди ва маҳсулот таннархи шаклланишида иштирок етмайди.

Қишлоқ хўжалигининг Ўзига хос яна бир хусусияти шундаки, ишлатиладиган кўпгина хомашё ва материаллар бевосита корхонанинг Ўзида яратилган маҳсулотнинг маълум бир қисми реализация қилинмасдан корхонанинг Ўзида такрор ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш учун корхонанинг Ўзида олиб қолинади. Масалан, подани тўлдириш учун ёш моллар, уруғлик, чорва моллари учун хашак, озуқа, маҳаллий Ўғит сифатида гўнг, Ўсимликчиликда еса экин учун уруғлик ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалигининг Ўзига хос яна бир хусусияти шундаки, чорва молларини боқиш ва Ўсимликларни парвариш қилиш, ишлаб чиқариш жараёнига айланма маблағларнинг узоқ вақт давомида айланиш 1 йилгача давом еца, чорвачиликда еса 9 ойгача давом этади, натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми йил охирида асосан ИВ чоракда реализация қилинади ва пул тушумининг бир маромда айланишига имкон бермайди. Бу еса хўжаликнинг якуний молиявий натижаларини фақат йил якунига кўра аниқлашни тақозо этади.

Қишлоқ хўжалигининг яна бир ўзига хос хусусияти – бу ишлаб чиқаришининг табиий-иқлим шароитларига боғлиқлиги. Масалан, курғоқчилик ёки сув тошқини, ҳосил бўлмай қолиши ёки паст

ҳосилдорлик ва шунга ўхшаш бошқа табиий офатларнинг бўлиб туриши, бунга қарши еса корхоналарнинг моддий захираларини ва пул захира фондларини бўлишини тақазо этади.

2. Қишлоқ хўжалигини кредитлаш усуллари, шакллари ва уларнинг манбалари

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятини молиялаштиришда корхона маблағлари йетарли бўлмаган ҳолатларда четдан қарзга маблағ жалб етишга тўғри келади. Четдан жалб етиладиган қарз маблағлари қуйидаги манбалар евазига бўлиши мумкин:

1. Тижорат банкларининг кредитлари;
2. Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредитлари;
3. Халқаро молия ташкилотларининг маблағлари, лекин тижорат банклари лойиҳалари орқали;
4. Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан кредитлар;
5. Кредит иттифоқлари ва бошқа кредит берувчи субъектлар кредитлари.

Тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлаш улар фаолиятини молиялаштиришнинг енг муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Чунки, у қишлоқ хўжалиги корхонаси ва кредит ташкилоти ўртасида тегишли шартномавий муносабатларни шакллантириш орқали ўрнатиладиган молиявий муносабатдир. Бу муносабатларнинг марказий бўғини бўлиб кредит шартномаси ҳисобланади, чунки бу шартнома ссуданинг таъминланганлиги, кредитлар ўз вақтида фоизи билан қайтарилишининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

Тижорат банклари томонидан кредит бериш муддатлилиги, ўз вақтида қайтариб бериш, тўловлилиги ва таъминланганлик тамойиллари асосида амалга оширилади.

Муддатлилиқ тамойили шуни билдирадики, кредитлар тақдим етиш муддатига кўра қисқа, ўрта ва узок муддатлига ажратилади.

Қисқа муддатли кредитлар, одатда, жорий ишлаб чиқаришни айланма маблағлар билан таъминлаш мақсадида, нисбатан юқори фоизларда ва бир йилгача муддатда қайтариш шарти билан берилади.

Ўрта муддатли кредитлар 1 йилдан 5 йилгача муддатга, ишлаб чиқаришнинг хусусияти сарфланган инвестицияларни шу муддат ичида тўла коплаш имконини берадиган соҳаларга берилади.

Узоқ муддатли кредитлар 5 йилдан кўп муддатга, инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун, одатда, ишлаб чиқаришни техник куроллантириш, қайта қуриш ва капитал таъмирлаш мақсадларига берилади.

Қайтаришлик тамойили қарздорнинг кредитни тўлиқ ҳажмда кредиторга қайтариши бўйича жавобгарлигини ажратади.

Тўловлилик тамойилига еса кредитлаш шартларига кўра, қарздор кредиторга кредитни қайтариш кафолатини таъминлаши лозимлигида келиб чиқади. Чунки, қарздор кредитни қайтаришдан бош тортганда, кредитор қарздорнинг ёки қарздорга тегишли кафолат берган, ёки кафиллик берган юридик шахснинг мол-мулкидан тегишли миқдоридаги маблағларни ўз тасарруфига олиш имкониятига ега бўлиши керак.

Лекин, банклар ўзлари билан доимий алоқада бўлган, банк рақамида мунтазам равишда пул оқими мавжуд, яхши обрўга ва кредит тарихига ега бўлган қарз олувчиларга бу таъминот турларини талаб қилмасдан, бланкали, яъни ишончли кредит беришлари ҳам мумкин.

Банк кредитлари лойиҳанинг хусусиятига кўра, имтиёзли кредит ёки имтиёзсиз кредит шартларида берилиши ҳам мумкин.

Имтиёзли кредитлар устивор йўналишлар учун, одатда, давлат дастурлари доирасида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида берилади.

Айрим ҳолларда еса давлат қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида қисқа муддатли кредитларни қайтариш муддатини узайтиришга имконият яратади. Айниқса, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун айланма маблағларни тўлдиришга бериладиган қисқа муддатли кредитлар, одатда, 1 йилгача муддатга берилса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил етиш учун фермер хўжаликларига, шунингдек, юридик шахс мақомига ега бўлган деҳқон хўжаликларига айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган бундай кредитлар, одатда, 2 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.


Лекин, фермер ва деҳқон хўжаликларининг ўз айланма маблағларини тўлдириш мақсадида, қишлоқ хўжалиги боғлиқ бўлмаган

фаолияти учун олинган кредитдан фойдаланиш муддати, уни қайтариш муддати узайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, 12 ойдан ошмаслиги керак.

3. Кишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни молиялаштиришнинг бошқа манбалари ва улардан самарали фойдаланиш

Кишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини молиялаштиришда ўз маблағлари етарли бўлмаган ҳолатларда четдан қарзга маблағлари етарли бўлмаган ҳолатларда четдан қарзга маблағ жалб этишига тўғри келади. Четдан жалб этиладиган қарз маблағлари қуйидаги манбалар эвазига бўлиши мумкин:

- 1.Тижорат банкларининг кредитлари;
- 2.Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредитлари;
- 3.Халқаро молия ташкилотларининг маблағлари (тижорат банклари лойиҳалари орқали);
- 4.Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан кредитлар;
- 5.Кредит иттифоқлари ва бошқа кредит берувчи субъектлар кредитлари.



17-Мавзу: Европа хамжамиятининг ягона аграр сиёсати.

Режа:

- 1. Европа ҳамжамияти ягона аграр сиёсатининг зарурати, аҳамияти ва ривожланиши.**
- 2. Европа ягона аграр сиёсатида кишлок хужалиги маҳсулотлари нархларини куллаб-қувватлаш механизми**

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ўлида. Т.: 1995 йил, 102-118 бетлар.
 2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ аср бўёсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: «Ўзбекистон», 1997 йил. 296-323 бет. Жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик.
 3. Ўзбекистонда кичик ва Ўрта тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш. Т.: 1998 йил.
 4. Ҳакимов Р., Отақулов М. ва бошқалар. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Т.: 2004 йил. 144-148 бетлар.
 5. Попов Н.А. Экономика сельского хозяйства. Учебник. М.: издательство «Демо и сервис», 2000 год.
- Сиёсий партиялар. Справочник. Русча нашрдан таржима. «Ўзбекистон» нашриёти, бундан 33 та Европа давлатлари тўғрисида ва 50 та АҚШ давлатлари тўғрисида маълумот берилган.

1. Европа ҳамжамияти ягона аграр сиёсатининг зарурати, аҳамияти ва ривожланиши.

Маълумки, иккинчи жаҳон уруши 1941 йилда бошланиб 1945 йил 9 майда тугаган еди. Шундан кейин Европа давлатлари учун интеграциялашув жараёнига хавфсизликни таъминлайдиган энг асосий омил сифатида бошланди ва шу мақсада 1948 йилда Европа Иқтисодий Кооперасияси Ташкилоти тузудди. Натижада Белгия, Нидерландия ва Люксембург ягона божхона иттифоқи вужудга келтиридилар.

Белгия тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, бу Ғарбий Европада жойлашган, территорияси – 30,5 минг км². Белгия конституцион монархия. Давлат бошлиғи - Қирол.

Қонун чиқарувчилик ҳокимияти вакиллари палатаси депутат ва сенатдан иборат парламент қўлида. Аҳолиси тўғрисида маълумот ҳозирга йўқ, лекин 1985 йилда 10 млн киши бўлган (справочник 94-бет).

Нидерландия (Нидерландия Қироллиги) Ғарбий Европанинг Шимолий соҳилидаги давлат. Территорияси – 41,1 минг км².

Нидерландия - конституцион монархия. Қонун чиқарувчилик ҳокимияти, қирол ва 2 палатадан иборат, бош штатлар (парламент) қўлида.

Ижроия ҳокимиятини министрлар кабинети амалга оширади. Аҳолиси тўғрисида ҳозирги янги маълумот йўқ. Лекин 1984 йилда 14,6 млн. киши бўлган (справочник 89-бет).

Люксембург (Люксембург Буюк Грецоглиги) - Ғарбий Европадаги давлат. Территорияси – 2586 км². Люксембург – конституцион монархия. Давлат бошлиғи – Буюк герцог. Қонун чиқарувчилик ҳокимиятини депутатлар палатаси амалга оширади, ҳукумат шу палата олдида масъулдир.

1867 йилги Лондон конференцияси Люксембургни «абдий бетараф» давлат деб эълон қилди, аммо 1948 йилда бетарафлик тўғрисидаги модда Люксембургнинг Конституциясидан чиқариб ташланди. 1949 йилда люксембургнинг Ўнг доиралари мамлакатни НАТОга тортдилар.

Люксембург Бенилюкс (Белгия, Нидерландия, Люксембург) иқтисодий Ҳамкорлигига (ЕИХ) ва Ғарбий Европа иттифоқига ҳам киради.

Европа давлатларининг иқтисодий интеграциялашувида Маршал режаси катта аҳамият касб этди. Интеграциялашув натижасида 1948-1952 йилларда АҚШ ва Канада давлатларидан Европага 25 млрд. АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб етилди. 1951 йилда Европа кўмир ва пўлат ҳамжамити вужудга келди, бу ҳамжамият натижасида кўмир ва пўлат учун божхона тўловлари, квоталар ва субсидиялар бекор қилинди.

1941-45 йиллардаги урушдан кейинги йилларда Европа қишлоқ хўжалиги жуда ёмон аҳволда еди. Бу давлатлардаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархи АҚШ ва Канададагидан бир неча марта қиммат еди, бу еса, Европа давлатлари учун жуда катта муаммоларни келтириб чиқарди. Бундай муаммоларни ечиш зарурати еса, қишлоқ хўжалиги имкониятларини кенгайтириш ва Европа давлатлари ўртасида маҳсулотларнинг эркин ҳаракатланишини таъминлашдан иборат еди. Бунинг учун Европа давлатлари арзон импорт маҳсулотларидан ҳимояланиб, Ўзларининг қишлоқ хўжалигини мустаҳкамлаш мустаҳкам асосга қўйишга киришдилар. Бунинг натижасида 1957 йилда Европа давлатларидан 6 таси Рим шаҳрида Рим шартномасини имзоладилар. Бу шартнома Европа ҳамжамияти ташкил етилишига асос солди ва бу шартноманинг 38-47 - моддалари Европа ягона аграр сиёсатининг асосий тамойиларини белгилаб берди. Ушбу ҳужжат бўйича Европа аграрсиёсатининг мақсадларини қуйидагича белгиланди:

- 1. Ишлаб чиқариш омилларидан оптимал ишлаб чиқариш, фойдаланиш қишлоқ хўжалигининг ривожланишига техникавий ёрдам кўрсатиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш;**
- 2. Қишлоқ жойларда яшайдиганларга яхши турмуш даражасини яратиш, айниқса, қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётганлар**

даромадини ошириш евазига уларнинг турмуш даражасини кескин ошириш;

3. Бозорни барқарорлаштириш;
4. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кафолотли таъминотини вужудга келтириш;
5. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг истеъмолчилар учун мақбул баҳоларини вужудга келтириш.

Европа иттифоқи Вазирларлар Кенгаши 1962 йилда дон маҳсулотлари учун ягона Европа бозорини тартибга солиш ва солиб туриш механизмлари ишлаб чиқилди ва бу механизмлар қуйидагилардан иборат:

1. Мақсадли нархларни ўрнатиш;
2. Интервенсион нархлар жорий қилиш;
3. Остона нархлар ўрнатиш;
4. Ўзгарувчан импорт тарифларидан фойдаланиш;
5. Субсидияларидан фойдаланиш.

Булардан ташқари, ягона дон бозорини молиялаштириш тартибини ҳам жорий қилди.

Лекин, Европа ягона аграр бозорини ўрнатиш бўйича қилинган катта ишларга қарамасдан бу жараён осон кечмади. Чунки, 1962 йилда ягона дон бозори ўрнатиш бўйича келишув 1967 йилда амалга ошди, ёки марказлашган молиялаштиришни амалга ошириш учун тузилган Европа қишлоқ хўжалигига йўналтирилган фонд ва кафолат фондига пул ажратиш еса 1969 йилга келиб амалга оширилди. Натижада, кўп қийинчиликлардан кейин 1970 йилга келиб Европа ягона аграр сиёсати унга аъзо давлатлари учун хизмат қиладиган жуда катта амалий кучга айланди.

1972 йилда еса Европа ҳамжамиятининг «Қишлоқ хўжалиги –80» номли Мансхолд режаси қабул қилинди, ушбу режага асосан 1980 йилга келиб, қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сонини 5 млн. кишига камайтириш ва фермерларнинг ўртача ҳажмини ошириш вазифасини қўйилади, лекин, бу ихтиёрий еди.

«Қишлоқ хўжалиги –80» номли «Қишлоқ хўжалиги –80» Мансхолд режасида қуйидаги асосий тадбирларни амалга ошириш белгилалаб берилган:

1. 55-65 ёшдан ошган фермерлар Ўз фаолиятларини тўхтатганда уларга йилига маълум миқдорда пул маблағлари беришни ташкил етиш;
2. истиқболли деб топилган фермерларга имтиёзли кредитлар ва кредит кафолотлари бериш;
3. фермерлар учун ахборот ва маслаҳат хизматларини ташкил етиш ва уларни ривожлантириш;
4. маркетинг хизматларини ривожлантириш юзасидан ташкил етилаётган уюшмаларни ва бирлашмаларни қўллаб-қувватлаш;
5. Қишлоқ хўжалигига янги ерларни жалб етишни чеклаш.

1972 йилда «Қишлоқ хўжалиги –80» номли Мансхолд режаси қабул қилингандан орадан 20 йил ўтгач, 1992 йилда Европа ягона аграр сиёсатини ривожлантириш бўйича янги режа – Мак-Шерри режаси қабул қилинди.

Бу режанинг асосий мазмуни қуйидагилардан ўз ифадасини топди:

- 1. Деҳқончилик ва қорамолчилик маҳсулотларига бўлган нарх дунё даражасиги яқинлаштирилиши керак, чунки 90-йилларда ҳам Европа давлатларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқариш нархи АҚШ ва Канададаги даражадан анча қиммат бўлган;**
- 2. Фермерларга нархларни туширганлари учун зарарни қоплайдиган тўловлар тўлашни ташкил этиш;**
- 3. Зарарни қоплаш тўловлари ишлаб чиқаришдан ерларни озод қилган ва 1 га ерга чорва молларининг максимал бириктирилишини таъминлаган фермерларга бериш;**
- 4. Фермерларнинг экологик масалаларни тўғри ҳал этишда қатнашишлари, ерта пенсияга чиқишларини қўллаб-қувватлаш.**

1997 йилда Европа Ҳамжамияти Комиссияси «2000 йил кун тартиби: қишлоқ хўжалиги» ҳужжатини еълон қилди.

2. Европа ягона аграр сиёсатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларини қўллаб-қувватлаш механизми

Юқорида айтиб ўтилгандек, Европа ҳамжамиятига аъзо давлатлар ўртасида олиб борилаётган ягона аграр сиёсат ўзига хос механизмлар билан тартибга солиниб турилади. Бу механизмларнинг асосини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархларини ягона бозорда қўллаб-қувватлаб туриш ташкил этади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархларини бозорда қўллаб-қувватлашнинг асосларидан бири еса – мақсадли нархлар ҳисобланади.

Мақсадли нархлар қандай нархлар? Мақсадли нархлар бирор маҳсулот енг кам таъминланган жойларда хоҳиши бўйича ўрнатилиши мумкин бўлган нархдир.

Масалан, дончиликда мақсадли нарх ўрнатилган, жой Германиянинг Дисбург шаҳри деб қабул қилинган, чунки Дисбург шаҳри дон билан нисбатан яхши таъминланмаган зона ҳисобланади.

Дон ишлаб чиқарувчи асосий зона деб еса Франциянинг шимолий қисмида жойлашган Орме шаҳри қабул қилинган. Мақсадли нархлар ҳар

йили Европа Ҳамжамиятининг Вазирлар маҳкамасининг Кенгаши томонидан Ўрнатилади ва у барча ҳисоб-китобларнинг асосини ташкил топади.

Интервенсион нархлар қандай нархлар? Интервенцион нархлар мақсадли нархлардан паст Ўрнатилади. Бу нархларнинг асосий мақсади ички нархларнинг маълум миқдордан пасайиб кетмаслигини таъминлашдир.

Мақсадли нархлар билан интервенцион нархлар Ўртасидаги фарқ доннинг Франциянинг Орме шаҳридан Германиянинг Дисбург шаҳрига олиб келиш билан боғлиқ бўлган харажатлар миқдорида бўлади.

Агар бозорда нарх интервенцион нархлардан паст бўлса, бундай пайтда интервенцион идоралар Ўз ишини бошлайди, яъни инвертацион идоралар донни фермерлардан интервенцион нархларда сотиб ола бошлайдилар.

Агарда бозор нархи интервенцион нархдан юқори бўлган тақдирда фермерлар Ўз маҳсулотларини бозорда эркин сотадилар.

Интервенсион идоралар сотиб олган маҳсулотларини зарарга бўлсада, четга экспорт қиладилар.

Интервенсион нархлар дунё нархларидан паст бўлиши катта салбий оқибатларга олиб келиши мумкин, бундай шароитда четдан маҳсулотлар кириб келиши кўпаяди, шу сабабли ҳам иккинчи даражадаги ҳимоя тартиби Ўрнатилади бу ҳимоя тартиби остона нархлари орқали амалга оширилади. Бу ҳимоя тартибини баъзида минимал импорт нархлари деб ҳам юритилади.

Остона нархлари маҳсулотни асосий истеъмол қилувчи зонага уни жўнатадиган асосий портдан олиб келиш харажатларини мақсадли нархлардан ажратиш натижасида аниқланади.

Дончиликда асосий дон истеъмол қиладиган зона Германиянинг Дисбург шаҳри деб қабул қилинган, донни жўнатадиган асосий порт еса Роттердам деб қабул қилинган.

Остона нархлари Ўзгарувчан импорт тарифини аниқлашнинг асоси ҳисобланади.

Ўзгарувчан импорт тарифлари остона нархлари билан дунё нархлари Ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Европа Ҳамжамити давлатлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импорти билан бир қаторда уларнинг экспорти билан ҳам шуғулланадилар.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг дунё нархлари, одатда, Европа Ҳамжамияти давлатларидагидан анча паст. Бундай ҳолда экспортни амалга ошириш маълум зарарлар билан боғлиқ. Бу зарарларни қоплаш учун экспорт билан шуғулланганларга экспорт субсидиялари берилади ва бу экспорт субсидияси дунё нархлари билан интервенцион нархлар ўртасидаги фарқ сифатида юзага чиқади.

Фермарлар экспорт билан шуғулланишлари учун махсус тендерда иштирок этадилар ва уни ютиб чиққанларга экспорт билан шуғулланиш ҳуқуқи берилади. Фақат тендерда ютиб чиққанларгагина экспорт субсидиялари берилади.

ХУЛОСА

Бугунги кунда озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш алоҳида олинган бир давлатда маълум чегараланишларга эга, чунки бундай давлатларнинг имкониятлари чекланган. Шу сабабли, бир нечта давлатларнинг Ўзаро келишган ҳолда озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил етиш натижаларини очади. Бу жиҳатдан биргалашиб ягона, бир сиёсат орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини Европа ҳамжамияти мисолида кўриш мумкин.

Шу жиҳатдан Марказий Осиё давлатларининг аграр соҳадаги имкониятларини келишилган ҳолда амалга оширишлари яхши самара бериши мумкин. Албатта, кейинги йилларда бу борада катта ишлар амалга оширилмоқда, масалан, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалалари ҳал этилмоқда.

НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

- 1. Европа ҳамжамияти давлатларининг ягона аграр сиёсати қачон амалга оша бошлади?**
- 2. Ушбу ягона аграр сиёсатининг моҳиятини тушунтириб беринг?**
3. Европа ҳамжамиятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларинг баҳосини тартибга солиш мезанизмларининг нимадан иборат?